

582

Т 60

Ш. ТОЖИБОЕВ

# ЎСИМЛИКЛАР СИСТЕМАТИКАСИ



28.592 943


582 Ш. Ж. ТОЖИБОЕВ

Т 60

# ЎСИМЛИКЛАР СИСТЕМАТИКАСИ

(ТУБАН ЎСИМЛИКЛАР)

ТОШКЕНТ «ЎҚИТУВЧИ» 1990



Ушбу ўқув қўлланмада тубан ўсимликлар систематикасининг қисқача тарихи, таксономик категориялар, ядроси шаклланмаган организмлар, бактериялар, цианалар, ядроли организмлар, замбуруғлар, замбуруғларнинг экологияси ва аҳамияти, багрянкалар, яшил сувўтлар, яшил сувўтларнинг филогенетик алоқалари, харакалар, қўнгир сувўтлар, сувўтларнинг тарқалиши ва экологик группалари, лишайниклар, лишайникларнинг келиб чиқиши ва аҳамияти баён этилган.

Мазкур қўлланма педагогика институтларининг биология факультетлари студентлари учун мўлжалланган.

Тақризчи: Фаргона Давлат педагогика институти ботаника кафедрасининг мудири, доцент Р. Шоназаров.

Т 60

**Тожибоев Ш. Ж.**

Ўсимликлар систематикаси (тубан ўсимликлар). Пед. ин-тларининг биол. фак. студ. учун қўлл., Т., Уқитувчи, 1990.—144 б.

**Таджибәев Ш. Ж.** Систематика растений (низшие растения). Пособие для студ. биол. фак. пед. ин-тов.

ББК 28.591я73

T 3704010000—273  
353(04)90 179—90

© «Уқитувчи» нашриёти, 1990.

ISBN 5—645—00926—6

## **СҮЗ БОШИ**

Ўсимликлар систематикаси, хусусан тубан ўсимликлар бўйича нашр этилган С. С. Саҳобитдиновнинг ўқув қўлланмаси ҳозирги замон талабига тўлиқ жавоб бермай қолди. Шунингдек педагогика институтларининг ўқув плани ва программаларига тегишли ўзгаришлар киритилди, мавжуд ўсимликлар систематикаси бўйича дарслик ва ўқув қўлланмаларига ҳам кейинги ийлларда биология фанларида кенг қўлланиладиган терминлар ва систематикага доир кўплаб таксонлар киритилди.

Республикамиздаги педагогика институтларининг биология, биология-химия, биология-қишлоқ хўжалиги асослари, география-биология, бошланғич таълим методикаси факультетлари студентлари, шунингдек сиртдан ўқийдиган студентлар ўзбек тилида адабиётлар етишмаслиги сабабли, программа материаларини тўлиқ ўзлаштиришда қийналмоқдалар. Ушбу қўлланмана шуларни ҳисобга олган ҳолда ёзилди.

Қўлланмани ёзишда, ўсимликлар систематикасига оид ўзбек ва рус тилларида нашр этилган дарсликлар, ўқув-методик қўлланмалар ҳамда мақолалардан фойдаланилди.

Мазкур қўлланмани ёзишда В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университетининг доцентлари К. Мусаев, Ф. Аҳмедова, К. Ибодов, Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институтининг профессори А. Ҳамидов, Ҳамид Олимжон номли Қарши Давлат педагогика институтининг доценти О. Назаров, Улуғбек номли Фарғона педагогика институтининг доценти Т. Худайбердиев, Андижон пахтачилик институтининг доцентлари М. Абдуллаев ва М. Мўминов ўртоқлар қимматли маслаҳатлари билан яқиндан ёрдам берганликлари учун муаллиф уларга ўз миннатдорчилигини билдиради.

Мазкур қўлланма ўзбек тилида биринчи марта нашр этилаётганлиги сабабли баъзи камчиликлардан ҳоли бўлмаслиги мумкин. Шунга кўра қўлланмадаги камчиликлар ҳақида ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирган китобхонларга муаллиф ташаккур изҳор қиласади.

Адрес: Тошкент, Навоий кўчаси, 30. «Ўқитувчи» нашриёти.

## ТУБАН ЎСИМЛИКЛАР СИСТЕМАТИКАСИННИГ ҚИСҚАЧА ТАРИХИ

Хозирги замон тубан ўсимликлар систематикаси ҳам узоқ муддат давомида кузатиш ва текширишлардан ўтган. Органик оламни иккита катта ўсимликлар ва ҳайвонлар дунёсига бўлиниши хаммага маълум. Машҳур швед табиатшуноси Карл Линней (1707—1778) ўзининг 1735 йилда нашр этилган «Табиатнинг системаси» номли асарида табиатни анорганик, яъни тошлар оламига ва иккита ўсимликлар ва ҳайвонлар оламига бўлган. Аммо, 1821 йили Фриз замбуруғларни алоҳида оламга ажратишни таклиф қилган. Шунга қарамай, бу таклиф бошқа олимлар томонидан қўллаб-қувватланмади.

XIX асрнинг ўрталарида баъзи олимлар ўсимликлар ва ҳайвонларга хос белгиларга эга бўлган организмлар группасига ёътибор бера бошладилар. Бу организмлар группасига хивчинлилар киритилиб, улар фотосинтез процессини амалга оширишига қарамай тубан замбуруғлар ва булутлар қаторига киритилган.

1860 йили Хогг тубан тузилган, ўсимликлар ва ҳайвонларга хос бўлган белгиларни ўзида мужассамлаштирган организмларни соддалилар Protostista оламига ажратишни таклиф қилди. Вильсон ва Кессин ҳам соддалиларни учинчи олам — Protista ажратишиди.

Геккелнинг 1866, 1878, 1894 йиллардаги алоҳида протистлар Protista оламини ажратиш ҳақидаги таклифи кўпчилик табиатшунос олимлар томонидан мамнуният билан қарши олинди. Бу оламга Геккел дастлаб булутларни, кейинчалик замбуруғларни ва, ниҳоят, бир ҳужайралилар ва улардан ташкил топган колониал организмларни киритди. Кейинчалик Геккел барча органик олам вакилларини иккита дунё — Protista ва Histones га, уларни яна ўз навбатида иккита ўсимликлар ва ҳайвонлар оламига ажратишни таклиф этди.

Геккел таклиф қилган «протистлар» термини биологияда кенг тарқалди, аммо турли муаллифлар бунга турлича талқин беришди. Баъзилар, Геккел таклиф қилгандек протистлар деганда бир ҳужайрали ва улардан ташкил топган колониал организмларни назарда тутсалар, бошқалар бу группага соддалилар, ўсимлик характеристидаги хивчинлилардан ташқари диатомсизмоллар, қизил ва қўнғир сувўтлар, замбуруғлар ва ҳатто яшил сувўтларни ҳам шу группага киритдилар. Бундан кўриниб турибдики, органик оламда протистларни алоҳида ажратиш тирик

организмлар систематикасида бирмунча қийинчиликлар туғдидары.

ХХ асрнинг бошларида баъзи олимлар Фризнинг замбуруғларни алоҳида олам сифатида ажратиш ҳақидаги таклифини яна қувватлай бошладилар.

1909 йили Мережковский ўсимликлар ва ҳайвонлардан ташқари Микоидлар оламини ҳам таклиф қилди. Бунга у бактериясимонлар, кўк-яшил сувўтлар ва замбуруғларни киритди. 1939 йили Конард органик дунёни учта оламга — ўсимликлар, ҳайвонлар ва замбуруғларга ажратди. Худди шундай фикрни 1952 йили Вага ҳам билдириди. Органик дунёни учта оламга бўлишни шу группадаги организмларнинг озиқланиш хусусиятига кўра асослади. Ваганинг фикрича бирламчи организмларда моддалар алмашинуви улар билан сув муҳитида бирикмалар орасида борадиган химиявий жараёнлар орқали амалга ошади. Бирламчи организмларнинг ҳалокати натижасида юзага келган ва атроф-муҳитдаги бирикмалардан кам фарқланадиган маҳсулотлар бошқа организмлар томонидан ўзлаштирилиши мумкин. Шунга кўра баъзи организмлар сапрофит озиқланишга ўтган бўлиши мумкин. Бундай организмлар группасига Ваганинг фикрича дастлабки сапрофитлар ва улардан эса бактериялар, шилимшиқ ва ҳақиқий замбуруғлар келиб чиқсан.

Бу учта организмлар группаси — бирламчи сапрофитлар, бирламчи автотрофлар (ўсимликлар) ва бирламчи ҳайвонлардан учта организмлар олами, яъни ўсимликлар, ҳайвонлар ва замбуруғлар вужудга келган.

Вага ўсимликлар оламига типик хлорофиллга эга бўлган ҳамда ҳозирги кунда хлорофиллсиз, аммо, хлорофилли бўлган аждодлардан келиб чиқсан ва уларда иккиласми сапрофит, паразит ва ҳатто йиртқичлик йўли билан озиқланадиган организмларни бирлаштириди. Замбуруғлар ёки мицеллар оламига Вага ҳақиқий замбуруғларни, шилимшиқлар ва бактерияларни киритди.

Ҳайвонлар оламига органик моддани ютиб, уни ҳазм қиладиган бошқа ҳайвонлар ва ўсимликлар билан озиқланадиган, ҳатто паразитлик қилиб ҳаёт кечирувчи организмларни бирлаштириди.

Ҳар хил группа организмларни морфологик белгилари, ҳатто цитологик хусусиятларига Вага унчалик эътибор бермади. Шунга кўра бактериялар ва кўк-яшил сувўтлар турли оламга кириб қолган.

ХХ асрга келиб ўсимлик характеридаги организмлардан бактериялар ва кўк-яшил сувўтлар алоҳида группа — дробянкиларга ажратила бошлади. 1853 йилдаёқ Кон кўк яшил сувўтлар ва бактерияларнинг ўзаро қариндошлиқ алоқалари борлигини айтиб, уларни битта *Schizosporae* тартиби ва *Tallophita* синфига киритган. Кейинроқ эса уларни *Schizophita* деб атаган.

1930 йили Циммерман ўсимлик характеридаги организмларни учта группага: 1) ядросиз талломли ўсимликлар — кўк-яшил

сувўтлар ва замбуруғлар; 2) ядро-талломли ўсимликлар — бошқа сувўтлар ва замбуруғлар; 3) баргпояли ўсимликлар — мохлар, псилофитлар, папоротниксимонлар ва очиқ уруғли ўсимликлар группаларига бўлди.

1938 йилда Копленд бактериялар ва кўк яшил сувўтлар алоҳида группа эканлиги ҳақидаги фикрни қувватлаб, органик дунёни тўртта оламга — монералар, протистлар, ўсимликлар ва ҳайвонларга бўлишни таклиф қилди. Монералар оламига ядросиз организмларни киритиб уларга бактериялар ва кўк яшил сувўтларни ҳам қўшди. Бу организмларни энг қадимги ва тирик организмларнинг дастлабки формалари деб ҳисоблади.

Ротмалер тирик организмларни тўртта оламга, агар вируслар ва бактериофагларни тирик организмлар деб ҳисобланса, бешта оламга бўлди:

1. Афанабионта — аниқ бўлмаган организмлар, вируслар ва бактериофаглар.

2. Акарибионта — дробянкалар: бактериялар ва кўк яшил сувўтлар.

3. Протобионта — дастлабки организмлар: пиррофитлар, қизил сувўтлар, қўнғир сувўтлар, замбуруғлар, эвгленалар, яшил сувўтлар, соддалилар.

4. Кормбионта (Кормофита) — ўсимликлар: псилофитлар, гулли ўсимликлар, мохлар, папоротниклар, очиқ уруғли ўсимликлар.

5. Гастробионта — ҳайвонлар.

Энглер ўсимликлар оламини қуйидаги 13 бўлимга бўлди:

- |                              |                          |
|------------------------------|--------------------------|
| 1. Увоқлилар                 | — <i>Sehilophyta</i>     |
| 2. Шилимшиқлар               | — <i>Phytosorcodinae</i> |
| 3. Хивчинлилар               | — <i>Flagellata</i>      |
| 4. Перидиниялар              | — <i>Dinoflagellata</i>  |
| 5. Ҳар хил хивчинлилар       | — <i>Heterocontae</i>    |
| 6. Маташувчилар              | — <i>Conjgatae</i>       |
| 7. Яшил сувўтлар             | — <i>Chlorophytae</i>    |
| 8. Ҳаралар                   | — <i>Charophyta</i>      |
| 9. Қўнғир сувўтлар           | — <i>Phaeophyceae</i>    |
| 10. Қизил сувўтлар           | — <i>Rhodophyceae</i>    |
| 11. Замбуруғлар              | — <i>Euglycetes</i>      |
| 12. Архегонийлар             | — <i>Archegoniaiae</i>   |
| 13. Эмбрион нағли ўсимликлар | — <i>Embryophyta</i>     |

Бу бўлимларнинг дастлабки 11 таси тубан ўсимликлардир.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, органик дунёни асосий группаларга бўлиш олимлар томонидан турлича талқин қилинади. Бунинг сабаби турли группа организмлар орасидаги ўзаро филогенетик муносабатларнинг мураккаблиги бўлса, иккинчидан муаллифларнинг бу масалани ҳал қилишдаги ўз олдиларига қўйган асосий критерий — ўлчов ва белгиларнинг турличалигидандир. Ўсимликларнинг сўнгги мукаммал систематикаси ботаникларнинг XII конгрессида 1974 йили қабул қи-

лингән. Лекин тубан ўсимликларнинг бўлимлари ушбу ўқув қўлланмада СССР Маориф министрлигининг 1986 йил 12-сонли программалари асосида жойлаширилди.

## ТАССОНОМИК КАТЕГОРИЯЛАР

Организмларни классификациялаш, системага солиш, уларнинг келиб чиқиши жиҳатидан бир-бирлари билан алоқадорликларини биологиянинг бир тармоғи бўлган систематика ўрганиди. Агар органик олам бир хил тузилган мавжудотлардан иборат бўлганда эди, систематиканинг ўзи ҳам бўлмасди. Ҳақиқатан ҳам тирик мавжудотлар олами шунчалик турли-туманки дастлабки ҳисобларга кўра табиатда ҳайвонлар 1 миллиондан ортиқроқ (баъзи зоологларнинг таъкидлашича 2 миллиондан ҳам кўпроқ) ни, ўсимлик турлари эса тахминан 350 мингчани ташкил этади.

Барча ўсимликлар олами энг олий категорияга бирикиб босқичма-босқич бир-бирига бўйсунадиган таксонлар системасини ўз ичига олади. Шунга кўра систематик категориялар табиатдаги хилма-хил формалар ҳақидаги маълумотларни изчил системага бирлаштириш функциясини бажаради. Шундай система яратилиши керакки, у табиатдаги объектив мавжудликни акс эттириши, бир сўз билан айтганда амалий жиҳатдан қулай бўлиши лозим.

Систематикада сон-саноқсиз ўсимлик турларини ўхшаш белгиларига, қариндошлиқ даражаларига, озиқланишига ва келиб чиқишига қараб, уларни бир-бирига бўйсунадиган таксонлар ёки систематик категорияларга бирлаштирилади.

Систематикада асосий, энг кичик систематик бирлик ёки таксон турдир (*species*). Ҳар қайси тур бир туркумга (*genus*) бирекади. Туркум қариндошлиқ алоқалари бўлган турларнинг йиғма таксономик категориясидир. Туркум жуда кўп ёки бир неча, ҳатто битта турдан иборат бўлиши мумкин. Туркум ўз навбатида кенжа туркумга, кейин эса секцияларга бўлиниши мумкин.

Ўзаро яқин ва ўхшаш бўлган туркумлар тўпланиб, систематик категория — оиласи (*familia*) ташкил қиласди. Оиласининг номи шу оиласа мансуб йирикроқ туркумнинг номига — асеае қўшимчаси қўшиб ҳосил қилинади. Масалан, *Volvocaceae* (вольвокслар) *Volvox* туркумидан.

Олий таксономик категориялар тартиб, синф, бўлим ва оламдир. Бу категориялар орасидаги фарқ оила ва тур ўртасидаги нисбатларга ўхшаш бўлади.

Тартиб (*ordo*) таксономик категориялар ичидаги энг муҳими бўлиб, келиб чиқиши жиҳатидан бир-бирига яқин бўлган бирёки бир неча оиласи ўз ичига олади. Тартибининг номи унга мансуб бўлган бирор характерли оиласининг номидан ҳосил бўлиб — *ales* қўшимчаси билан номланади. Масалан, *Volvocales*.

Кейинги таксономик категория синфдир (*classis*). Синф тартибга қараганда бир-биридан кескин фарқ қиласи. Шунга кўра синфларнинг сони кўп эмас. Синфнинг номи бирор тур ва у билан номланадиган тартиб билан номланниб, сувўтларда — *physeae*, замбуруғларда — *mucetes*, юксак ўсимликларда — *opsida* қўшимчалиги билан қўшиб номланади. Масалан, сувўтлардан *Volvocophyseae*, замбуруғлардан *Ascomycetes*. Баъзи йирик, бир-биридан кескин фарқланувчи бир қанча тартибларни ўзига бириттирган синфлар кенжаси синфларга бўлинади.

Синфлар ўз навбатида бўлимларга (*divisionis*) бирикади. Улар ривожланиши ва тузилиши жиҳатидан бир-биридан муҳим хусусиятлари билан фарқланади. Бўлимлар ўсимликлар оламининг филогенетик ривожланишидаги шажарарага тўғри келади. Бўлимлар ҳам кўп эмас. Сувўтлар ва юксак ўсимликлар бўлимлари номига — *phyta*, замбуруғларга эса — *mucota* қўшимчалиги қўшиб айтилади. Масалан, *Chlorophyta* (яшил ўсимликлар), *Rhodophyta* (қизил сувўтлар), *Phaeophyta* (қўнғир сувўтлар) ва ҳоказо. Тубан ўсимликлар *Tallobionta*, юксак ўсимликлар эса *Embryobionta* кенжаси дунё (царство)дир. Ўсимликлар олами К. Линней номлаганидек *Vegetabilis*, баъзан *Plantae* деб номланади.

### Олий таксонларнинг йиғма жадвали.

**A. Ядроси шаклланмаган организмлар катта олами** (*Procyota*). Ядрода мембрана бор, ҳақиқий ядро йўқ, ирсий белгилар нуклеотидларда мужассамлашган. ДНК-дезоксирибонуклеин кислота ҳалқасимон шаклдаги якка ип кўринишида. Жинсий қўпайиш бўлмайди, аммо ирсий материаллар бошқа жараёнлар давомида алмашиниб олади. Центриола ва митотик марказий ип бўлмайди, ҳужайранинг бўлинishi амитотик тарзда ўтади. Пластида ва митохондрийлар йўқ. Ҳужайра пўстининг таянч қисми бўлиб глүопептид муреин хизмат қиласи. Хивчинсиз, агар бўлса оддий тузишган. Кўпчилик вакиллари молекуляр азотни ўзлаштиради. Облигат ва факультатив анаэроб ва аэроблар. Озиқланиши, озиқ моддаларни ҳужайра пўсти орқали шимиб олиши билан — абсоротив (сапротроб ёки паразит) ёки автотроф. Ҳазм қилувчи вакуолалар бўлмайди, баъзан газ вакуолалар мавжуд. Бунга битта гуруҳ Дробянки (*Mycota*) олами кириб, унга эса 2 та кенжаси олам бириккан (1-расм).

1. **Бактериялар кенжаси олами** (*Bacteriobionta*) Озиқланиши гетеротроф ёки автотроф. Хлорофилли бўлса, у бактериохлорофилл қўринишида. Фикоцианин ва фикоэрритрин бўлмайди. Фотосинтез натижасида молекуляр ҳолдаги кислород ажralиб чиқмайди. Оддий хивчининг эга. Бунга бактериялар билан актиномицетлар, микоплазмалар ҳамда вируслар кириши мумкин.

2. **Цианалар ёки кўк-яшил сувўтлар кенжаси олами** (*Cyanobionta*). Озиқланиши автотроф. Хлорофилл,

хлорофилл *в* кўринишда. Фотосинтез жараёнида билипротеинлар группасига мансуб фикоцианин ва фикоэритрин пигментлари қўшимча тарзида иштирок этади. Фотосинтез жараёнида молекуляр ҳолдаги кислород ажралади. Хивчинлари бўлмайди. Бунга цианалар (кўк-яшил сувўтлар) киради.

### **Б. Ядроли организмлар катта олами (Eucaryota).**

Ядро мембранасига эга бўлган ҳақиқий ядроли организмлар. Ядродаги ирсий материал хромосомаларда — мураккаб тузилишдаги ДНК ва оқсили ипидан иборат ҳосилаларда. Типик жинсий жараён боради, баъзан апомиксис (жинсий органлар мавжуд бўлса ҳам уруғланмасдан кўпайиш, масалан, партеногенез) рўй беради. Центриола ва митотик марказий ип мавжуд, ҳужайранинг бўлинини митотик тарзда боради. Пластидалар, митохондрийлар ва яхши ривожланган эндоплазматик мембрана системаси мавжуд. Хивчинлари мураккаб тузилган. Атмосфера азотини ўзлаштиrmайди. Аэроблар ёки камдан-кам иккиласми анаэроб. Озиқланиши абсорбтив (ҳужайра пўсти орқали шимиш билан), автотроф ва голозой. Ҳазм қилувчи замбуруғлар бор. Бунга учта олам — ҳайвонлар (Animalia), замбуруғлар (Mycetalia) ва ўсимликлар (Vegetabilia) киради.

Ўсимликлардан ҳайвонлар ва замбуруғлар фарқланиб улар гетеротроф, аввалам бор бирламчи гетеротрофлардир. Ҳужайрасининг плазматик мембранаси сиртида тифиз ҳужайра пўсти йўқ ёки у хитин моддасидан, камдан-кам целлюлозадан иборат. Запас ҳолдаги углеводлар гликоген шаклида.

#### **I. Ҳайвонлар олами (Animalia).**

Ҳужайрасининг тифиз-қалин пўсти бўлмайди. Озиқланиш одатда голозой, озиқни ҳайвоннинг ичига ютилиши билан баъзи вакилларида абсорбтив ҳолат рўй беради. Кўпайиши ва тарқалиши спораларнинг ёрдамисиз (Protozoa синфига мансуб содалардан ташқари). Актив серҳаракат организмлар, айримлари ўтроқ (иккиласми формалари).

#### **II. Замбуруғлар олами (Mycetalia, Fungi ёки Mycota).**

Ҳужайранинг тифиз пўсти яққол ифодаланган (одатда хитин, камдан-кам целлюлозали), баъзан мембрана кўринишида. Озиқланиши одатда абсорбтив, баъзан голозой. Кўпайиши ва тарқалиши споралар ёрдамида. Субстратга бириккан ва ўсиши чекланмаган организмлар.

#### **1. Тубан замбуруғлар кенжа олами (Mycobionta).**

Вегетатив даври плазмодий (ҳаракатчан, кўп ядроли ҳужайраси пўстсиз протоплазматик масса) ёки псевдоплазмодийдан (ҳужайраси пўстсиз бир ядроли амёбасимон) иборат. Озиқланиши голозой ва абсорбтив йўл билан. Ҳужайраларда хивчин бўлса, у иккита ва ҳар хил узунликда. Спорангийдаги (споралар ҳосил қилувчи) споралар одатда кўп миқдорда. Бунга шилимшиқлар бўлими (Мухомпсона) киради.

#### **2. Юксак замбуруғлар кенжа олами (Mycobionta).**

Вегетатив даври ипчалардан (гифалар) ёки ҳужайра пўсти

Яққол ифодаланган ҳужайралардан иборат. Озиқланиши фақат абсорбтив тарзда. Хивчинли ҳужайралари, агар улар бўлса, битта ёки иккита бўлиб, мураккаб тузилган. Бунга ҳақиқий замбуруғлар (*Eumycota*) киради.

III. Усимликлар олами (*Vegetabilia* ёки *Plantae*).

Автотроф организмлар ёки иккиласми гетеротрофлар.

Ҳужайраси тифиз пўстли, одатда целлюлозадан, камдан-кам хитиндан иборат. Запас озиқ модда крахмал кўринишида тўплланган.

1. Багрянкалар кенж олами (*Rhodobionta*). Хлорофилл *a*, баъзан хлорофилл *d* тутган, аммо хлорофилл *b* ва *c* бўлмаган ўсимликлар. Хивчинлари ва центриолари йўқ. Қўшимча пигментлар-фикасиан ва фикоэритрин фотосинтезда иштирок этади (цианларга ўхшаб). Асосий запас озиқ модда сифатида хлорид-озид (бир молекула галақтоза ва бир молекула глицериндан ташкил топган бирикма) ва махсус «багрянка» крахмали тўплаиди.

2. Ҳақиқий сувўтлар кенж олами (*Phycobionta*).

Гаметангийлари (жинсий органлари) ва спорангийлари (спора ҳосил қилувчи органлар) бир ҳужайрали ёки йўқ. Зиготаси одатда кўп ҳужайрали муртакка айланмайди. Эпидермис ва устицаси йўқ ўсимликлар.

3. Юксак ўсимликлар кенж олами (*Embryobionta*). Гаметангий ва спорангийлари кўп ҳужайрали ёки редукцияланган. Зигота одатда кўп ҳужайрали типик муртакка айланади. Эпидермисли ва устицали ўсимликлар.

Органик оламнинг 4 та дунёга бўлиниши эволюция нуқтаси назардан асосланган бўлиб, у қуйидаги схема бўйича ифодаланади (1-расм). Ўсимликлар олами одатда тубан ва юксак ўсимликларга бўлиб ўрганилади.


Тубан ўсимликларга қуйидаги бўлимлар киради.

- |                        |                          |
|------------------------|--------------------------|
| 1. Бактериялар         | — <i>Bacteriophyta</i>   |
| 2. Кўк-яшил сувўтлар   | — <i>Cyanophyta</i>      |
| 3. Пиррофитлар         | — <i>Rugophyta</i>       |
| 4. Тилларанг сувўтлар  | — <i>Chrysophyta</i>     |
| 5. Диатом сувўтлар     | — <i>Bacillariophyta</i> |
| 6. Қўнғир сувўтлар     | — <i>Phaeophyta</i>      |
| 7. Қизил сувўтлар      | — <i>Rhodophyta</i>      |
| 8. Сариқ-яшил сувўтлар | — <i>Xantophyta</i>      |
| 9. Эвглена сувўтлар    | — <i>Euglenophyta</i>    |
| 10. Яшил сувўтлар      | — <i>Chlorophyta</i>     |
| 11. Харалар            | — <i>Charophyta</i>      |
| 12. Шилимшиқлар        | — <i>Myxophyta</i>       |
| 13. Замбуруғлар        | — <i>Mucophyta</i>       |
| 14. Лишайниклар        | — <i>Lichenophyta</i>    |

Ядроси шакланмаган тубан организмлар - *Prokaryota*



Ядроси шакланған юксак организмлар - *Eucaryota*



1-расм. Органик өолам классификациясы.

Юксак үсімдіктарга қойылады бүлімлар киради:

1. Риниялар ёки Псилофитлар — Rhinophyta
2. Мохлар — Bryophyta
3. Псилофитлар — Psilophyta
4. Плаунлар — Lycopodiophyta
5. Қирқбұғимилар — Equisetophyta
6. Папоротниклар — Polypodiophyta
7. Очық уруғелілар — Pinophyta ёки Gymnospermae
8. Гүлли үсімдіктар ёки ёпик уруғелілар — Magnoliophyta ёки Angiospermae.

# ЯДРОСИ ШАКЛЛАНМАГАН ОРГАНИЗМЛАР КАТТА ОЛАМИ

## ВИРУСЛАР

Вируслар 1892 йили рус олымы Д. И. Ивановский томонидан кашф қилинганды. Д. И. Ивановский тамаки ўсимлигидаги мозайка (чипорланиш) билан касалланган барг ширасини — бактерияларни тутиб қолувчи чинни фильтрдан ўтказып, ундан ўтган суюқлик билан соғлом ўсимликни касаллантирганда чипорланиш белгилари яна содир бўлди. Касалланган тамаки баргининг кўндаланг кесмаларини микроскоп остида ўрганиб, ҳужайра ичидаги вирус зарралари борлигини аниқлади.

Д. И. Ивановский кашфиётидан кейин хилма-хил касалликларни юзага келтирадиган вируслар аниқланди. Вируслар шунчалик кичикки, улар оддий бактерияларни тутиб қолувчи фильтрдан ҳам осон ўта олади. Уларнинг катталиги миллимикронлар (ммк)лар билан ўлчанади.

Вирусларнинг химиявий тузилишини ўрганиш улар асоса нуклеин кислота, оқсил ва кул элементларидан ташкил топганлигини кўрсатди. Мураккаб тузилган вируслар таркибида липоидлар ва углеводлар ҳам бўлади. Агар вируслар мураккаблигига қараб бир қатор жойлаширилса, улар жонсиз органик материя билац жонли бир ҳужайрали организмлар орасидаги бўшлиқни тўлдиради.

Одатда вируслар таёқчасимон, ипсимон, шарсимон, тухумсимон тузилишга эга бўлади. Тамаки мозайкаси вируси таркибида молекуляр оғирлиги 18000 бўлган оқсил ва молекуляр оғирлигига 2 миллион бўлган нуклеин кислота бор. Вирус зарраси ичидаги спиралсимон жойлашган нуклеин кислота ва унинг атрофидаги оқсил парда бўлади. Агар вирус заррасидан нуклеин кислотани химиявий йўл билан ажратиб олиб, уни соғлом тамаки баргига юқтирилса, баргда касаллик аломатлари кузатилади. Соғлом баргга вирус оқсили юқтирилса, касаллик аломатлари кузатилмайди.

Ҳужайрага вирус юқтирилгандан кейин у ерда ўзига ўхшашибillionlab вирус заррачалари ҳосил бўлади. Вируснинг ҳужайрага киришидан то кўпайишигача бир неча давр ўтади. Биринчи давр — латент даври. Бунда вирус заррачалари сони ўзгармайди. Дастрлаб вирус заррачалари ҳужайрада умуман учрамайди ва бу давр экликс (йўқолиш) дейилади. Иккинчи давр — вирус заррачалари сонининг ошиш даври ва у вирусларнинг ҳужайрадан чиқиши билан тугайди.

Вируслар табиатда ҳужайрадан ташқарида вирион ва ҳужайра ичидаги вегетатив формада учрайди.

Мураккаблиги ва хусусиятларига кўра вируслар шартли равишда қўйидаги группаларга бўлиб ўрганилади.

1. Таёқчасимон вируслар. Бу группа вируслар цилиндр шаклида бўлиб, уларга тамаки чипорланиш касаллиги вируслари группаси дейилади.

2. Ипсимон вируслар. Улар эгилувчан ва бир-бири билан маташиш хусусиятига эга. Бу группа вируслар асосан ўсимликларда учрайди.

3. Шарсимон вируслар. Бу группага жуда күп ҳайвон, ўсимлик, ҳашарот, замбуруғ, сувұтлар ва бактериофаг вируслар киради. Шарсимон вируслар күп қиррали шарга ўхшаң бўлади.

4. Тухумсимон вируслар ўсимликларда учраб, шакли тухумга ўхшаш бўлади.

5. Мураккаб вируслар. Бу группага биологияси ва морфологик тузилиши хилма-хил бўлган, юқорида келтирилган группалардан ўзининг мураккаб тузилганилиги билан фарқ қилиувчи вируслар киради. Вирусларнинг баъзилари танлаб таъсир қилиш хусусиятига эга бўлса, бошқалари ундаи эмас. Кўпчилик вируслар тупроқда, сувда, ҳавода ва бошқа муҳитларда узоқ вақт ўз ҳолатини сақлаб қолиши мумкин. Чунончи айрим турлари узоқ вақт қурғоқчиликка, юқори температурага, баъзи химиявий моддаларнинг таъсирига яхши бардош беради. Баъзи тур вируслар эса одамларда, ҳайвонларда ва ўсимликларда турли-туман касалликларни келтириб чиқаради.

## БАКТЕРИЯЛАР КЕНЖА ОЛАМИ


Бактериялар «bacterion»—таёқча сўзидан олинган бўлиб микроскопик тузилишга эга. Табиатда бактериялар энг кўп тарқалган организмлардир. Кўпчилик бактериялар таёқчасимон тузилган бўлиб, узунлиги 2—3 ва кўндаланг кесими 0,1 миллимикрон келади.

Бактериялар кичик ўлчамда бўлиши билангина характерланиб қолмай, уларнинг ҳужайрасида мембрана билан ўралган ҳақиқий ядро бўлмайди. Унинг ўрнида цитоплазмадан мембрана билан ажралмаган, таркибида ДНК (дезоксирибонуклеин кислота) тутган нуклеотид бўлади. Ҳужайрасида ҳақиқий ядро-си бўлмаган организмларни прокариотлар дейилади. Шунга кўра бактериялар прокариот организмлардир. Бактериялар ҳужайрасининг шакли таёқча, шар, спирал кўринишларда бўлади. Кўпайиши ҳужайранинг оддий бўлиниши билан, баъзи турларида споралар ҳосил қилиш билан боради.

Бактериялар ҳужайрасининг умумий схематик тузилиши бирмунча мураккаб бўлиб, турли систематик группаларга киравчи бактерияларда специфик тузилишга эга (2-расм).

Бактерияларда ҳужайра пўсти уларга маълум шакл бериб, ҳимоя ва таянч вазифасини бажаради. Уларнинг бу хусусияти бактерияларни ўсимликлар ҳужайраси билан яқинлигини кўрсатади.

Ҳайвонларда ҳужайра пўсти бўш, ўзи эса мулойим бўлади. Пўст гликопептид — муреин моддасидан иборат бўлиб, ўтказувчанлик хусусиятига эга: озиқ моддалар ҳужайрага ва моддалар алмашинувида ҳосил бўлган моддалар ҳужайрадан ташқарига



2-расм. Бактерия ҳужайрасининг  
электрон микроскопдаги күрниши.

чиқади. Катта молекуляр мас-  
сага эга бўлган йирик молеку-  
улалар ҳужайрага кира ол-  
майди.

Ҳужайра пўсти шилимшиқ  
модда — капсула билан ўрал-  
ган. Унинг қалинлиги баъзан  
ҳужайраникidan бир неча мар-  
та қалин ёки жуда юпқа бў-  
лиши мумкин.

Ҳужайра цитоплазмасида  
рибосома, митохондрий, плас-  
тидалар ва бошқа органоид-  
лар ҳамда запас озиқ модда-  
лар бўлади. Цитоплазма бир-  
мунча мураккаб ва нозик ту-  
зилишга эга. Унинг алоҳидә  
физик ва химиявий хусусиятга  
эга бўлган ташқи қаватини ци-  
топлазматик мембрана деб-  
юритилади.

Бу мембрана ҳужайрага  
озиқ моддаларнинг кишини  
ва ундаги ташландиқ моддаларнинг чиқиб кетишини таъ-  
минлайди, ҳужайра пўсти ва  
капсуланинг таркиби қисм-  
ларини синтез қиласи ва ни-  
ҳоят муҳим биологик катали-  
заторлар — ферментларни ўзи-  
да тутиб қолади. Мембрана  
билин оқсил синтезловчи ри-  
босома ҳам алоқада бўлади.  
Мембрана эса химиявий тузи-  
лишига кўра липопротеидлар-  
дан иборатdir.

Бактериялар цитоплазмасида мингдан ортиқ таркиби РНК  
ва оқсилдан иборат рибосомалар бўлади. Улар цитоплазмада  
эркин ҳолда ёки мембрана билан алоқада бўлиши мумкин. Бун-  
да улар бир-бiri билан боғланиб полирибосомани ҳосил қила-  
ди. Цитоплазмада турли катталикдаги ва шаклдаги гранула-  
ларни кўриш мумкин. Улар доимий бўлмай бактерия яшаётган  
озиқа муҳитининг физик ва химиявий шароитига боғлиқ бўлади.  
Цитоплазмадаги қўпчилик запас озиқ моддалар ҳужайрани  
энергия ва углерод билан таъминлайди. Бактериялар цитоплаз-  
масидаги гранулалар эса крахмал ёки гликогендан иборат бў-  
лади.

Баъзи бактериялар қандли озиқа муҳитида ёғ томчиси ёки  
волютин ҳосил қиласи. Ҳужайра цитоплазмасининг марказий


қисмидә ДНҚ (дезоксирибонуқлеин кислота)дан иборат ядро мөддаси бор:

Бактериялар бошқа организмларга қараганда бирмунча сод-да тузилган бўлишига қарамай, табиатда моддалар алмашину-видага катта роль ўйнайди. Уларнинг иштирокида мураккаб ор-ганик моддалар — ўсимлик ва ҳайвон қолдиқлари, оддий миен-рал бирикмалар, карбон кислоталар, нитратлар, сульфатлар, аммиак каби дастлаб ўсимликлар, улар орқали ҳайвонлар ўз-лаштирадиган моддалар ҳосил бўлади. Баъзи бактериялар учун тайёр органик моддалар — аминокислоталар, углеводлар, вита-минлар уларнинг озиқа муҳитида бўлиши лозим. Бундай мик-роорганизмларни гетеротрофлар дейилади. Бактериялар ораси-да мустақил озиқланувчи автотроф турлари ҳам бўлади. Ҳар бир организмнинг ҳаёт тарзи уни тўхтовсиз энергия билан таъ-минлаб туриш орқали амалга ошади.

Гетеротроф микроорганизмлар бу энергияни органик моддаларни кислород иштирокида оксидлаб ёки кислородсиз бижгиший ўёли билан олади. Карбон кислотани ўзлаштириш натижасида органик моддаларнинг синтезланишига хемосинтез дейилади. Турли бирикмалар фақат атмосфера кислороди билангина эмас балки кислородли бирикмалар — нитратлар, сульфатлар ва карбонатлар орқали ҳам оксидланади.

Микроорганизмлар кислородсиз шароитда органик моддаларнинг бижфишига сабаб бўлади. Бижфишнинг турлари жуда кўп. Улардан энг муҳимлари қўйидагилар.

**Спиртли бижгиш.** Бунда углеводлардан этил спирти, карбонат ангидрид ҳосил бўлиб, энергия ажралиб чиқади. Бу жараён қуйидаги тенглама билан ифодаланади:



Мой кислотали бижгиш натижасида охирги маҳсулот бўлиб мой кислота ҳосил бўлади ва бу жараён қўйидаги тенглама билан ифодаланади:



Сут кислотали бижгишда пировард натижада сут кислотасын досыл бўлади ва бу жараён қуйидаги тенглама билан ифодаланади:



Сутдан чучук қатиқ, кефир, творог тайёрлашда ана шу жа-раёндан фойдаланилади. Сут кислотали бижгиш помидор, бод-ринг, карамдан қишига консервалар тайёрлашда ҳам кенг құлла-нилади, чунки ҳосил бўлган сут кислота уларни узок сақлашда-

ташқары помидор, бодринг, карамга алоҳида маза ҳам беради.


Бактериялар кенже олами 3000 дан ортиқ турни ўз ичига олади ва 4 та синфга бўлинади. 1-синф — типик бактериялар ёки эубактериялар — *Eubacteriae*; 2-синф — Актиномицетлар — *Actinomycetes*; 3-синф — Миксобактериялар — *Myxobacteriae*; 4-синф — Спирохеталар — *Spirochaeae*.

### Типик бактериялар ёки эубактериялар синфи — *Eubacteriae*.

Бу ҳажми ва хилма-хиллиги жиҳатидан бактерияларнинг энг катта синфи ҳисобланади. Уларнинг тузилиши содда, типик ядролари йўқ. Ҳужайра пўсти юпқа, аммо зич, шу туфайли шакллари ўзгармай доимо сақланади. Ҳужайра тузилиши таёқча, шар ва спирал шаклда. Ҳужайранинг кўндалангига оддий бўлинниши билан кўпаяди. Кўпчилиги хивчинлар ёрдамида ҳаракатланади. Хивчинлари ҳужайранинг қутбларида ва танасининг ҳамма қисмида жойлашган. Баъзи вакиллари эндоген споралар ҳосил қиласди. Бу синфга кирувчи бактериялар гетеротроф, автотроф озиқланади. Ҳужайра тузилишининг шаклига кўра бактериялар: 1) шарсимон тузилганлар — кокклар; 2) таёқчасимон ёки цилиндрисимон — бациллалар; 3) вергульсимонлар деб юритилади.

Кокклар жуфт ҳолда жойлашса — диплококк; тўрттадан бўлса — тетракокк; маржонсимон тузилса — стрептококк; шингиль шаклида бўлса — стафилакокк деб аталади.

Кўпчилик бактериялар хивчинлари ёрдамида ҳаракатланиш қобилиятига эга. Хивчинлари битта, иккита, тўртта ёки бир қанча бўлиб, ҳужайранинг бир учидаги алоҳида ва тўп ҳолда жойлашиши ёки ҳамма сиртини бутунлай эгаллаб олиши мумкин. Хивчини битта бўлса, монотрих, тўп бўлиб жойлашса лофотрих, ҳужайра сиртини бутунлай эгалласа перитрих деб аталади (3-расм).



3-расм. Бактерияларнинг хивчинлари.  
A — монотрих; B — лофотрих; C — перитрих.

Бактериялар табиатда жуда кўп миқдорда ва кенг тарқалган. Республикаизда энг кўп тарқалган бўз тупроқнинг ҳар бир грамидаги 50—100 млн. бактерия бор. Ифлос оқава сувларнинг 1 см<sup>3</sup> да 10 минглаб миқдорда: иирик индустрлашган шаҳарнинг 1 м<sup>3</sup> атмосфера ҳавосида 100 мингтагача бактерия бўлади.

Типик бактериялар синфи 4 та тартиби: типик бактериялар — *Eubacteriales*; хламидобактериялар — *Chlamydotibacteriales*; темир бактериялар — *Ferribacteriales*.

ва олтингугурт бактериялар — *Thiobacterales* ларига бўлинади.

Типик бактериялар тартибига ҳужайра шакли ҳар хил бўлган монотрих ва перитрих хивчинли эндоген споралар ҳосил қилувчи бактериялар киради. Бу тартибга микрококк — *Micrococcus*, стрептококк — *Streptococcus*, бацилла — *Bacilla*, спирилла — *Spirilla* мисол бўлади.

Хламидобактериялар ипсимон тузилган, уларга ҳужайра пўсти устидаги шилимшиқ моддада темир бирикмалари тўпловчи бактериялар киради. Бу тартибга кладотрикс — *Cladothrix*, кренотрикс — *Crenothrix*, тиотрикс — *Thiothrix* ва сфаеротилис — *Sphaerotilis* мисол бўлади.

Темир бактериялар бир ҳужайрали бўлиб, ҳужайра атрофида темир бирикмаларини тўплаш хусусияти билан характерланади. Бу тартибга галлионелла — *Gallionella*, невския — *Nevskia*, паштерия — *Pasteuria* мисол бўлади.

Олтингугурт бактериялар бир ҳужайрали тузилган, уларга водород сульфидни оксидлаб цитоплазмасида олтингугурт тўпловчи бактериялар киради. Бу тартибга хроматиум — *Chromatium*, ахроматиум — *Achromatiun*, тиофиза — *Tyaphysa* мисол бўлади.

**Миксобактериялар синфи** — *Mycobacteriae*. Миксобактериялар таёқчасимон ва шарсимон бўлиб, ҳужайра пўстининг эластиклиги туфайли ҳаракатланганда танасининг шаклини ўзгартириши мумкин. Хивчинлари бўлмайди. Ҳаракатланиши ҳужайрани сирпаниши ҳисобига бўлади. Кўпчилигининг тараққиёти даврида рангли банд ва бошчадан иборат хилма-хил шаклдаги писта ва меватана вужудга келади.


Миксобактериялар табиатда кенг тарқалган бўлиб тупроқда, гўнгда ва сувда яшайди. Бу синфга цитофага — *Cytophaga* мисол бўлади.

**Спирохеталар синфи** — *Spirochaetae*. Бу синфга ҳаракатчан, спиралсимон тузилган, ҳужайра пўсти эластиклиги туфайли ҳаракатланиши махсус қисмнинг марказий или ёрдамида амалга оширадиган органоиди бактериялар киради. Спирохеталарга лектоспира — *Leptospira*, боррелия — *Borellia* мисол бўлади.

**Актиномицетлар синфи** — *Actinomycetes*. Тузилиши жиҳатидан ҳам бактерияларга, ҳам замбуруғларга ўхшаш микроорганизмлар актиномицетлар синфига биринкан. Актиномицетлар ҳужайрасининг тузилиши ва ривожланиши, морфологик, физиологик, биохимиявий ва сунъий шароитда ўстириб кўпайтиришдаги хусусиятларига қараб бир-бираидан фарқланади. Тузилишига кўра тубан ва юксак группаларга бўлинади. Юксак тузилган актиномицетларда яхши ривожланган мицеллий бўлади. Моддали қаттиқ озиқ муҳитида ўстирилган актиномицетларнинг субстрати ичida унинг сиртида ва субстратдан бирмунча кўтарилиб турдиган спиралсимон буралган мицеллийси мавжуд.

Актиномицетларнинг ҳужайраси бир неча асосий компонентдан иборат, унинг пўсти шилимшиқ капсула билан ўралган. Пўст остидаги цитоплазматик мембрана моддалар алмашинувила ва

бўлиниб кўпайишда иштирок этади. Цитоплазмада ядро мόддасини тутган нуклеотид мавжуд. У хусусий мембанага эга эмас. Актиномицетлар мицеллийнинг алоҳида бўлакларга бўлиниб кетиши ва споралар ҳосил қилиш билан кўпаяди. Споралар озиқ муҳитидан бирмунча кўтарилиб турадиган ҳаво мицеллийларда юзага келади. Улар икки хил: 1) мицеллийнинг бир қисмини шар кўринишдаги бўлакларга бўлиниб, 2) мицеллийни маҳсус қисмини спорабандли қисмларга (споре) ажралиб кетиши билан ҳосил бўлади (4-расм). Споралар озиқ муҳитли қулай шароит-



4-расм. Актиномицетлар: 1 — колонияси; 2 — 4-турли шаклдаги спорабандлари; 5 — споранинг ҳосил бўлиши; 6 — споранинг униш.

га тушганда бир ёки ўсимта кўринишида бир неча мицеллий ҳосил қилиб унади.

Актиномицеллар табиатда кенг тарқалган. Улар тупроқда, сувда, ўсимлик ва ҳайвон қолдиқларида учрайди ва табиатда моддалар алмашинувида муҳим роль ййнайди. Қўпчилиги са-профит бўлиб органик қолдиқларни парчалашда актив қатнашади.

Актиномицетлар озиқ муҳитида ўсанда турли-туман биологик актив моддалар ҳосил қиласди. Юксак тузилган актиномицетлар 2 тартибга бўлинади: ҳаракатчан актинопланалар — *Actinoplanales* ва ҳаракатланмайдиган актиномицетлар — *Actinomycetales*.

Бактерияларнинг табиатда ва кишилар ҳаётидаги роли бенихоя катта. Уларсиз табиатда моддаларнинг бир турдан иккинчи турга ўтиб айланиши рўй бермайди. Бактериялар асосан гетеротроф организмлар бўлганлиги туфайли ўзининг ҳаётий жараёнлари учун зарур бўлган энергияни асосан органик ва қисман анорганик моддалардан олади. Бактериялар бу моддаларни парчалаб, оддий моддаларга айлантиради ва шу жараёнда ҳосил бўлган энергия ҳисобига озиқланади. Органик моддаларни анорганик моддаларга айлантириш бактерияларнинг асосий хусусияти бўлиб, бунинг натижасида табиатда моддаларнинг айланниши давом этади.

Маълумки, яшил ўсимликлар қуёш нури ёрдамида карбонат ангирид ва сувдан органик модда — глюкоза ҳосил қиласди. Ўсимлик ёки бошқа ҳайвонлар билан озиқланадиган ҳайвонлар ҳам органик модда ҳосил қиласдилар. Бу органик моддалар маълум вақтдан кейин бактериялар (қисман замбуруғлар) таъсирида ўсимликлар ўзлаштира оладиган шаклдаги анорганик моддаларга айланади. Оқсилли моддалардан чиритувчи бактериялар таъсирида аммиак ва бошқа парчаланиш маҳсулотлари ҳосил бўлади. Аммиак азот ўзлаштирувчи бактериялар таъсирида ўсимлик ўзлаштира оладиган нитратларга айланади.

Бу билан табиатда азотнинг айланиши якунланади. Нитратли тузларни парчаловчи бактериялар — денитрификаторлар тупроқда бу тузларни молекуляр ҳолатдаги эркин азотга айлантиради, азот ўзлаштирувчи бактериялар эса уларни ўз навбатида яна боғланган ҳолатдаги азот формасига етказади.

Оқсил моддаларнинг чириши натижасида ҳосил бўлган водород сульфидни олтингугурт бактериялар ўсимликлар ўзлаштира оладиган сульфат кислотанинг тузларига айлантиради.

Оқсил моддаларнинг чиришидан ҳосил бўлган фосфор органик бирикмалар, фосфат кислотасигача парчаланади. Бу кислота тупроқдаги кальций, магний, темир каби моддаларнинг тузлари билан бирикни қийин эрийдиган фосфатлар ҳосил қиласди. Бу тузлар ўз навбатида турли бактерияларнинг таъсирида ўсимликлар ўзлаштира оладиган ҳолатдаги монофосфатларга айланади. Фотосинтез жараёнда ўсимликлар томонидан ўзлаштирилган углерод моддаларни бижғиши, чириши ва бошқа бир-

қанча мураккаб биохимиявий ўзгаришлар натижасида яна карбонат ангирид кўринишида ажралади. Бу ўз навбатида яна яшил ўсимликлар томонидан ўзлаштирилади. Юқорида келтирилган бу мисоллар бактерияларнинг табиатдаги роли бекиёслигидан далолат беради.

Одамлар ва ҳайвонларда рўй берадиган кўпчилик хавфли касалликлар — сил, бўғма, вабо, ўлатни бактериялар ва актиномицетлар юзага келтиради. Кўпчилик ўсимликлар фитопатоген бактериялар томонидан касалланади. Озиқ-овқатлар — гўшт, балиқ, тухум, сут каби маҳсулотлар бактериялар таъсирида бузилади.

Бактерияларнинг ижобий аҳамияти яна ҳам катта. Сув бижѓитувчи бактериялар фаолиятидан сут маҳсулотлари тайёрлашда, пектин моддаларини бижѓитувчи бактериялар чорва моллари учун силос тайёрлашда, каноп ивitiшда фойдаланилади.

Заводларда бактериялар ёрдамида сут, мой, пропион, сирка кислоталари, ацетон, бутил спирти ва бошқа хилма-хил ферментатив моддалар олинади. Баъзи бактериялар экинларга бактериал ўғит сифатида ишлатилади.

Актиномицетлар ва айрим бактериялар медицинада қўлланиладиган турли-туман антибиотик моддаларни ҳосил қиласидар.

## ЦИАНАЛАР ОЛАМИ — CYANOBIONTA


### ҚЎК-ЯШИЛ СУВЎТЛАР БЎЛИМИ — СУАНОРНУТА

Бу сувўтларнинг номи уларнинг кўпчилигини қўк-яшил ранги билан характерланади. Улар кўкиш-зангари, қорамтири-кўк, сарғиш-яшил, қўнғир-қизил, бинафша, ҳатто қорамтири рангда бўлиши мумкин. Бундан ташқари, улар бошқа сувўтлардан ўзининг оригинал ҳужайра тузилиши билан ҳам фарқ қиласиди.

Ҳужайра кўпинча микроскопик тузилган, цилиндр, шар, бочкасimon кўринишда бўлиб, алоҳида ҳужайра колония ёки ипсимон шаклда бўлади.

Ҳужайра пектин моддасидан иборат пўст билан ўралган ва у шилимшиқланиш хусусиятига эга. Баъзи ҳужайраларнинг атрофида маҳсус шилимшиқ қобиқ бўлади. Бундай ипсимон тузилган вакилларнинг танасини трихома дейилади. Ҳужайрада шаклланган ядро, хромотофор ва вакуола бўлмайди.

Протопласти ташқи, ранги — хромотоплазма ва ички, рангсиз — центроплазма деб аталувчи икки қисмга бўлинади. Хромотоплазмада хилма-хил: фикоциан, хлорофилл, каротин, ксантофилл, фикоэритрин пигментлари бўлиб, центроплазмада нуклеин кислоталардан дезоксирибонуклеин кислота (ДНК) ва рибонуклеин кислота (РНК) мавжуд. Центроплазмани ядронинг физиологик эквиваленти деб қараш мумкин. Ядродан фарқи шуки, центроплазмада ҳужайра плазмасидан ажратиб турадиган алоҳида пўст ва ядрочалар ҳам бўлмайди. Протопластнинг



5-расм. Кўк-яшил сувўт ҳужайраси-нинг электрон микроскопдаги схематик тузилиши.

бундай тузилиши қадимги даврлар қолдиги сифатида, узоқ ўтмиш организмлар тузилишига ўхшаш, маҳсус ҳужайра тузилишига эга бўлмаган органоидларга яқин олиб келади. Бу дастлабки ядроли — прокарнот даражасидир (5-расм).

Кўк-яшил сувўтларнинг ҳужайрасида марказий вакуола бўлмайди. Нобуд бўлаётган қари ҳужайрада баъзан вакуола ҳосил бўлиши мумкин.

Ҳужайрада фотосинтезнинг маҳсулоти сифатида гликогенга ўхшаш, аммо йоднинг таъсирида жигар рангга бўялувчи гликопротеид ҳосил бўлади. Бундан ташқари таркибида кўп миқдорда фосфорли модда — метил-кўки ёрдамида кўк рангга бўялувчи валютин, цианофин доналари деб аталувчи липопротеидлар ҳам ҳосил бўлади. Бу запас озиқ моддалар центроплазмада тўпландади. Алоҳида ҳужайралар бир-бири билан маълум тартибда бирикib кўп ҳужайрали ипсимон кўринишни ҳосил қиласди. Шилимшиқ модда билан қопланган трихома ип деб юритилади. Ипсимон тузилиш оддий ва шохланган бўлиши мумкин. Кўк-яшил сувўтларнинг кўпчилик ипсимонларида гетероциста деб аталадиган ҳужайра бўлади. Улар йирик, рангсиз, ҳаворанг ёки сарфишроқ бўлиб, запас озиқ моддалари ва бошқа қисмлари бўлмайди. Гетероцисталар биттадан ёки ипда бирнечтадан бўлиши мумкин.

Кўпайиши оддий, ҳужайранинг иккига бўлинини билан амалга ошади. Бир ҳужайрали формаларда бу кўпайиш асосий усул бўлса, колониал ва ипсимон турларида бунинг натижасида колония катталашади ва ип узаяди. Ипсимон тузилган кўк-яшил сувўтлар асосан гормогониялар — бир қанча ҳужайралардан иборат бўлакчаларга ажralиб кетиши билан кўпаяди. Ҳар бир гормогонияядан янги мукаммал вакил ҳосил бўлади. Кўк-яшил сувўтларда маълум шаклга эга бўлган ядро бўлмаганлиги туфайли уларда жинсий кўпайиш учрамайди.

Кўк-яшил сувўтлар табиатда жуда кенг тарқалган. Улар чучук сув ҳавзаларининг, айниқса органик моддаларга бой бўлган-

планктон ва бентос қисмларида, континентал сув ҳавзаларида ва температураси ҳатто 70—80°C га етадиган иссиқ булоқларда, тупроқда, тошлар устида ва дараҳт пүстлоқларида кенг тарқалган. Қор ва муз остида яшайдиган турлари ҳам учрайди. Баъзи вакиллари замбуруғлар билан симбиоз ҳолатда яшаб лишайниклар танасини ҳосил қиласди.

Кўк-яшил сувўтлар табиатда катта амалий аҳамиятга эга. Уларнинг айрим турлари бошқа организмлар билан биргаликда медицина учун аҳамиятли бўлган шифобахш балчиқ ҳосил қилишида иштирок этади. Тупроқда яшайдиган баъзи турлари атмосферадаги эркин азотни ўзлаштириб уни боғланган биологик азотга айлантиради ва тупроқни азотли моддалар билан бойитади.

Кўк-яшил сувўтларига 1400 га яқин тур киради ва улар 3 синфа бўлинади:

1. Хроококклар — *Chroococcophyce*; 2. Хамесифонлар — *Chamnesiphonophyce*; 3. Гормогониялар — *Hormogoniophyce* синфи.


### Хроококклар синфи — *Chroococcophyce*.

Бир ҳужайрали ва қисман, колониал ҳолда яшовчи, кўпайиши ҳужайрани оддий бўлиниши билан борадиган турлардан иборат. Бу синфдан хроококклар тартиби вакиллари билан танишамиз.

Хроококклар тартиби — *Chroococcales*. Бу тартибга бир ҳужайрали ва колониал, сувда эркин ёки субстратга ёпишиб яшайдиган турлар киради. Улар фақат оддий бўлиниш йўли билан кўпаяди. Бу тартибнинг характерли вакилларидан глеокапса ва микроцистисдир.

Глеокапса — *Gleocapsa* (б-расм). Ҳужайраси шарсимон, бир ёки кўп қаватли шилимшиқ пўст билан ўралган. Она ҳужайранинг бўлинишидан ҳосил бўлган қиз ҳужайралар унинг ёнида қолиб ҳар бири алоҳида шилимшиқ пўст билан ўралади. Натижада колония ҳосил бўлади ва бу колония ҳам ўз навбатида бир неча қаватли шилимшиқ парда билан қопланади. Глеокапсанинг кўпчилик турларида шилимшиқ пўст қизил, сариқ, кўк ва бинафша рангга бўялган бўлади.

Шилимшиқ пардага ўралган рангли турлар колониялари нам тупроқ-



6-расм. Глеокапса — *Gleocapsa*. Турли сондаги ҳужайрали колонияси.

лар, тошлар, қоялар, деворлар, дараҳт пўстлоқларида ҳар хил рангдаги доғларни ҳосил қиласди. Рангсиз турлари эса сув ҳавзаларида кенг тарқалган.

**Микроцистис — *Microcystis*** (7-расм). Микроскопик, аниқ шаклга эга бўлмаган, шилимшиқ парда ичидаги тартибсиз жойлашган майдага ҳужайралардир. Уларнинг колонияси шарсимон шаклдан ипсимон кўринишгача бўлиб, унинг ичидаги аниқ шаклга эга бўлмаган тешикчалар бўлганлигидан элаксимон ёки тўрсимон кўринишда бўлиши мумкин. Асосан оқмайдиган кўлмак сув ҳавзаларининг юза қисмида кенг тарқалган.

**Гормогониялар синфи — Hormogoniophyce.**


Кўп ҳужайрали, ипсимон ҳужайралари плазмодесмлар орқали бирикаб трихома ҳосил қиласдиган турлар киради. Трихомаларда яланғоч ёки шилимшиқ пўстли гетероцисталари бўлиши ва бўлмаслиги мумкин. Асосан гормогониялар, қисман споралар ёрдамида кўпаяди. Бу синфдан ностоклар, осциллаториялар тартиблари вакиллари билан танишамиз.

**Ностоклар тартиби — Nostocales.** Трихомалари гетероцистали, кўпинча спорали бир қатор вегетатив ҳужайралардан ташкил топган. Шилимшиқ пўсти бўлиши ёки бўлмаслиги, агар у бўлса ҳар бир трихома алоҳида шилимшиқ қин ичидаги жойлашган. Ностоклар тартибига носток глеотрихия ва анабена киради.


**Носток — *Nostoc*** (8-расм). Колонияли сувт бўлиб, колония ёнғоқ донасида катталикка эга, шилимшиқ пўст билан қопланган. Колонияда шарсимон ҳужайралар маржонсимон, хилма-хил буралган, ипсимон кўринишда жойлашган. Носток колонияси кўпинча тоғли районларда булоқ, сой ва ариқларда кенг тарқалган.

Ностокнинг тупроқ юзасида ҳам тарқалган, қорамтири, хилмали пластинка кўринишдаги формалари республикамизнинг адир, тоголди районларида дениз сатҳидан 800—1600 м баландликкача бўлган жойларда учрайди.

**Глеотрихия — *Gloeothrichia*** (9-расм). Шарсимон ёки тут меваси шаклидаги колониясининг катталиги 2 см гача етади. Глеотрихия иплари шарсимон шилимшиқлар ичидаги радиал (юлдузсимон) жойлашган. Ипнинг бир учидаги шарсимон гетероцисталиккинчисида эса цилиндр шаклида спораси бўлади. Глеотрихия



7-расм. Микроцистис — *Microcystis*. Тўрли шаклдаги колониялари.




8-расм. Носток — *Nostoc*. 1 — колониянинг умумий кўриниши; 2 — колония бир қисмининг микроскоп остидаги кўриниши; 3 — алоҳида иплари; 4 — турли шаклдаги колониялари.

сув остидаги субстратга ёпишган ва эркин ҳолда оқмайдиган ҳавзаларда учраб уни «гуллашига» сабаб бўладиган турлари дандир.

**Анабена** — *Anabaena* (10-расм). Маржонсимон кўринишли вегетатив ҳужайралари шар шаклида, оддий ип, спирал ва бошқа хилма-хил буралиган ҳолда бўлади. Вегетатив ҳужайралар билан бир қаторда йирик тузилиши билан ажralиб турадиган ҳар ер, ҳар ерда гетероцисталар ҳам учрайди. Анабена иплари ана шу гетероцисталар ёнидан алоҳида қисмларга бўлинади. Вегетатив ҳужайраларнинг айримлари катталашиб спораларга айланади. Спора ўзининг кўк-яшил ранги ва қалин пўсти билан қолган вегетатив ҳужайралардан фарқ қиласди.

Спора протопласти цианофии доналари билан тўлган бўлиши мумкин. Оқмайдиган сув ҳавзаларининг юзасида кенг тарқалган.

**Осцилаториялар тартиби** — *Oscillatoriales*. Трихомаси фақат вегетатив ҳужайралардан иборат, гетероциста ва споралари бўлмайди. Айрим турларининг трихомаси битта ёки тўп ҳолдаги шилимшиқ парда ичидаги бўлади. Бу тартибга осцилатория, спиркулина ва лингбия киради.




9-расм. Глеотрихия — *Gleothrix natans*. 1 — колониянинг бир қисми; 2 — алоҳида или.

**Осциллятория** — *Oscillatoria* (11-расм). Оддий ипсимон, шилимшиқ пардаси бўлмаган ҳужайрасининг эни бўйидан бир неча марта катта. Осциллятория или танаси бўйлаб бир хилда тузилган ҳужайралардан иборат. Цитоплазмада рангсиз центроплазма, уни ўраб олган рангли хроматоплазма ва ҳужайра кўндаланг пўсти атрофида тўпланган цинофин доналари бўлади. Осциллятория или алоҳида қисмларининг гормогонияларга бўлинниб кетиш йўли билан кўпаяди.

Табиатда осцилляторияни ҳар хил рангдаги тўпламлари кўринишида шолипоялар, кўлмак сувлар, ҳовуз ва кўл сувлари юзасида кўплаб учратиш мумкин.

**Спирулина** *Spirulina* (11,2-расм). Тузилиши жиҳатидан осцилляторияга ўхшаш, ундан танасининг спирал буралган тузилишлиги билан фарқ қиласи. Чучук сув ҳавзалари юзасида тарқалган.

**Лингбия** — *Lyngbya* (11,3-расм). Ипининг тузилиши бўйича бу вакил ҳам осцилляторияга ўхшаш. Лингбия талломлари трубжасимон шилимшиқ қин ичидан жойлашган. Кўпайиши натижага



10-расм. Анаебена — *Anabaena*. А — алоқида иши; Б — газ ҳужайрали или.

11-расм. 1 — Осциллатория — *Oscillatoria*; 2 — Спируллина — *Spirulina*; 3 — Лингбия — *Lyngbya*.

сида ҳосил бўлган гармогоний шилимшиқ қин ичидан чиқиб ўзиға мустақил қин ҳосил қилиб янги ипга айланади. Лингбия чучук сув ҳавзаларида кенг тарқалган.

Келиб чиқиши жиҳатидан кўк-яшил сувўтлар энг қадимги вакиллар ҳисобланиб, уларнинг изларини проторезой ва ҳатто бундан 1,5—2,5 млрд йиллар илгариги архей эраси даври қолдиқларидан ҳам топилган. Кўк-яшил сувўтлар ҳужайрасининг тузилиши жиҳатидан бактерияларга бироз ўхшайди, аммо филогенетик жиҳатдан ўзаро алоқадорлиги йўқ деса ҳам бўлади. Бошқа сувўтлар группалари билан алоқадорлиги йўқ (12-расм). Бинобарин, кўк-яшил сувўтларни бактерияларга ўхшаш, ҳужайрасиз тузилишга эга бўлган дастлабки организмлардан келиб чиқкан деб ҳисобланади.

## **ЯДРОЛИ ОРГАНИЗМЛАР КАТТА ОЛАМИ — EUKARYOTA**

### **ЗАМБУРУГЛАР ОЛАМИ — MYCETALIA**

### **ШИЛИМШИҚЛАР БЎЛИМИ — МУХОМУСОТА**

Шилимшиқлар тубан ўсимликларнинг бир бўлими бўлиб уларнинг танаси плазмодий — кўп ядроли, яланғоч пўст билан ўралмаган, плазматик массадан иборатлиги билан характерланади. Плазмодий мураккаб ҳосила, 75%га яқини сувдан ва 30%

тача оқсил, ҳайвонлар крахмали — гликогендан ҳамда қисқарувчи вокуоладан иборат. Баъзи шилимшиқларнинг таркибида 28% гача оҳак моддаси ҳам бўлади. Кўпчилик шилимшиқларнинг плазмодийсидаги пигментлар уларга сариқ, пушти, қизил, бинафша, ҳатто қора тус ҳам беради. Плазмодийнинг ранги одатда бошқа тусга алмашмайди, аммо яшаш мұхитига кўра очроқ ёки тўқроқ товланиши мумкин.

Шилимшиқлар плазмодийсининг катталиги ҳар хил турларида турлича, у микроскопик тузилишдан (масалан, кластодермада) диаметри бирнече см гача (масалан, фулигода) етиши мумкин.

Шилимшиқларнинг кўпчилиги сапрофит, чириётган ўсимлик қолдиқларида, тўнгакларда, эски дараҳт пўстлоқларида ва захерларда яшайди.

Плазмодий озиқ манбай томон актив ҳаракатланиш қобилиятига эга. Плазмодий ёлғон оёқлар чиқариш ёки цитоплазмани ҳаракатланаётган томонга оқизиш билан сиљийди. Ноқулай шароит юз берганда плазмодий қалин пўстли қаттиқ масса — склероцийга айланади. Улар бунда узоқ вақтгача ўзининг ҳаётчанлигини сақлаб қолиши ва яна қулай шароит юз бериши билан плазмодийга айланиши мумкин.

Шилимшиқлар споралар ҳосил қилиб кўпаяди. Споралар ҳосил бўлиш олдидан плазмодий ҳаракатдан тўхтайди, танасидаги сувни йўқотиб қуруқ уом — меватанага айланади. У ўз навбатида споралар етиладиган спорангийларга айланади. Спорангийларнинг тўдасини эталий дейилади. Спорангийдаги споралар етилиши билан унинг пўсти парчаланиб ичидаги споралар атрофга тарқалади. Қулай шароитга тушган спора икки хивчинли зооспорага айланади, Бирмунча вақтдан кейин хивчинларини йўқотиб миксаамёбага айланади.

Миксаамёба баъзан жинсий кўпаяди, бунда уларнинг иккитаси пастки учи билан қўшилишади ва диплоидли ядро юзага желади.

Шилимшиқлар табиатда жуда кенг тарқалган. Уларнинг сапрофит турларидан бири ликагола — *Lycogola*. У нам жойларда, чириётган тўнгакларда, ердаги ўсимлик чириндиларида яшайди. Плазмодийси ва меватанаси қизил рангли. Тухумсмон спорангийси тўда-тўда бўлиб жойлашади. Шилимшиқлар ёрасида паразит ҳолда яшовчилари ҳам бор. Бунга крестгулошлар оиласига мансуб ўсимликларда, айниқса карам илдизини бесўнақай ҳолга келтирувчи платмодиофора мисол бўлади. Плазмодиофора билан заарланган карам кўчати нимжон ўсади, бош ўрамайди. Қасаллик бошланиши билан илдизнинг паренхима ҳужайралари нотўғри ўсиб қинғир-қийшиқ ҳолда йўғонлашади ва оқимтир-сарғиш шиш пайдо бўлиши рўй беради. Илдизлар тупроқда чириганда шишлар ёрилиб ундан споралар атрофга тарқалади. Қулай шароитда улар икки хивчинли зооспорага ва ундан миксаамёбага айланади ва ўсимликни илдиз тукларидан бошлаб заарлайди. Қарам илдиз ҳужайраси ичидан



12-расм. Сувўтларниң филогенетик алоқалари.

миксаамёбанинг иккитаси ўзаро қўшилади, уларниң ядролари митотик йўл билан бўлинib кўп ядроли плазмодийни ҳосил қиласди. Бу касалликни биринчи марта рус олими М. С. Воронин 1875 йили батафсил ўрганган ва унга қарши кураш чоралари: парник тупроқ юзасидаги ўсимлик қолдиқларини ўз ўрнида куйдидириш; кўчватлар орасидаги намликни камайтириш ва касалликка чидамли карам навларини етиштиришни таклиф қилган. Бу касаллик тупроқ намлиги 80—90%, унинг температураси 18—24°C ва pH 6,0—6,5 бўлганда ўсимликни энг кучли заарлайди. Олимларниң аниқлашича карам плазмофораси 200 га яқин турдаги маданий ва ёввойи ўсимликларни касаллантириши мумкин. Амалий аҳамиятга эга бўлган паразит шилимшиқларниң кейинги вакили — картошка тугунагида порошоксимон қўтиризмага келтирувчи — спорангиспора ҳисобланади. Бу паразит томдошлар оиласига мансуб ўсимликларниң илдизи ва тугунагини заарлайди. Касалланган тугунакда дастлаб ғудда ҳосил бўлади, кейинчалик у юлдузсимон кўринишда ёрилиб ундан жигарранг порошоксимон споралар атрофга тарқайди. Ўсимлик илдизида майда, дастлаб оқиш, сўнгра тўқроқ тусдаги кейинчалик тушиб кетадиган шиш-ғуддалар ҳосил бўлади. Нам тупроқдаги споралардан зооспоралар юзага келади, улар ўсимликни илдиз тукларини ёки бевосита эпидермис ҳужайраларини заарлайди.

Шилемшиқларнинг сапрофит озиқланувчи турлари эволюцияда мустақил ривожланган деб қаралади. Уларнинг плазмодийларини ердаги ҳаётга мослашиш натижаси деб ҳисобланади. Ҳаётий жараёнда спораларни ҳосил қилиш қуруқлик шароитидаги эволюцияда яна бир илгарига ташланган қадамdir.

## ЗАМБУРУҒЛАР КЕНЖА ОЛАМИ — MYCOTA EKI FUNGI

Замбуруғлар тубан ўсимликлар орасида сони жиҳатидан энг катта бўлим ҳисобланиб 100 мингга яқин турни ўз ичига олади. Улар органик дунё системасида ўсимликлар ва ҳайвонлар қаторида алоҳида олами ташкил қиласди. Уларда хлорофилл бўлмайди, шунинг учун озиқланишида тайёр органик моддаларни талаб қиласди. Шунга кўра замбуруғлар геторотроф организмлардир. Ҳужайра пўстида хитин моддасининг мавжудлиги, моддалар алмашинувида мочевина ҳосил бўлиши, запас озиқ модда сифатида крахмал ўрнига гликогенинг тўпланиши замбуруғларни ҳайвонга яқинлаштиради. Бошқа томондан, озиқ моддаларни ютмай шимиб озиқланиши ва чекланмаган даражада ўсиши уларни ўсимликларга ўхшатади.

Замбуруғлар ташки кўриниши, яшаш муҳити ва физиологик хусусиятларига кўра хилма-хилдир. Замбуруғларнинг вегетатив танасини мицелий, унинг бир қисмини эса гифа деб аталади. Гифа қисқа ёки узун, оддий ип кўринишида ёки шохланган бўлади.


Шартли равишда тубан замбуруғлар деб аталадиганларининг мицеллийсида кўндаланг тўсиқлар бўлмай улар ҳужайрасиз тузилишга эга. Баъзиларининг танаси яланғоч протопластдан иборат. Юксак замбуруғларда мицеллий ҳужайра тузилиши ва бирмунча мураккабдир.

Замбуруғлар ҳужайрасини қалин пўст — ҳужайра девори ўраб туради. Ундан ичкарида протопластни ўраб турувчи цитоплазматик мембрана жойлашган. Ҳужайра девори асосан мураккаб тузилган полисахарид хитиндан иборат. Цитоплазмада юксак ўсимликлардагига ўхшаш тузилган митохондрий, протеолитик ферментли лизосомалар, вокуола запас озиқ моддалари — гликоген, волютин, мой ҳамда бир ёки бир неча дона икки қаватли мембрана билан ўралган ядро жойлашади (13-расм).

Кўпчилик замбуруғларнинг вегетатив танаси анча мураккаб тузилган, мицеллий ўзаро зичлашиб сохта тўқима ёки плектенхима ҳосил қиласди.

Гифаларнинг параллел жойлашишидан тасмасимон, ингичка айрим замбуруғларда бир неча мм қалинликда, узунлиги бир неча м гача етадиган ўсимта — ризоморфа ҳосил бўлади. Улар орқали замбуруғга озиқ моддалар ва сув ўтади.

Мицеллийнинг шакл ўзгариши натижасида гифаларнинг читалидан склероций ҳосил бўлиб, у замбуруғни ноқулай шароитни осонлик билан ўташ учун хизмат қиласди. Склероцийдан қулай шароитда мицеллий ёки кўпайиш органлари юзага келади.



13-расм. Замбуруғ ұхжайрасиннің электрон микроскопдаги схематик түзилиши:  
1 — ұхжайра мембранасы; 2 — плазмолемма; 3 — ломасома; 4 — ядро мембранасы; 5 — ядро мембранасидаги тешіклар; 6 — өф томчилари; 7 — эндоплазматик ретикулум; 8 — митохондрийлар.

амалга ошади. Споралар шарсимон тузилган мосламаны ичіда ёки мицеллийнинг алоқыда үсимталарини юзаси — конидиябандларда юзага келади. Тубан замбуруғларнинг жинссиз күпайиши хивчинли, ҳаракатчан зооспорангийларда етишадиган зооспоралар ёрдамида амалга ошади. Тубан үсимликларнинг баъзи вакилларида ҳосил бўлган спора ҳаракатсиз бўлиб, улар спорангийларда етишади. Бу хилдаги споралар спорангиспоралар дейилади. Спорангий субстратдан вертикаль йўналишда жойлашган спорангидандларда ўрнашади. Бу эса спорангиспораларнинг ҳаво оқими билан осон тарқалишига олиб келади.

Конидияларнинг жинссиз күпайиши халтали, баъзи дияли, такомиллашмаган ва баъзи тубан замбуруғларнинг қуруқликда яшашга мослашган вакилларида учрайди. Конидиялар қалин пўстли, хивчинсиз бўлиб, ҳаво оқими, ҳашаротлар ва одамлар ёрдамида атрофга осон тарқалади. Конидия конидиябанднинг учидаги нозик тизмага ўхшаш занжир ҳосил қиласи.

Жинсий күпайиши чангчи ва уруғчи гаметаларнинг ўзаро қўшилиб зигота ҳосил бўлиши билан амалга ошади. Жинсий гаме-

Замбуруғлар вегетатив, жинссиз ва жинсий йўллар билан кўпаяди. Вегетатив кўпайиши мицеллийнинг бирқисмини узилиши ва уни мустақил ўсиши билан амалга ошади. Бундан ташқари мицеллийда артроспоралар (ондийлар) ва хламидоспоралар ҳам ҳосил бўлади. Артроспоралар гифани алоқыда қисқа ҳужайраларга бўлиниб кетиши билан юзага келади. Хламидоспоралар ҳам худди шундай йўл билан бунёдга келади, аммо у қалин пўст билан ўралган бўлади ва ноқулай шароитни осонлик билан ўтайди.

Вегетатив кўпайиши куртакланиш билан (масалан, туруш замбуруғларида) бориб, бунда мицеллийда үсимта (куртак) ҳосил бўлади, у катталаша боради ва она ҳужайрадан ажралиб, қулай шароитда мустақил мицеллийга айланади,

Жинсиз кўпайиши маҳсус споралар ёрдамида

таларап гаплоид хромосома наборли бўлиб, зиготада тўлиқ диплоид ҳромосома наборини ҳосил қиласди.

Тубан замбуруғларда жинсий жараён изогамия, гетерогамия ва оогамия йўли билан амалга ошади. Оогамияда уруғчи (ооганий) ва чангчи (антеридий) органлари ҳосил бўлади. Уруғланиш спермотозоидлар ёрдамида яъни антеридийнинг борлиқ моддасини ооганийга қўйишда хизмат қиласидиган найча орқали амалга ошади.

Тубан замбуруғларнинг жинсий кўпайишидаги маҳсулоти — ооспора қулай шароитга тушганда униб, ундан кўп миқдорда спорали спорангий ҳосил қиласди.

Зигомецетлар синфига мансуб замбуруғлардаги жинсий жараён мицеллий учларидаги иккита ҳужайрани ўзаро қўшилиши — зигогамия йўли билан боради.

Халтачали замбуруғлардаги жинсий жараён антеридийнинг найчаси орқали, уруғчи жинсий органдаги ҳали жинсий ҳужайраларга дифференциялашмаган тухум ҳужайра — архикарпнинг уруғланиши билан амалга ошади.

Архикарп икки қисм: бирмунча сферик тузилган аскоген ва найча кўринишидаги антеридий борлиги ўтадиган трихогинадан иборат. Бунда антеридий ва аскогеннинг ядролари ўзаро бирбири билан қўшилмай, ядролар ёнма-ён жойлашиб дикарион ҳосил қиласди.

Аскогон уруғланганидан сўнг ундан аскогон гифаси ҳосил бўлади. Аскогондаги дикарион гифанинг учки қисмига ўтиб у ёрда ўзаро қўшилади. Натижада бу ерда халтача ёки аска, унинг ичидаги халтаспоралар ёки аскаспоралар вужудга келади. Аскаспоралар у ёки бу йўл билан меватаналарнинг — клестотеций, перитеций ва апотеций ичидаги жойлашади.

Базидиомицетлар учун соматогамия деб номланадиган жинсий кўпайиш характеристидир. Бунда вегетатив мицеллийнинг иккита ҳужайраси ўзаро қўшилади. Натижада базидия вужудга келиб, унда иккитадан турли жинсий белгили 4 та базидияспора ҳосил бўлади. Базидияспоралар гаплоид хромосома набори бўлиб, улардан гаплоид характеристидаги мицеллий вужудга келади.

Такомиллашмаган замбуруғлардаги жинсий жараён турли ядролилик ва парасексуаль жараён билан алмашинган. Турли ядролиликда ирсий жиҳатдан турли характеристидаги бир неча ядролар мицеллийнинг бир участкасидан иккичи қисмига ўтиши натижасида гифаларнинг қўшилиши рўй беради. Ядроларнинг бошқа ҳужайрага ўтиб, сўнгра ўзаро қўшилишига парасексуаль жараён дейилади. Ҳосил бўлган диплоид характеристидаги ядро кўпайиш хусусиятига эга.

Замбуруғларнинг систематикада турган ўрнини аниқламада уларнинг споралар ҳосил қилиш усули асосий белги бўлиб ҳисобланади. Тубан замбуруғларда жинсий кўлайиш турлари, юксак замбуруғларда меватаналарининг ҳосил бўлиши, шакли ва уларнинг тузилиши кабилар асосий белгилардир.

Замбуруғлар бўлими б та синфга бўлинади.

1. Хитридиомицетлар — *Chytridiomycetes*. Уларнинг мицеллийси мутлақо бўлмайди ёки фақат бошлангич ҳолатда. Зооспора ва гаметалари бир хивчинли, ҳаракатчан, жинсий жараён изогамия, гетерогамия ва оогамия кўриннишида ўтади.

2. Оомицетлар — *Oomycetes*. Уларнинг мицеллийси яхши тараққий этган, аммо ҳужайрасиз тузилган. Зооспоралари икки хивчинли, жинсий кўпайиши оогамия кўриннишида ўтиб, натижада ооспора ҳосил қиласди.

3. Зигомицетлар — *Zygomycetes*. Мицеллий асосан ҳужайрасиз тузилган. Спорангиспоралари (баъзан конидиялар) ҳаракатсиз, жинсий кўпайиши зигогамия кўриннишида ўтади.

4. Халтачали замбуруғлар ёки аскомицетлар — *Ascomycetes*. Уларнинг мицеллийси яхши тараққий этган, кўп ҳужайрали, кўпинча халтали ёки конидиал стадияли кўриннишда. Жинсий кўпайиш натижасида халтачалар ҳосил бўлади.

5. Базидиомицетлар — *Basidiomycetes*. Уларнинг мицеллийси яхши тараққий этган, кўп ҳужайрали. Жинсий жараён саматогамия кўриннишида ўтади, натижада базидия вужудга келади.

6. Дейтеромицетлар ёки такомиллашмаган замбуруғлар — *Deuteromycetes*. Мицеллийси кўп ҳужайрали, яхши тараққий этган. Жинссиз кўпайиши конидиялар ҳосил қилиш билан бориб, жинсий кўпайиши маълум эмас. Бу синф замбуруғларнинг мицеллий тузилишидаги ўзгарувчанлик турлича ядролилик ва парасексуаль жараёнлари натижасида рўй беради.

Хитридиомицетлар, оомицетлар ва зигомицетлар синфларига мансуб замбуруғларни шартли равишда тубан замбуруғлар, халтачали замбуруғлар, базидиомицетлар ва такомиллашмаган замбуруғлар синфига мансуб вакилларни юксак замбуруғлар дейилади.

Замбуруғларнинг озиқланиши озиқ моддаларнинг мицеллийнинг сирти орқали осмотик шимилиши билан боради. Гетеротроф замбуруғларнинг озиқланиши учун тайёр органик моддалар зарур. Жонсиз органик моддалар билан озиқланадиган замбуруғларга сапрофитлар, жонли тўқима билан озиқланувчи-ларга паразитлар дейилади.

Кўпинча сапрофит озиқланадиган, аммо тайёр тўқима билан ҳам озиқ оладиган замбуруғларга факультатив паразитлар дейилади. Аксинча, асосан паразит ва қисман сапрофит усулда озиқланадиган замбуруғлар факультатив сапрофитлар дейилади. Паразит замбуруғлар кўпинча юксак ўсимликларнинг ҳужайра оралиқларидағи маҳсус сўрғич — гаусториялар ёрдамида у ердаги озиқ моддаларни сўриб озиқланади.

### Хитридиомицетлар синфи — *Chytridiomycetes*.

Хитридиомицетлар синфига мансуб замбуруғларнинг вегетатив танаси плазмодий ёки ризомицелийдан иборат. Улар бир хивчинли зооспоралар ҳосил қилиб кўпайиш хусусиятига эга. Жинсий кўпайиши изогамия, гетерогамия, оогамия ва хологамия

йўллари билан амалга ошади. Бу синфга хитридиялар — Chytridiales тартиби киради.

### Хитридиялар тартиби — Chytridiales.

Микроскопик характердаги, вегетатив танаси содда ёки яланғоч плазматик массадан иборат, баъзан сферик тузилган ҳужайра кўринишида бўлади. Баъзи турларида бошлангич ҳолатдаги мицелий учрайди. Бу тартибнинг кўпчилик вакиллари сувўтлар, сувли муҳитда учрайдиган замбуруғлар, сув ўсимликларида паразитлик қиласи. Айримлари сернам тупроқларда ўсаётган ўсимликларда паразитлик қилиб ҳаёт кечиради. Бу тартибга ольпидий ва синхитрий киради.


**Ольпидий** — *Olpidium brassica* (14-расм). Бу замбуруғ кўпинча карам кўчатида илдиз бўйинни заарлаб, уни қорайишига, кейинчалик эса қуриб қолишига олиб келади. Ушбу касалликка «илдиз қорайиши» дейилади. Ўсимликнинг заарарланган жойида бир ядроли, яланғоч ҳужайралардан иборат паразит таналар ҳосил бўлади. Кейинчалик бу таналар пўст билан ўралиб, зооспорангийларга айланади. Зооспорангийлар ўсиб, ташқарига чиқиб турадиган узун бўйинча ҳосил қиласи ва шу бўйинчалардан кўплаб бир хивчинли зооспоралар ташқарига чиқади. Қулай шароитга тушган зооспоралар янги карам кўчатларига тушиб, уларнинг заарланишини яна давом эттиради.

Жинсий кўпайиши изогамия йўли билан боради. Ҳосил бўлган зигота дастлаб икки ядроли, кейинчалик улар бир-бiri билан қўшилиб ҳақиқий диплоид ҳосил қиласи. Изогаметалар ўзаро қўшилиб зигота ҳосил қилганда уларнинг хивчинлари сақланиб қолади. Шу хивчинлар ёрдамида ҳаракатланадиган зигота, янги карам кўчати ҳужайраларига кириб, уларни зааррлайди ва қалин пўстли цисталарга айланади. Карамнинг «илдиз қорайиши» касаллигига қарши курашиш учун кўчатларни қалин қолдирмаслик, улар орасидаги ҳаво оқимини яхшилаш ва ортиқча намлика йўл қўймаслик керак.

**Синхитрий** — *Sunchitrium endobioticum* (14-расм, Б). Бу замбуруғ турли ўсимликлар поясида ҳар хил кўринишдаги бўртмалар ҳосил қиласи. Синхитрий кўпинча, картошка тугунакларини заарлаб, уларда ғадир-будур, беўхшов бўртмалар (ўスマлар) ҳосил қиласи. Бу бўртмалар кўпинча тугунакнинг «кўзча» лари атрофида ҳосил бўлади. Ўスマларда замбуруғнинг цисталари жойлашади. Зааррланган картошка тугунаклари тез бузилади ва ҳосилнинг анчагина қисми нобуд бўлади. Бу касаллик картошка «раки» деб ҳам юритилади.

### Оомицетлар синфи — Oomycetes.

Бу синфнинг вакиллари яхши ривожланган, ҳужайрасиз тузилишдаги мицелийга эга. Жинссиз кўпайиши икки хивчинли зооспоралар ҳосил қилиш йўли билан боради. Жинсий кўпайиши




14-расм. А. Олпидиум — *Olpidium brassicae* билан касалланган карам күчати: 1 — касалланган илдиз; 2 — замбуругли түқима; 3 — зооспорангийнинг ҳосил бўлиши. Б. Синхитриум — *Synchytrium*. Касалланган картошка тутунаги.

оғам типида бўлади. Қўпчилик турлари сув ўсимликларида сапрофит ҳаёт кечиради. Юксак тузилишга эга бўлганлари юксак ўсимликларда паразитлик қилиб яшайди. Бу синфа сапролегниядар ва переноспоралар тартиблари киради.

### Сапролегниядар тартиби — Saprolegniales.

Яхши ривожланган, оддий кўз билан кўринадиган мицеллийга эга. Сув ҳавзаларидаги турли органик қолдиқларда ва нам тупроқларда учрайди. Бу тартибининг характерли вакили сапролегниядир.




15-расм. Сапролегния — *Saprolegnia*: 1 — зооспрангий; 2 — зооспораларнинг чиқиши; 3 — антеридийли оогоний.

**Сапролегния — *Saprolegnia*** (15-расм). Қўпинча сувдаги ҳайвон қолдиқлари — балиқлар, бақалар ва ҳашаротлар танасида сапрофит ҳолда яшайди. Баъзан балиқ ва кўл бақаси икрасида, чавоқ ва заарланган балиқлар танасида паразит ҳолда ҳам яшаб, балиқ хўжалигига зарар етказади. Сапролегнияни жинсиз кўпайиши гифаларнинг учларида зооспорангийлар ҳосил қилиш йўли билан боради. Ҳосил бўлган зооспоралар ноксимон шаклда бўлиб, икки хивчинли, улар маълум вақт сувда сузуб юриб чирий бошлаган ўсилилк ёки ҳайвон қолдиқларига тушиб, унда ўсади, янги мицеллийга айланади. Мицеллий кам тармоқланган, кўндаланг деворларсиз цитоплазмада донадор ва яхши кўринадиган вакуола бўлади. Айрим гифаларни охирида тўғноғичсимон шишган, кўндаланг тўсиқ билан ажралган зооспорангийлар ҳам учрайди. Жинсий органлари гифаларнинг ён шохларида ҳосил бўлади. Ооогоний шарга ўхшаш бўлиб, дастлаб цитоплазма билан тўлиб туради. Антеридий оогоний яқинида жойлашиб асосий мицеллийдан кўндаланг тўсиқ билан ажралади. Антеридий оогоний устига ёпишиб, уни пўсти орқали тухум ҳужайраларига йўналган ўсимта ёрдамида уруғлантиради. Уруғланган тухум ҳужайра икки қават пўст билан ўралиб, тинчлик даврини ўтагандан сўнг унади ва яна зооспорангий ҳосил қиласи.

Баъзи бир оогонийларда ооспоралар партеногенетик йўл билан ҳам ҳосил бўлиши мумкин.

#### Переноспоралар тартиби — Perenosporales.

Бу тартибга мансуб замбуруғларнинг мицеллийси шохланган, алоҳида ҳужайраларга бўлинган бўлиб, турли ўсимликларда паразитлик қиласи ва тупроқда сапрофит ҳолда яшайди.



16 — расм. 1 — фитофтора билан касалланган картошка тугунағи; 2 — барги; А — спорангийли спорабандлар; Б — спораларнинг ривожланиши; 1 — спорангий; 2 — 3 — зооспораларнинг ҳосил бўлиши; 4 — спорангийдан спора ҳосил бўлиши.

Переноспоралар тартибининг характерли вакиллари фитофтора ва плазмопарадир.

**Фитофтора** — *Phytophthora infestans* (16-расм). Юксак ўсимликларнинг, кўпинча, картошка, помидор каби сабзавот ва полиз экинлари вегетатив органлари ва мевалари ҳужайра оралиқларида паразит ҳолда яшайди. Бу замбуруғ, айниқса, республикамизнинг төғ олди районларидағи картошкачилик хўжаликларида асосий касаллик туғдирувчи манба сифатида кенг тарқалган. Картошка пишиб етилиши олдидан, унинг баргларида қўнғир доғлар ҳосил бўлади. Улар баргнинг ҳамма қисмларига тарқалабошлайди ва оқибат натижада ўсимлик сўлиб но-


бүд бўлади. Шу сабабли фитофторанинг жинсиз кўпайиши органлари — спорангийлар мицелийнинг маҳсус шохчаларида юзага келиб, бу шохчалар картошка баргининг оғизчалари — устициаларидан ташқарига чиқиб туради. Уларда, осон ажралиб кетадиган овалсимон шаклида биттадан спорангий етишади.

Спорангий намлик таъсирида униб 6—16 тагача икки хивчинли зооспоралар ҳосил қиласди. Улар бироз вақт сув томчиларида сузиб юриб, кейинчалик барг эпидермисидаги устициалар орқали, унинг тўқимасига ўсиб кирадиган гифалар ҳосил қиласди. Агар спорангий сувсиз муҳитда бўлса, у зооспора ҳосил қилмасдан бевосита ўсиб гифаларга айланади. Бу ҳолда спорангий қуруқлик шароитига мослашган замбуруғларга хос жинсиз кўпайиш йўлига ўтиб, спорангий ёки конидия ҳосил қиласди.

Фитофтора мицелийси, асосан, барг шохларининг булутсимон тўқимаси оралиғига жойлашиб, ҳужайра цитоплазмаси ва ширасини сўрувчи гаусторийлар ҳосил қиласди. Мицелийда йирик, шарсимон, қишлоғчи споралар ҳам ҳосил бўлади. Улар ўсимлик қолдиқларида ва тупроқда қишлиайди. Фитофтора мицелийси картошка тугунакларида ҳам қишлиши мумкин. Бунда замбуруғ таъсиридан картошка тугунагида жигарранг доғлар пайдо бўлади, ҳосилнинг кўп қисми чириб кетади.

Ушбу касалликка қарши кураш, асосан касалланган ўсимликларни териб олиб куйдириш ва заарланган меваларни ажратиб ташлаш билан олиб борилади. Касалликка қарши курашишнинг энг самарали усуllibаридан бири фитофторага чидамли картошка навларини етиширишдир.

**Плазмопара — *Plasmopara viticola*** (17-расм). Бу замбуруғ кўпинча ток ўсимлигида, унинг баргига, ёш новдалари ва мевасида мильд деб аталадиган касалликни келтириб чиқаради. Ток барги ва ёш новдалари, ҳали пишмаган мева доналари унсимон ғубор билан қопланади. Плазмопора мицелийси токни ёш новда ва барглари ҳужайра оралиқларида жойлашиб, гаусторийлари ёрдамида ҳужайра моддалари билан озиқланади. Натижада ҳужайра нобуд бўлиб, заарланган жой қўнғир тусга киради. Плазмопора кўпайганда ўсимлик устициалари орқали ташқарига кучли шохланган зооспорангий бандларини чиқаради. Бу зооспорангий бандлари намлик етарли бўлганда икки хивчинли зооспораларни, намлик етишмаганда эса, пўст билан



17-расм. Плазмопара — *Plasmopara viticola*  
1 — касалланган ток барги; 2 — спорангийли спорабанд.

ўралган янги мицелийни ҳосил қиласи. Вегетация даврининг охирларида, заарланган ўсимлик тўқималари замбуруғнинг жинсий органлари ҳосил бўлади.

### Зигомицетлар синфи — *Zigomycetes*.

Бу синфга дастлаб ҳужайрасиз, вояга етгандан кейин алоҳида ҳужайраларга бўлинган, яхши ривожланган мицелийдан иборат вегетатив танали замбуруғлар киради. Жинссиз кўпайиши спорангиспоралар ёрдамида, жинсий кўпайиши зиготамия йўли билан амалга ошади. Ҳосил бўлган зигота қалин пўст билан ўралади ва тиним даврини бошдан кечиргандан кейин униб, калтагина гифа ҳосил қиласи. Гифада спораларга эга бўлган спорангий вужудга келади. Зигомицетлар синфига мукорлар тартиби киради.

#### Мукорлар тартиби — *Mucorales*.


Чириётган турли органик қолдиқларда мицелийси яхши ривожланган ва тупроқда сапрофит ҳолда яшовчи замбуруғлар киради. Жинссиз йўл билан кўпайиши, аксари спорангийда етишадиган спорангиспоралар ва баъзи турларидагина конидиялар ёрдамида амалга ошади. Бу тартибга мукор замбуруғи ҳам киради.

**Мукор — *Mucor* (18-расм).** Мицелийси асосан субстрат ичida, қисман унинг юзасида жойлашиб, улардан спорангий бандлари кўтарилиб туради. Бандларнинг учлари қавариб, шар шаклидаги спорангийлар ҳосил қиласи. Спорангийнинг асосида тўсиқ юзага келади ва у спорангий ичига ботиб кириб кичкина устунча ҳосил қиласи. Спорангий ичидаги кўп ядроли цитоплазма алоҳида-алоҳида бир қанча спораларга айланади. Спорангий пўсти ёрилиши билан споралар ташқарига чиқади ва шамол билан тарқалиб, органик озиқ ва намлик етарли бўлганда унади, кейин янги мицелийга айланади.

### Халтачали замбуруғлар ёки аскомицетлар синфи — *Ascomycetes*.

Аскомицетлар замбуруғлар бўлимининг энг иирик синфларидан бири бўлиб, 30 мингга яқин турни ўз ичига олади. Бу синфга мансуб замбуруғлар тузилишларига кўра хилма-хилдир. Уларга бир ҳужайрали, куртакланиш хусусиятига эга бўлган туруш замбуруғларидан тортиб, хилма-хил шаклли, диаметри 10—20 см гача етадиган мева танага эга бўлган бевосита геастер замбуруғлари киради.


Аскомицетларнинг асосий белгиси — жинсий жараён натижасида ҳосил бўладиган халтачадир. Унда етишадиган аскоспораларнинг сони одатда 8 та бўлади. Халтача, бевосита зиготадан ҳосил бўлади (тубан замбуруғларда) ёки зиготанинг унишидан ҳосил бўлган аскоген гифаларда етишади. Юксак аскомицетларда халтача фақат аскоспора етишадиган жой бўлиб қолмай, у замбуруғни тарқалишида ҳам муҳим роль ўйнайди.



18-расм. Мукор — Мисог. А — спорангийли мицеллай; Б—В—Г — сцорангийнинг етилиши; Д—Е—Ж — зигогамия ҳолати; З — зиготанинг униб спорангий ҳосил бўлиши.

Аскомицетларнинг вегетатив танаси бир ёки кўп ядроли, гаплоид, шохланган мицелийдан иборат. Баъзи аскомицетларда мицелий алоҳида ҳужайраларга ажralиб кетиши ёки куртакланиши мумкин. Туруш замбуруғларида ҳақиқий мицелий бўлмайди, вегетатив тана куртакланиш хусусиятига эга бўлган ҳужайрадан иборат. Аскомицетларнинг ривожланиш циклида жинсиз кўпайиш катта роль ўйнайди. Ҳосил бўлган спора — конидиялар гаплоид мицелийда ҳар хил тузилишдаги экзоген конидия бандларда юзага келади. Конидия бандларнинг морфологик тузилиши ҳам турлича бўлади. Улар мицелийда биттадан ёки тўп-тўп (коремия кўринишида) ёки гифаларнинг чигалидан ҳосил бўлган ёстиқча (спорадохий) ҳамда ноксимон, тела қисмида тешикчаси бўлган пикнидияларда ҳосил бўлади.

Аскомицетларга характерли бўлган жинсий кўпайиш иккита гаметангийни алоҳида гаметалар ҳосил қилмай ўзаро бир-бирига қўйилишидан иборат. Аскомицетларнинг мураккаб тузилган



19-расм. Аскомицентларда халтачанинг етилиши: 1 — трихогина ва антеридийни аскогон; 2 — илмоқ кўрининишида халтачанинг ривожланиши; 3, 4 — мейоз бўйинишидан сўнг ёш халтачанинг кўрининиши; 5 — аскоспорали вояга етган халтача.

да кўпчилик вакилларида халтачалар мева таналарида кўп миқдорда етишади.

Мева таналарининг мавжудлиги ёки йўқлиги, шунингдек унинг тузилишига кўра аскомицетлар асосан иккита кенжа синфга бўлинади:

1. Яланоч халтачалилар ёки гемиаскомицетлар — *Hemiascomycetidae* кенжа синфи. Бу кенжа синф вакилларида мева таналар бўлмайди. Халтачалар бевосита мицелийнинг ўзида ҳосил бўлади.

2. Ҳақиқий халтачали замбуруғлар — эуаскомицетлар — *Euascomycetidae*. Бу кенжа синф вакилларида халтачалар клестотеций, перитеций ва апотецийларда ҳосил бўлади.

Аскомицетлар табиатда турли туман субстратларда кенг тарқалган. Улар тупроқда, ўсимлик қолдиқларида сапрофитлик қилиб органик моддаларнинг минераллашишида актив иштирок этади. Кўпчилик сапрофит аскомицетлар турли материаллар ва маҳсулотларни ҳамда озиқ-овқатларни морорлатиб чиритиб юборади.

Аскомицетларнинг бир қанчаси турли организмлар — ўсимликлар, сувўтлар, лишайниклар, юксак ўсимликлар ҳамда бошқа замбуруғларда ва ниҳоят ҳайвонлар ва одамларда паразитик қилиб оғир касалликларга сабабчи бўлади.

Бу синфнинг кўпчилик вакиллари антибиотиклар, алколоидлар, ўстирувчи моддалар (гиббереллин), витаминалар, ферментлар ҳосил қилиши билан катта иқтисодий фойда ҳам келтиради.

вакилларида бир ҳужайрали антеридий ва трихогинали аскогон вужудга келади. Уруғланганда антеридий трихогина орқали ўз моддасини аскогонга қуяди. Антеридий ва аскогоннинг ядрои тезда ўзаро қўшилмай ёнмаён жойлашиб дикарион ҳосил қиласди. Аскогондан аскоген гифалари ҳосил бўлади. У ерда дикарион бир вақтда баравар ва тенг бўлина бошлайди. Аскоген гифа шохланиб икки ядроли ҳужайраларга бўлинади ва унинг учидаги халтачалар етишади (19-расм). Ҳар бир халтачада 8 тадан халтачали споралар ҳосил бўлади.

Аскомицетларнинг жу-

да кўпчилик вакилларида халтачалар мева таналарида кўп миқдорда етишади.

Мева таналарининг мавжудлиги ёки йўқлиги, шунингдек унинг тузилишига кўра аскомицетлар асосан иккита кенжа синфга бўлинади:

1. Яланоч халтачалилар ёки гемиаскомицетлар — *Hemiascomycetidae* кенжа синфи. Бу кенжа синф вакилларида мева таналар бўлмайди. Халтачалар бевосита мицелийнинг ўзида ҳосил бўлади.

2. Ҳақиқий халтачали замбуруғлар — эуаскомицетлар — *Euascomycetidae*. Бу кенжа синф вакилларида халтачалар клестотеций, перитеций ва апотецийларда ҳосил бўлади.

Аскомицетлар табиатда турли туман субстратларда кенг тарқалган. Улар тупроқда, ўсимлик қолдиқларида сапрофитлик қилиб органик моддаларнинг минераллашишида актив иштирок этади. Кўпчилик сапрофит аскомицетлар турли материаллар ва маҳсулотларни ҳамда озиқ-овқатларни морорлатиб чиритиб юборади.

Аскомицетларнинг бир қанчаси турли организмлар — ўсимликлар, сувўтлар, лишайниклар, юксак ўсимликлар ҳамда бошқа замбуруғларда ва ниҳоят ҳайвонлар ва одамларда паразитик қилиб оғир касалликларга сабабчи бўлади.

Бу синфнинг кўпчилик вакиллари антибиотиклар, алколоидлар, ўстирувчи моддалар (гиббереллин), витаминалар, ферментлар ҳосил қилиши билан катта иқтисодий фойда ҳам келтиради.

## Яланғоч халтачалилар ёки гемиаскомицетлар кенже синфи — Hemiascomycetidae


Аскомицетларнинг бу кенже синфига мева танаси бўлмаган, халтача алоҳида ҳужайранда ёки бевосита мицелийда юзага келадиган замбуруғлар киради. Бу кенже синф иккита: эндомицетлар — Endomycetales ва тафриналар — Taphrynales тартибларига бўлиниди.

### Эндомицетлар тартиби — Endomycetales.

Бу тартибга мансуб вакиллар аскоген гифаларсиз зиготадан ривожланадиган якка халтачалар юзага келиши билан характерланади. Кўпчилик вакилларида ҳақиқий мицелий бўлмайди, ҳужайра куртакланиш йўли билан кўпаяди. Бу тартиб вакиллари орасида бижититувчи замбуруғлардан сахаромицет — *Saccharomyces* диққатга сазовордир.


**Сахаромицет — *Saccharomyces*** (20-расм). Ҳақиқий мицелийси бўлмай, танаси алоҳида алоҳида ҳужайралардан иборат. Улар туруш замбуруғлари деб ҳам аталади. Бу замбуруғ куртакланиш йўли билан кўпаяди.

Куртакланиш пайтида, ҳужайранда ўсимта ёки куртакча ҳосил бўлади. Шу ўсимта аста-секин катталашиб ўсаверади ва она ҳужайрандан ажралиб чиқади. Худди шундай йўл билан иккинчи, учинчи ва ҳоказо куртаклар пайдо бўлади, натижада думалоқ



20-расм. Ачитки замбуруги ҳужайрасининг электрон микроскопдаги схематик тузилиши: 1 — ядро, унинг тешиги (2) ва мембранныси (3); 4 — митохондрийлар; 5 — вакуола; 6 — Гольжи аппарати мембранныси; 7 — силлиқ ва ғадир-будур (8) эндоплазматик ретикулум; 9 — пиноцитоз пуфаклар; 10 — сегрегация доналари; 11 — фагосомалар; 12 — ажратиш пуфаклари; 13 — мойсимон томчилар; 14 — цитоплазма мембранныси; 15 — ҳужайра девори.

еки овалсимон ҳужайралардан ташкил топган, осонгина узилиб кетадиган занжир ҳосил бўлади. Куртакланган ҳужайралар бир-бирининг қаршиси томон ўсимталар чиқариб, шу ўсимталарни бир-бирига, учма-уч қилиб бирлаштиради. Айни вақтда уларнинг ядролари ҳам қўшилади, ядро З марта бўлинниб, ҳужайрада саккизта аскоспора вужудга келади. Бу замбуруғлар кўпинча қандли муҳитда сапрофитлик қилиб, муҳитнинг бижғишига олиб келади. Бунда асосан спирт ҳосил бўлади. Бу жараён қанднинг этил спирти билан карбонат ангидридга парчаланишидан иборат. Сахаромицетларнинг бир қанча турларини саноат тармоқларида кенг қўлланилиши шунга асосланган. Бу замбу-



21-расм. А — олча тафринаси — *Taphrina prunif*: 1 — касалланган мева; 2 — соғлом мева; Б — шафтоли тафринаси — *Taphrina deformans*: 1 — касалланган б арг; В — замбуруғнинг ривожланиши.

руглар ичиде пиво бижитувчиси (*Saccharomyces cerevisiae*) билан вино бижитувчиси (*Saccharomyces ellipsoïdes*) катта аҳамиятга эга. Бүгдой унидан ҳамир қориб ҳон пишириш ҳам, шу замбуруғларнинг фаолиятига асосланган.

### Тафриналар тартиби — *Taphrinales*.

Тафриналар тартибига мансуб замбуруғларда мева таналар ҳосил бўлмайди. Мева танасининг бўлмаганидан халтачаси икки ядроли ҳужайрадан тузилган дикарион мицелийда вужудга келиши билан бошқа халтачали замбуруғлардан фарқ қиласди. Халтача, ҳўжайнин ўсимликнинг тифиз кутикула қавати остида ривожланади. Бу тартибга турли ўсимликларда паразитлик қилиб, уларнинг турли органларида хилма-хил ўзгаришлар (баргларни бужмайиши, сохта мевалар) ҳосил қиласдиган замбуруғлар киради. Бу тартибга олча ва шафтоли тафринаси киради.

**Олча тафринаси — *Taphrina prunii* (21-расм, А).** Замбуруғ споралари олча гуллагандага гул тугунчасига ўтиради ва меванинг шаклланиш давомида, у ҳам ўсиб, халтасимон кўринишили мева ҳосил бўлишига сабаб бўлади. Бундай меванинг ички қисми замбуруғ мицелийсининг алоҳида қисмларга бўлинишидан ҳосил бўлган споралар билан тўлган бўлади. Бунга қарши курашиш учун касалланган мевалар узиб олиб куйдирилади.


**Шафтоли тафринаси — *Taphrina deformans* (21-расм, Б, В).** Бу замбуруғ билан касалланган шафтоли барглари қалинлашади ва бужмаяди. Баргнинг ости замбуруғ споралари ғубори билан қопланади. Қасаллик кучайганда унинг мевалари ҳам заарланиб, пишиб етилмай бужмайган ҳолда деформациялашади. Бунга қарши курашиш, касаллик тарқалган новдаларни кесиб куйдириб, ўсимликни барг чиқараётганда 3% ли бордо суюклиги билан пуркаш орқали олиб борилади.

### Ҳақиқий халтачали замбуруғлар — эуаскомицетлар кенжасинфи — *Euscomycetidae*.

Эуаскомицетларда халтачалар мева таналарда ҳосил бўлади. Тузилишига кўра мева таналар 3 типа бўлади: 1. Клейстотеций. 2. Перитеций; 3. Апотеций.

1. Клейстотеций — шарсимон, думалоқ, ёпиқ мева тана бўлиб унда фақат халтачалар бўлади. Халтачалар клейстотецийда тартибсиз ҳолда жойлашади. Вояга етган аскоспоралар мева тана пўстининг емирилиши ёки намлик орқали бўкаётган халтачаларнинг таъсири билан ташқарига чиқади.

2. Перитеций чала очиқ мева тана. Шаклан кўзачага ўхшатан ярим ёпиқ, уни бир қадар очиқ бўлади. Перитецийнинг устки қисмида торгина тешикчаси бор, халтачалари мева тананинг тубида тўп-тўп бўлиб вертикал ҳолда жойлашади (22-расм). Халтачалар орасида аскоспоралар ҳосил қиласдиган вертикал жойлашган гифалар, парофизлар ва перифизлар ҳам бўлади. Улар перитецийдаги халтачалар етила борган сари унинг юқорисидаги тешикчаси орқали ташқарига отилиб чиқади ва атрофга тарқалади.



22-расм. Аскомицетларнинг мева таналари: 1 — 2 — клейстотиций; 3 — перитеций; 4 — апотеций; 5 — халтача; 6 — парафизлар; 7 — перифизлар.

лай бўлишлиги учун уларни мева таналари ва халтачаларининг типига кўра группаларга бўлиб ўрганилади.

### Пиреномицетлар группаси.

Пиреномицетлар группаси мева таналари клейстотиций ва перитеций шаклида бўлган замбуруғларнинг бир неча тартиби ни ўз ичига олади. Бу группа вакиллари қисман сапрофит, асосан ўсимликларнинг турли органларида паразитлик қиласиди. Пиреномицетлар группасидан эризифалар ёки уншудринг замбуруғлари ва клавицепслар тартиблари энг характерли вакиллари ҳисобланади.

### Эризифалар ёки уншудринг замбуруғлар тартиби — Erysiphales

Бу тартибга турли ўсимликларда ун сепгандек ғуборлар ҳосил қилиб облигат паразит ҳолда ҳаёт кечирувчи замбуруғлар киради. Мицеллийси ўсимлик органларининг сиртида ўсади ва гаусторийлар чиқариб, тўқима орасида ва ҳужайрадаги моддалар билан озиқланади. Клейстотицийлари қўнғир пўст билан ўралиб, ундан учлари турлича қайрилган ўсимталар чиқади. Клейстотицийлар ичida овалсимон шаклда халтачалар жойлашади. Халтачалар битта ёки бирнечта бўлиши мумкин.

3. Апотеций — вояға етганда кенг очилган, одатда тақсимча, диск ёки косасимон кўринишга эга бўлади. Унинг устки томонида халтача ва парофилардан иборат гимений қатлам жойлашади.


Апотецийдан аскоспоралар актив равишда тарқалади. Эуаскомицетларнинг мева таналари одатда майдабўлади. Клейстотиций ва перитецийлар эса бирмунча йирик, мева тананинг катталиги бир неча мм дан 15—20 см гача, айрим замбуруғларда эса ундан ҳам йирикроқ бўлади.

Эуаскомицетларнинг систематик бўлиниши мева таналарининг тузилишига асосланади. Ҳозирги система бўйича эуаскомицетларни ўрганиш қу-

**Эризида — Erysipha** (23-расм A, B.). Фалла экинларида ёа токда паразитлик қилади. Унинг яхши ривожланган мицелийси ўсимлик тўқимасининг орасида жойлашиб, пояси ва барглари устида клейстотеций кўринишдаги мева тана ҳосил қилади. Касалланган ўсимлик юзасида ун сепгандек оқ ғубор (пўпанак) ҳосил бўлади. Клейстотеций ичидаги 4—6 та аскоспора етишади.

**Филлактиния — Phyllactinia** (23-расм, B). Бу замбуруғ кўпинча барг ва дараҳтларда паразит ҳолда ҳаёт кечиради. Замбуруғ мицелийси баргдаги устиналар орқали ўтиб, ҳужайралар аро шира билан озиқланади. Клейстотецийда қарама-қарши йўналган икки хил кўринишдаги гифалардан иборат ўсимталар бўлади. Бу ўсимталар замбуруғнинг шамол ёрдамида тарқалишига мослашган.

**Унцинула — Uncinula** (23-расм, B). Замбуруғ мицелийси эризида ва филлактинияга ўхшаш. Клейстотецийсидаги ўсимталар кўплиги ва унинг охирги учлари бироз қайрилганлиги билан фарқ қилади. Унцинула «токнинг кул касаллиги» номи билан маълум. Мицелийси ёки клейстотецийси ток новдаларида қишлиб қолади. Баҳорда, мицелий алоҳида бўлакларга ажralиб кетиш ўйли билан ҳамда мева тана — клейстотеций ёрдамида кўпаяди. Бу замбуруғлар билан касалланган ўсимликлар олтингугурт порошоги ва мис препарати аралашмаси билан бир неча марта дориланади.




23-расм. A — уншудринг замбуруғи билан касалланган узум; B — уншудринг замбуруғларининг мева таналари: 1 — эризида — *Erysipha*; 2 — филлактиния — *Phylloctinia*; 3 — унцинула — *Uncinula*.

## Клавицеплар тартиби — Clavicepitales.

Мева таналари ярим ёпиқ, шаклан күзачага ўхшайды, учиды кичкина тешикчаси бор. Халтачалари чўзиқ, мева танаси тубидан юқорига дастадек кўтарилиб туради. Пишиб етилган сари юқориги тешикчадан ташқарига чиқади. Талайгина вакилларида перитецийлар стромалар деб аталадиган алоҳида гифалар тўпламида юзага келади. Бу тартибнинг характерли вакили шохкуя (клавицепс) дир.

**Шох-куя (клавицепс) — *Claviceps purpurea* (24-расм).** Бу замбуруғ облигат паразит бўлиб, турли ғалла экинларида, айниқса буғдой, жавдарда кўп учрайди. У ўсимлик бошогида қора жигарранг тусдаги, склероций деб аталадиган қаттиқ «шохчалар» ҳосил қиласди. Склороций ерга узилиб тушгандан кейин

қишлиб қолади ва баҳорда униб, ундан узув дасталар учиды жойлашган шарсимон қизил бошчалар ҳосил бўлади. Бу бошчаларни строма дейилади ва уларда перитецийлар жойлашади. Перитецийларда етилган спорали халтачалар ташқарига чиқади ва шамол билан тарқалиб, ғалла ўсимлигининг гуллига тушади. Гулга тушган халтаспоралардан мицеллий ҳосил бўлиб, у гул тугунчасига ўтиб олади. Бу ерда кейинчалик янги склероций ҳосил бўлади. Шох-куя склероцийси заҳарли бўлиб, унинг таркибида бир қанча алколоидлар мавжуд. Шох-куяга қарши кураш ғаллани замбуруғ склероцийсидан тозалашдан иборатdir.



24-расм. Шох-куя — *Claviceps purpurea*: А — касалланган буғдой бошоги; Б — шохкуянинг ривожланиш процесси: 1—2 — мицеллийси; 3 — конидияларнинг ҳосил бўлиши; 4—5 — склероций ва стромалар; 6 — жинсий процесс; 7 — перитеций; 8 — спорали халтача; 9—10 — конидиядан мицеллий етилиши.

## Дискомицетлар группаси


Мева танаси апотеций бўлиб, уни юқориги томондаги ботиқ юзаси-

да цилиндрикимен халтачалардан ва улар билен алмашиниб турдиган спорасиз халтачалар — парафизалардан ташкил топган очиқ ҳолда гимений бўлади. Кўпчилик турлари сапрофит ва паразит ҳолда ҳаёт кечиради.

### Пециалар тартиби — Pezizales.

Бу тартибга апоцетий шаклидаги этдор, баъзан, оёқчада жойлашган мева танали, асосан сапрофит, органик чириндига бой тупроқларда тарқалган замбуруғлар киради. Бу тартибга пецица ва қўзиқоринлар киради.

Пецица — *Peziza* (25-расм, А). Мицелийси кўпинча сергўнг полиз тупроғи шароитида мева танаси воронкасимон шаклли ва этли бўлади. Бир тўда гифалар ёрдамида субстратга бирикади. Мева тананинг сирти, турларига қараб, сариқ, жигарранг бўлиши мумкин. Гимений қатламда 8 та спорали халталар ва спорасиз бўш халтачалар — парафизлар қатор жойлашади.



25-расм. А. Пецица — *Peziza*. 1 — умумий кўриниши; 2 — узунасига кесмаси. Б — қўзиқорин — *Morchella*.

**Қўзиқорин** — *Morchella conica* (25-расм, Б). Қўзиқориннинг мева танаси бўйи 10—12 см, ичи бўш (говак) бўлиб, у оёқча ва қалпоқчадан иборат. Қалпоқчанинг бурушган ташқи юзаси ҳар хил йўналишда букламалар ҳосил қилган бўлиб, бу бувламалар ораси катакчалардан ташкил топган. Бу ерда гимений қатлами жойлашиб, унда етишган халтачалар ичида саккизтадан халта спора ҳосил бўлади. Қўзиқорин чиринидига бой тупроқларда ҳаёт кечиради. Уларнинг кўп йиллик мицелийсида запас озиқ моддалар тўплланади ва баҳорнинг иссиқ ҳамда ёғинли кунларида мева танаси қисқа вақт ичида ҳосил бўлади.

### Базидиомицетлар синфи — Basidiomycetes.

Базидиомицетлар юксак замбуруғларнинг иккинчи катта синфи, уларнинг мицелийси кўп ҳужайрали, микроскопик ва йирик мева танали бўлиб, 30 мингга яқин турни бирлаштиради. Базидиомицетларга ҳар хил ўсимликларда паразит ҳаёт кечирадиган турлар, масалан, экинларда кенг тарқалган ўта хавфли касаллик туғдирувчи қоракуя ва занг замбуруғлари, ҳаммага таниш бўлган тупроқ сапрофитлари — қалпоқчали замбуруғлар ҳамда юксак ўсимлик илдизлари билан биргаликда микориза ҳосил қилувчи замбуруғлар киради. Базидиомицетларга дараҳтлар танасида сапрофит ёки паразит ҳолда ўсиб, уларни чиритувчи кўпгина пўқаклар ҳам мансубдир.

Бу замбуруғларда жинсий органлар бўлмайди. Жинсий спора берувчи орган сифатида базидия вужудга келади. У икки ядроли ҳужайрада экзоген йўл билан ҳосил бўлади. Жинсий жараён базидиялардан ҳосил бўлган базидиоспоранинг ўсиши билан юзага келган гаплоид мицелийнинг ўзаро қўшилиши натижасида рўй беради. Бунда цитоплазмалар ўзаро қўшилиб, ядролар эса жуфт ҳолда дикарион ҳосил қиласди. Икки ядроли ҳужайра тузилишига эга бўлган бундай мицелий турли субстратларда (тупроқ, дараҳт танаси, ўсимлик пояси ва баргода) анча вақтгача сақланиши мумкин. Баъзи базидиомицетларда эса масалан, пўқаклар ва қалпоқчали замбуруғларда мицелий кўп йиллик. Икки ядроли — дикарион ҳужайрага эга бўлган мицелий гифасидан базидия вужудга келади. Базидияларда 2—4 та базидиоспора ҳосил бўлади. Базидиоспоралар бевосита мицелийда, кўпчилик базидиомицетларда эса мева таналарда ҳосил бўлади. У дикарион ҳужайрали мицелийдан тузилган (26-расм). Шунга кўра базидиомицетларда дикарион мицелий устунлик қиласди. Замбуруғларнинг гаплоид фазаси базидиоспора ва ундан қисқа вақт давомида юзага келган мицелийдан иборат. Жинссиз (конидиаль) кўпайиш базидиомицетларда жуда кам учрайди. Базидиомицетларнинг мева таналари шакли ва консистенциясига кўра турлича бўлади. Мева таналар туёқчасимон ёки оёқча ва қалпоқчали бўлиб, юмшоқ, серэт, ёғочдек қаттиқ, қайишсимон каби кўринишларда бўлиши мумкин. Мева тананинг спора ҳосил қилувчи қисмини гимений дейилади, у оддий


тузилганларида мева тананинг юқори қисмидаги, юксак даражада тузилганларида эса унинг пастки қисмидаги жойлашади. Гимений базидиоспораси базидий ва парафизлардан, баъзи замбуруғларда эса гимений қатламдан кўтарилиб турувчи йирик ҳужайра — цистидлардан иборат. Мева тананинг гимений қатламли қисмини гименофор деб юритилади. Гименофор оддий тузилган вакилларида тептекис, мураккабларида эса тишсизмон, найсимон ёки пластинка кўринишда бўлади.

Базидиялар тузилишларига кўра фарқланадилар. Бир ҳужайрали базидий — холобазидий дейилади. Кўндаланг тўсиқлар билан 4 та ҳужайрага бўлиниб, уларнинг юзасида вужудга келадиган базидиоспора — фрагмобазидия дейилади.

Базидиомицетлар синфи базидиянинг тузилиши ва ҳосил бўлишига кўра 3 та: холобазидиомицетлар — *Holobasidiomycetidae*, гетеробазидиомицетлар — *Heterobasidiomycetidae*, телиобазидиомицетлар — *Teliosporomysetidae* кенжасинфларига бўлинади. Биз 2 та синфа мансуб замбуруғлар устида тўхталамиз.

### **Холобазидиомицетлар кенжасинфи — *Holobasidiomycetidae*.**

Бу кенжасинфа бир ҳужайрали, базидиялари хилма-хил морфологик кўринишга эга бўлган, мева таналарда етишадиган замбуруғлар киради. Кўпчилиги сапрофит, айримлари паразит ҳолда турли ўсимликларда ҳаёт кечиради. Холобазидиомицетлар кенжасинфига мансуб замбуруғлар гименомицетлар ва гастеромицетлар группаларига ажратиб ўрганилади.



25-расм. А. Базидияларнинг типлари:  
1 — холобазидия; 2 — 3 — 4 — гетеробазидиялар; 5 — фрагмобазидия. Б. Базидияли замбуруғларнинг ривожланиши:  
а — базидиоспоралар, б — гаплоид мицеллий; 2 — базидияли замбуруғнинг гименийли қавати: а — базидиоспорали базидий, б — парафизлар, в — цистид.

Гименомицетлар ҳар хил тузилиш ва шаклга эга бўлган мева таналарида гимений қатламда базидиялар ҳосил қилиш билан характерланади. Гименофор теп-текис, тищсимон, пластинка ёки найсимон бўлиши мумкин. Уларда бир ҳужайрали, овал ёки цилиндрический шаклда базидиоспоралар етишди. Гименофорнинг тузилиши систематик жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга. Гименомицетлар группаси афиллофоралар ва қалпоқчалилар ёки пластикалилар тартибларига бўлинади.

### Афиллофоралар тартиби — *Aphyllophorales*

Бу тартибга мева танасининг шакли хилма-хил тузилишга эга бўлган, гименофори найсимон ёки лабиринти, йирик, ўсимлик танасида сапрофит ёки паразит ҳолда ҳаёт кечирувчи замбуруғлар киради. Мицелийси кўпинча дараҳтнинг ёғочлик қатламида жойлашиб, унинг мева танаси дараҳт танасининг сиртида бир неча ой ёки ҳатто бир неча йилдан кейин ҳосил бўлади. Афиллофоралар тартибининг пўнак замбуруғлари оиласига мансуб турлари асосан ўрмонларда тарқалган бўлиб, дараҳт таналарини чиришига олиб келади. Чириган жойда кавак ҳосил бўлади. Бу тартибининг замбуруғлари ўта қуруқ ёки бутунлай сув ичидаги бўлган ёғочларда ривожлана олмайди, чунки доимо сув шароитидаги ёғочда кислород кам бўлади. Шу сабабли ёғоч кўприкларнинг қозиқ оёқлари сув тагида чиrimай, балки сувдан сал юқорида турган ва гоҳо намланиб, гоҳо қурийдиган қисмлари замбуруғлар таъсирида тез чирийди. Уй ва бошқа иморат ёғочлари ҳам худди шу тариқа заҳ шароитда чирийди. Бу замбуруғлар билан касалланган ўрмон дараҳтларининг, айниқса йирик қаттиқ дараҳтларнинг 30% и, баъзи юмшоқ танали дараҳтларнинг эса 90% часи чириши мумкин. Бу ҳодисага қарши кураш, ағдарилган, шохлари синиб тушган ва касалланган дараҳтларни кесиб ташқарига чиқариб ташлаш, дараҳт пўстлонини механик ёки зооген факторлар таъсиридан шикастланиб замбуруғлар билан зарарланишига йўл қўймасликдан иборат. Афиллофора тартибига чин пўнак — фомес, уй замбуруғи — серпула ва полипоруслар киради.


**Чин пўнак** — *Fomes fomentarius* (27- расм). Дараҳтларнинг танасида чармдек ёки ёғочдек қаттиқ, кўпинча тақага ўхшаган мева таналар ҳосил қилади. Мева таналарининг пастки қисмида вертикал найчалардан ташкил топган гименофор бор. Гименофор найчалари ёнлари билан бир-бирига бириккан, ички юзаси эса гимений билан қопланган бўлади. Базидиоспоралар базидиялардан отилиб, найчалар бўшлиғига тушади, у жойдан пастга, ташқарига чиқади ва шамол билан атрофга тарқалади. Мева танаси бир йиллик ва кўп йиллик бўлиши мумкин. Келгуси баҳорда эски найчалар устида янги қатлам ҳосил бўлади. Мева танасининг кесмадаги шу қатламлар сонига қараб, унинг ёшини аниқлаш мумкин. Табиатда ўн йиллик ва ундан ҳам кўпроқ мева таналари учрайди. Мева танасининг юза қисми тукли, сил-

лиқ ва хилма-хил рангда бўлиши мумкин.


**Үй замбуруғи** — *Serpula lacrymans*. Бу замбуруғ факат ёғочли иморатларда учрайди, ёғочларни баъзан бир неча ой ичидага яроқсиз ҳолга келтиради. Мицелийси ёғочнинг ички қисмига жойлашиб, узун шохланган иплар шаклида бўлади. Етарли намлик бўлган тақдирда ёғоч тўқималари орасида ўсиб, уни пахтадек юмшоқ ҳолга келтиради. Мева танаси катта кулча шаклида, субстратда ёйилиб жойлашади ва унинг устки юзасида жимжима бурмаларга ўхшашиб гименофори бор. Бу ёғочли (синчли) уйларнинг тахта поли ва бошқа ёғоч қисмларидагина учрайди.

**Полипорус** — *Polyporus*. Мева танаси бирмунча йирик, қалпоқчасининг диаметри 25 см гача, оёқчили қалпоқчанинг ёнбош томонида жойлашади. Гименофори найсимон. Дараҳтларнинг танасида бўлиб, уни чиришига олиб келади. Мева танаси бир йиллик. Полипорус ёнғоқ, олма, тут, чинор каби дараҳтлар танасида учрайди.


**Қалпоқчалилар ёки пластикалилар тартиби** — *Agaricales*. Кўпчилик турлари тупроқда сапрофит ҳолда ҳаёт кечиради. Улар кўпинча, тупроқ юзасида «қўзиқорин» деб аталадиган мева таналарини ҳосил қиласи. Бу тартибга мансуб замбуруғлар гименофорининг пластинкага ўхшаб тузилганлиги билан характерланади. Кўпчилик турларининг мева таналари этли, марказий оёқчили ва қалпоқчили бўлади. Қалпоқчасининг пастки томонида радиал йўналишда кетган гименофор — пластинкалари жойлашган. Қалпоқчали замбуруғларнинг деярли ҳамма турларида гименофор маҳсус парда тагида вужудга келади. Бу парда ёш замбуруғда қалпоқчили чети билан оёқчилини бирлаштириб туради. Ривожланиш давом этар экан, қалпоқча соябонга ўхшаб очилади ва уни ўраб турган парда ёрилиб гименофор очиқ ҳолда қолади. Қалпоқчали замбуруғлар орасида озиқ-овқат сифатида истеъмол қиласа бўладиган ва заҳарли турлари ҳам бўлади. Бундан ташқари ёғочларни чиритадиган вакиллари ҳам учрай-



27-расм. Чин пўқак — *Fomes*: а — мева-танаси, б — найсимон гименофорининг кесмаси.



28-расм. А. Оқ замбууруғ — *Agaricus*. Б. Пластинкалы гименофори нинг түзилиши: 1 — базидиоспора; 2 — базидий; 3 — гимений қатлам.



29-расм. Снæk замбууруғи — *Coprinus comatus*.

ди. Бу тартиб замбууруғларнинг энг характерлилари оқ замбууруғ — агарикус, қизил мухомор ва сиёх замбууруғи — копринус-дир.

**Оқ замбууруғ** — *Agaricus comestaris* (28-расм). Мева танаси тупроқ остида дастлаб шарсымон бўлиб, ўсан сари оёқча қалпоқчани ўраб турган умумий парда ёрилиб, оёқчада ҳалқасымон қолдиқ кўринишидагина сақланиб қолади. Вояга етган қалпоқчанинг диаметри 3—5 дан 20—25 см гача этиши мумкин. Қалпоқчаси этли, юзаси силлик, тукчали, тангачали кўринишда, кўпинча оқиши, қисман қўнғир рангда. Оёқчани юқори қисмидан қалпоқчани четига қараб радиал кетган пластинкалар жойлашган бўлади. Уларни ҳар иккала томонида базидиялар ва базидиоспоралар этишиб, тик тушгандан сўнг, шамол ёрдамида тарқалади. Бу даврда пластинкалар тўқ жигарранг тусда, умуман, қалпоқча ҳам бироз тўқроқ рангда бўлади. Бу замбууруғ органик чириндига бой ва полиз экинлари тупроқлари орасида, чорва ҳайвонлари боқиладиган яйловларда, кўпинча баҳор фаслида кўплаб учрайди. Оқ замбууруғни маҳсус кўпайтириб, теплица шароитида 1 м<sup>2</sup> ердан 5—6 кг гача ҳосил олиш мумкин.

**Сиёх замбууруғи** — *Coprinus comatus* (29-расм). Бу замбууруғ сергўнг тупроқ, чирий бошлаган тўнкалар атрофларида ёки гўнг тўпламлари яқинида тўп-тўп ҳолда яшайди. Мева танаси дастлаб умумий парда ёрдамида этли оёқчага ёпишиб турган-

лиги учун цилиндр ёки тухумсимон кўринишда бўлади. Бу вақтда унинг ўлчами 10 см гача етиши мумкин. Кейин умумий парда ёрилиб қалпоқча қўнғироқсимон кўринишни ҳосил қиласи. Унинг устки қисми тангачасимон. Оппоқ пластинка шаклидаги гименофор қалпоқча қирғоғидан бошлаб аста-секин пушти, кейинроқ, қорамтир бинафша рангга киради. Вояга етгач у қалпоқча қирғоғидан бошлаб сиёҳ рангга бўялабориб эриб оқа бошлайди. Шу боисдан уни сиёҳ замбуруғи дейилади. Пластинасимон гименофоридаги базидияларнинг ҳамма қисми бараварига етилмай, аввал қалпоқчанинг қирғоғи яқинидагилари ва кейинчалик оёқча томонидагилари етилади.


**Қизил мухомор** — *Amanita muscaria*. Бу замбуруғ қалпоқчалилар тартибининг заҳарли турларидан бири. Қалпоқчасининг диаметри 8—20 см, оч қизил, сарғиши-қизил рангли. Қалпоқча остидаги пластинкалар ва оёқча оқиши тусда. Оёқчанинг асоси бироз кенгайган. Қизил мухомор ҳар хил кўринишларда бўлиши мумкин. Унинг таркибида нерв системасини кучли қўзғатувчи мусцилини номли заҳарли модда ва мускарин алколоиди бўлади. Республикамиз территориясида бу замбуруғ учрамайди.

### Гастеромицетлар группаси

Бу замбуруғларнинг мева таналари ёпиқ шар ёки бошқача сферик шаклда бўлиб, субстрат устида ёки уни остида ўсади. Базидиялар мева таналари ичida тартибсиз ҳолда жойлашиб тараққий этади. Базидиоспоралар ҳам, мева таналарининг ичiga тўкилиб, кўп миқдорда тўқ рангли, чангийдиган масса ҳосил қиласи. Мева танасининг пўсти ёрилиб ёки емирилиб кетгандан кейин, баъзан унинг юқори қисмида тешикча ҳосил бўлгач, ташқарига чиқиб шамол ёрдамида тарқалади. Кўпчилик гастеромицетлар тупроқда сапрофит ҳолда ҳаёт кечиради. Баъзи турлари дарахт илдизларида яшаб микоизалар ҳосил қиласи.

Гастеромицетларнинг мицелийси кўп ҳужайрали, кучли шохланган, субстрат ичida баъзан йўғонлиги 5—12 мм, узунлиги бир неча метрга етадиган тасма ҳосил қиласи. Унинг мева танаси субстрат юзасидан диаметри 1 дан 70 см гача, оғирлиги баъзан 10 кг ва ундан ортиқ келади. Мева танасининг катталиги бўйича гастеромицетлар бошқа замбуруғлар ичida энг йиригидир. Гастеромицетлар группасининг энг характерли ва республикамиз шароитида кенг тарқалган турларидан ер хинаси (бовиста) ва ер ўлдузи (геастер)дир.

**Ер хинаси (бовиста)** — *Bovista nigrescens* (30-расм, А). Мицелийси тупроқ остида жойлашиб, мева танасининг ҳажми ёнгоқдай, баъзи вакилларида йирик тарвуздек келади. Мева танаси мицелийдан ҳосил бўладиган тифиз оқ тўпламларда етишиб, кейинчалик мицелийдан ажралади ва ер юзасида эркин ҳолда жойлашади. Ёш мева танасини кесиб кузатилса, у икки қаватли қаттиқ қобиқ — ташқи экзо ва ички эндоперидийдан иборатлигини, унинг ички қисми мицелий чигалидан ташкил топ-



30-расм. А. Ер хинаси (бовиста) — *Bovista nigrescens*. Б — Ер юлдузи — *Geaster coronata*.

жанлигини кўриш мумкин. Бу мицелийда базидиялар етилиб, уларнинг ҳар бирида 4 тадан базидиоспоралар ҳосил бўлади. Периодийнинг устки қисмида тирқиш ҳосил бўлгач базидиоспоралар аста-секин атрофга сочила бошлайди. Бовиста кўпинча тоғли ўрмон зоналарида, айниқса, ёнгоқзорларда ва улар остидаги ўтлоқларда кўплаб учрайди.

**Ер юлдузи** (геастер) — *Geaster coronata* (30-расм, Б). Мева танасининг тузилиши ва унинг ривожланиши дастлаб бовистага ўхшайди. Базидиоспоралар етилгандан сўнг перидий юлдузсимон кўринишда ёрилиб споралар атрофга сочилади. Геастер органик чириндига бой яйлов ва ўтлоқларда кенг тарқалган. Баъзан тоғли районлардаги ёнгоқзорларда ҳам учратиш мумкин.

#### Телиобазидиомицетлар кенжа синфи — *Teliobasidiomycetidae*


Бу кенжа синфга базидияли замбуруғларнинг телиоспора деб аталувчи, қишлоғи ноқулай шароитни бошидан кечирувчи, қалин пўстли ҳужайралардан базидия ҳосил қилувчи замбуруғлар киради. Бу кенжа синф иккита: қоракуя замбуруғлари — *Ustilaginales* ва занг замбуруғлари — *Uredinales* тартибларига бўлинади.

**Қоракуя замбуруғлари тартиби** — *Ustilaginales*. Қоракуя замбуруғлари тартиби облигат паразитлар бўлиб, кўпинча фалла экинларида қоракуя қасаллигини вужудга келтиради. Ка-


саллик кўпинча ғалла экинларининг гул органларини зарарлаб, уларнинг шаклини бузади ва оқибатда нобуд қиласди. Қасаллик тушган органлар замбуруғ споралари йиғиндисидан қорайиб, куйгандек, бўлиб қолади. Шунинг учун уларни «қоракуя» деб аталади. Кўпчилик қоракуя замбуруғлари ғалла экинлари уруғлари униб чиқаётган пайтда тупроқдан юқади. Замбуруғ мицелийси майсанинг ўсиш нуқтасига ўтиб олиб, шу нуқта билан бирга ўсади. Натижада ўсимлик сиртдан соғлом кўрингани билан ички қисмida, хусусан ўсиш нуқтасида замбуруғ мицелийси бўлади. Экин бошоқлашидан сал олдин, унинг эмбрион ҳолдаги гулида мицелий зўр бериб ривожлана бошлайди. Бунинг таъсирида гул тўқималари катталашади. Ривожланган замбуруғ мицелийси кейинчалик қорамтири ранги юмaloқ ҳужайраларга бўлинниб кетади ва улар кўп сонли споралар ҳосил қиласди. Қоракуя споралари деб ана шуларга айтилади. Қоракуя замбуруғлари ғалла экинлари ҳосилига катта зарап етказади. Ғалла экинлари бошоқларидаги дон ўрнида қоракуя споралари ҳосил бўлади. Қоракуя замбуруғларининг уруғлик донга илашган споралари уруғ билан бирга тупроқка тушиб уни ҳам зараплайди. Шу боисдон қоракуяга қарши кураш, экиладиган уруғни дезинфекция қилишдан иборат. Экиш олдидан уруғ кучсиз формалин эритмаси, мис тузлари эритмаси ва бошқа дезинфекция воситалари ёрдамида ишланиб, сўнгра экилиши керак. Ғалла ўсимликларида учрайдиган қоракуя замбуруғлари шу тартибга киради.

**Маккажўхорининг бўртма қоракуяси — *Ustilago zea*** (31-расм). Бу замбуруғ маккажўхорининг кўпроқ сўтаси, поя бўғимлари, қисман барг ва бошқа аъзоларида бўлиб, дастлаб кумушранг оқимтири, кейинчалик қора тусга кирган бўртмалар ҳосил қиласди. Бўртма вояга етгандан сўнг у ёрилиб ичидан қоракуя ўюми чиқиб атрофга тарқалади.

**Буғдойнинг чанг қоракуяси — *Ustilago tritici*** (32-расм). Бу замбуруғ билан зарапланган буғдой бошоғидаги дон ўрнида салгина шамолда тўзғийдиган қоракуя ҳосил бўлади. Буғдой гуллаган вақтда замбуруғнинг хламидоспоралари ҳаво оқими билан гул тугунчасига тушади. У ерда ўсиб тугунчани касаллантиради. Ҳосил бўлган дон ичидан унинг мицелийси қишлиайди.



31-расм. Маккажўхори бўртма (чанг) қоракуяси — *Ustilago magdes*.



32-расм. А. Буғдойнинг чанг қоракуя ва Б — тошкуя замбуруғининг ривожланиши.

Касалланган бундай дон соғлом дондан ташқи кўринишда фарқ қилмайди. Бу донлар экилганда майсанинг ўсиши билан мицелий ҳам ўсиб, бошоқ ҳосил қилиш пайтида дон ўрнида чангийдиган қоракуя уюми ҳосил бўлади.

**Буғдой тошкуяси** — *Telletia tritici* (32-расм). Бу замбуруғ кўпроқ кузги буғдойни заарлайди. Буғдой донининг заарланиши уни хирмонда янчилганида касалланган буғдой бошофидаги тошкуя спораларини соғ донга ўтишидан бошланади. Бундай дон экилганда ундаги споралар ҳам ўсиб базидиоспоралар ҳосил қиласади. Улар шамол ёрдамида тарқалиб ёш буғдой майсалари баргларидаги устиналар орқали унинг тўқимасига кириб, мицелийга айланади. У тўқима ичидаги ўсабориб бошоқча ўтади. Бошоқ пишиб етилганда дон ўрнида тошдек қаттиқ қоракуя ҳосил қиласади.

### Занг замбуруғлари тартиби — Uredinales


Занг замбуруғлари ўзининг биологик хусусияти билан қоракуя замбуруғларидан кескин фарқ қиласади. Занг замбуруғларининг бир гуруҳи ўзининг бутун тараққиётини паразитлик билан битта хўжайнинг — ўсимликда ўтказади. Буларни бир хўжайнли замбуруғлар деб аталади. Иккинчи гуруҳи эса тараққиётини иккита ва ундан ортиқ хўжайнинг ўсимликда ўтказади. Буларни эса кўп хўжайнли замбуруғлар деб аталади. Занг замбуруғларининг кўпчилик турлари ана шу иккинчи гуруҳга киради. Улар мева таналар ҳосил қиласади. Ҳар хил споралар ҳосил қилиши билан характерланади. Мицелийда, айниқса уларнинг спораларида пушти ранг пигмент кўп миқдорда ҳосил бўлганилиги учун, у мицелий ва спораларга темирдаги занг доғи син-

гари ранг беради, шу туфайли уларни занг замбуруғлари деб қоритилади. Замбуруғ спора ҳосил қилиш даврининг охирида, тиним даврига кирган телейтоспораларни вужудга келтиради. Телейтоспоралар униб чиқар экан, устма-уст жойлашган түртта ҳужайрадан ташкил топган фрагмабазидияларни ҳосил қиласди. Занг замбуруғлари маданий ўсимликларда ҳам паразитлик қилгани учун қишлоқ хұжалик әқинлариға катта зиён келтиради. Фалла әқинларида учрайдиган занг замбуруғлари айниқса зарарlıдір. Улар ўсимликда жуда тез күпайиб, фалла ўсимликлары баргини барвақт қуритиб қўйганлиги учун донлар пуч бўлиб қолади. Занг замбуруғларига қарши далаларни олтингугурт кукуни билан чанглаш тавсия этилади. Бундан ташқари занг замбуруғларига чидамли ҳар хил иқлим шароитларига мослашган фалла әқинларининг янги навларини етиштириш ҳам катта аҳамиятга эга. Бу тартибининг характерли вакилларидан бири буғдой ўсимлигининг облигат паразити бўлган чизиқли занг замбуруғидир.

**Чизиқли занг замбуруғи** — *Russinia graminis* (33-расм). Бу замбуруғ бошоқдошлар оиласига мансуб маданий ва ёввойи ўсимликларда паразитлик қилиб, уларнинг ҳосилига катта зарар етказади. Бу замбуруғнинг ривожланиши бошоқдошларда бўлмай у бутунлай бошқа зирк ўсимлигига бошланади. Баҳорда зирк барглари юзасида пушти доғлар пайдо бўлади. Бу ўсимликнинг барг тўқимаси ораларида ривожланган замбуруғнинг спора ҳосил қилишидан ҳосил бўлади. Дастрлаб у мицелий чигалидан иборат бўлиб, кейинчалик барг тўқимаси орасида бутилкасимон шаклга эга бўлади. Унинг тепасида тешикчаси бўлиб, таги ва атрофлари майда ҳужайрали споралар ҳосил қилувчи, бироз узун маҳсус ҳужайралар билан ўралади. Ҳосил бўлган споралар спермацийлар ёки пикноспоралар дейилади. Бутилкасимон структурани эса спермагоний ёки пикнидий деб аталади.

Спермаций ва спермагонийлар бир ядроли мицелийлардан ҳосил бўлади. Спермацийлар ҳосил бўлганда спермагоний тешикчасидан ҳашаротларни ўзига жалб этувчи хушхўр суюқлик ажралиб чиқади. Ҳашаротларга илашган спермацийлар бошқа баргларга ҳам тарқалади. Спермацийлар турли жинсий белгига эга бўлиб, уларни ривожланиши учун ҳар хил спермагонийда ҳосил бўлан споралар ўзаро қўшилиши лозим. Бу бошқа замбуруғлардаги каби жинсий жараёнга ўхшайди. Қўшилиш ҳашаротларга илашган спермаций ёки мицелийнинг бошқа спермагонийга бориб қолиши билан рўй беради. Бундан ташқари битта баргнинг юзасида ёнма-ён ҳосил бўлган турли жинсий белгили спермагоний мицелийлари бир-бирига қараб ўсиши билан ҳам қўшилиш амалга ошади. Натижада икки ядроли мицелий вужудга келади. Аммо ядролар ўзаро қўшилмай жуфт ҳолда жойлаши дикарион мицелий ҳосил қиласди.

Дикарион мицелий барг тўқималари орасида спермагонийнинг остида жойлашиб, маълум вақтдан кейин, эцидий деб атадиган структура ҳосил қиласди. Эцидийда икки ядроли, дума-



33-расм. Буғдойнинг чизиқли занг замбуруғи — *Puccinia graminis* A — касалланган зирк ўсимлигининг барги; B — пикнидий (юқорида) ва зирк баргининг күндаланг кесими; В — касалланган буғдой пояси; Г — уредоспоралар түплами; Д — телейтоспорали буғдой пояси; Е — телейтоспоралар түплами; Ж — унган телейтоспора базиялар билан.

лоқ, сарғиш рангли бир ҳужайрали эпидиоспоралар ҳосил бўлади. Бу споралар эцидийнинг остида цилиндричесимон ҳужайралардан занжирлар кўринишида юзага келади.

Замбуруғнинг кейинги ривожланиши учун эцидиоспоралар бошоқдошлар оиласига мансуб ўсимликка тушиши керак. Эцидиоспоралар шамол билан тарқалиб буғдой ўсимлигининг пояси

ёки барига тушади, унда икки ядроли мицелий ҳосил қиласи. Маълум вақтдан кейин улардан ёзги уредоспора деб аталадиган споралар вужудга келади. Уредоспоралар бир ҳужайрали тухумсимон тўқ сариқ рангли бўлиб, қисқа оёқчада жойлашади. Бу споралар ҳосил қилган пунктирили чизиқча ва темир занги ёз давомида ўсимликнинг деярли ҳамма қисмини қоплаб олади. Шу боисдан бу замбуруғни чизиқли занг замбуруғи деб аталади. Қулай об-ҳаво шароитларида бу замбуруғнинг бекиёс ривожланишидан ўсимлик қуриб қолади ва ҳосил ниҳоятда камайиб кетади. Уредоспоралар бир ўсимликдан иккинчисига шамол ёрдамида ўтади. Улар ҳаво оқими билан 2000 м ва ундан ҳам баландликка кўтарилиб бир неча юз ҳатто минг км масофагача тарқалиб касалланишга мойил бўлган ўсимликларни зарарлайди.

Езниг охирида уредоспоралар ҳосил бўлган икки ядроли мицелий ўрнида икки ҳужайрали, қорамтири пўстли телейтоспоралар юзага келади. Бу споралар замбуруғнинг қишилаб қолиши учун хизмат қиласи. Шунга кўра телейтоспораларни қишикли споралар ҳам дейилади. Телейтоспораларда мицелийдаги каби дикарион бўлиб, улар баҳорда ўзаро қўшилади, яъни ҳақиқий жинсий жараён рўй беради. Натижада диплоид ядро вужудга келади. Бу жараён спорани ўсишига қадар амалга ошади. Сўнгра диплоид ядро икки марта бўлинниб тўртта гаплоид ядроли ҳужайрани ҳосил қиласи. Телейтоспораларнинг ҳар бир ҳужайрасидан кўндаланг тўсиқ билан ажралиб 4 қисмга бўлинган рангсиз базидия юзага келади. Уларнинг юзасида битта гаплоид ядроли базидиоспора ҳосил бўлади. Замбуруғнинг кейинги ривожланиши учун базидиоспора зирк ўсимлигига тушиши лозим. Ҳар бир базидиоспорадан зирк барига спермагоний ёки пикнидия ҳосил бўлади.

Базидиоспоралар икки жинсий груплага мансублиги туфайли спермагонийлар ҳам икки жинсий груплага оид бўлади.

Шундай қилиб, буғдоидаги чизиқли занг касаллигини вужудга келтирувчи замбуруғнинг тўлиқ ҳаёт цикли навбат билан 5 хил споралар ҳосил қилувчи: 1) спермацийлар (пикноспора) юзага келувчи спермагоний ёки пикнидия; 2) сцидиоспоралар ривожланувчи эцидий; 3) уредоспоралар юзага келадиган уредостадия; 4) телейтоспоралар ҳосил қиладиган телейтостадия; 5) базидиоспоралар ривожланадиган базидилярнинг вужудга келиши билан амалга ошади. Ҳамма хилдаги споралар ҳосил бўлиши билан ривожланадиган занг замбуруғларни тўлиқ ҳаёт циклли формалар дейилади. Қўпчилик занг замбуруғларда ҳамма хилдаги споралар ҳосил бўлмайди. Шунга кўра уларни тўлиқ бўлмаган ҳаётний циклли замбуруғлар дейилади. Замбуруғнинг ривожланиши жараёнида юзага келган споралар бир хўжайнинли турларда битта ўсимликда, турли хўжайнинли замбуруғларда эса ҳар хил турдаги ўсимликда вужудга келади. Буғдоининг чизиқли занг замбуруғи тўлиқ ҳаётний циклли турли хўжайнинли занг замбуруғидир.

Занг замбуруғларнинг паразитлик қиласидан алоҳида хўжайин — ўсимликка мослашиши уларнинг муҳим хусусиятларидан ҳисобланади. Буғдойнинг чизиқли занг замбуруғи — *Russinia graminis* ҳам бошоқдошларнинг алоҳида турларида паразит ҳолда яшашга ихтисослашганлардан ҳисобланади. Сули, арпа каби бошоқдошларга ихтисослашган замбуруғлар ҳам бор.

Занг замбуруғлар бошоқдошлар оиласидан ташқари бошқа ўсимликларда ҳам касалликлар юзага келтиради. Кунгабоқарда *Russinia helianthi*, ялпизда *R. menthae*, пиёзда *R. roggii*, гулҳайрида — *R. malvacearum*, бедада *Uromyces trifolii*, олма ва нокда *Gymnosporangium*, атиргулда *Phragmidium*, олхўрида *Transchelia* турли кўринишлардаги занг доғларни ҳосил қиласди.

### Дейтеромицетлар ёки такомиллашмаган замбуруғлар синфи — Deuteromycetes ёки Fungi imperfecti


Дейтеромицетлар ёки такомиллашмаган замбуруғлар, аскомицетлар ва базидиомицетлар синфига мансуб турлар билан бир қаторда юксак замбуруғларнинг йирик синфларидан бирини ташкил қиласди. Бу замбуруғларнинг ҳаётий цикли гаплоид стадияли мицелийларда ўтади. Жинсий кўпайиш рўй бермайди. Фақат жинссиз — конидиялар ҳосил қилиш билан кўпаяди.

Дейтеромицетларнинг вегетатив танаси яхши ривожланган, тармоқланган, кўп ядроли гаплоид ҳужайралардан тузилган мицелийдан иборат. Конидиялар гаплоид ядроли конидиябандларда юзага келади. Кўпчилик дейтеромицетларнинг конидиябандлари бирикиб конидиябандлар тўплами — коремия ҳосил қиласди. Айрим дейтеромицетларда конидиябандлар тўпланиб ёстиқча кўринишни ҳосил қиласди. Бундай тўпламга спородоҳия деб аталади.

Ложа типидаги конидиябандлар тўплами спородоҳийга ўхшайди, аммо ёстиқча шаклида бўлмай, у бироз ясси ҳолдаги мицелий чигалидан иборат.

Бирмунча мураккаб конидиал структура бу — пикнидалар. Улар шарсимон ёки кўзасимон шаклда, қалин оқиш ёки тўқ рангли қобиқли, тепасида тешикчаси бўлади. Пикнидалар ичи тифиз жойлашган калта конидиябандлардан иборат бўлиб, уларнинг учида конидиялар юзага келади (34-расм).

Дейтеромицетларнинг конидиялари тузилишига кўра хилма хил бўлади. Улар бир ҳужайрали ёки кўпгина тўсиқлар билан ажралган, баъзан спиралсимон буралган кўринишда бўлиши мумкин. Дейтеромицетлар табиатда жуда кенг тарқалган. Уларнинг кўпчилик вакиллари сапрофит ҳолда тупроқ замбуруғларининг асосий қисмини ташкил қиласди. Хилма хил ўсимлик субстратларида учраб, уларни парчалашда ва тупроқ ҳосил бўлиш процессларида иштирок этади. Баъзи сапрофит дейтеромицетлар озиқ-овқат ва саноат маҳсулотларини мөгор босишига сабабчи бўлади.



34-расм. Дейтеромицетларнинг спора ҳосил қилиш типлари: 1 — алоҳида конидия ҳосил қилувчи конидиябандларнинг хиллари; 2 — ложа; 3 — спородохий; 4 — коремия; 5 — циклида.

Дейтеромицетларнинг катта бир группаси юксак ўсимликларда паразитлик қилади. Қишлоқ хўжалик экинларини касаллантириб катта иқтисодий зарар келтиради. Бу синфнинг баъзи вакиллари ҳайвонлар ва одамларда касаллик туғдиради. Дон ва бошқа озиқ-овқатлар маҳсулотларида ривожланганда заҳарли моддаларини ажратиб, бундай дон билан ҳайвонларни озиқлантирганда ёки шундай озиқ-овқатни одамлар истеъмол қилганида заҳарланиш ҳоллари юз беради.


Дейтеромицетлар орасида ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган антибиотиклар (масалан, пенициллин, гризофулъвин, фумагиллин), турли ферментлар ва органик кислоталар ҳосил қиладиган замбуруғлар ҳам кўп.

Дейтеромицетларнинг классификацияси конидияларнинг ҳосил бўлишига ва конидиябандлар тўпламларининг тузилишига кўра тузилган. Улар З та тартибга бўлинади:


Гифомицетлар — Hypocreales тартиби якка ёки коремия ва сапрохий кўринишидаги конидиябандлардан ҳосил қилувчи замбуруғ турларини ўз ичига олиб, Меланкониялар — Melanconiales тартибига ложа ҳосил қилувчи замбуруғлар, Сферопсидлар — Sphaeropsidales тартибига эса пикнидалар ҳосил қилувчи замбуруғлар киради.

### Гифомицетлар тартиби — Hypocreales

Гифомицетларнинг мицелийсидан тик йўналган конидия бандларида конидиялар етишади. Конидиябандларининг тузилиши, ўсиш характеристи ва шохланиши ҳар хил турларда хилмажил бўлади. Гифомицетлар тупроқда, ўсимлик қолдиқларини парчалаб сапрофит ёки маданий ва ёввойи ўсимликларда пара-



35-расм. А. Пеницилл — *Penicillium*, Б — Аспергилл — *Aspergillus*.



36-расм. Алтернария — *Alternaria*. 2 — касалланган ғұза барғи; 1 — конидиялари.

зит ҳолда ҳаёт кечириб, уларда турли касалликларни келтириб чиқаради. Гифомицетлар тартибидан пеницилл, аспергилл, алтернария, вертицилл ва фузариум каби характерлы замбуруғтурларини келтириш мүмкін.

**Пеницилл — *Penicillium*** (35-расм, А). Асосан тупроқнинг юза қатламида сапрофит ҳолда яшайды. Пеницилл ҳаво алмашмайтын шароитта сақланған нон юзасида, турли суюқ ширинликтерде яшил түсдеги моғорлар ҳосил қиласы, уларни бузилишиң аса сабаб бўлади. Унинг кўп ҳужайрали мицелийси субстратга ботиб кириб, унинг юзасида эса панжасимон кўринишдаги конидияландлари ва улардан шарсизмон конидиялар занжири ажралиб чиқади. Пенициллнинг *P. notatum* ва *P. chrysogenum* турлари касаллик туғдирувчи бактерияларга кучли таъсир қиласы, антибиотик моддалар ҳосил қиласы. Бу моддалар ҳозир медицинада турли юқумли касалликлар туғдирувчи микробларга қарши дорилар сифатида қўлланилади.

**Аспергилл — *Aspergillus*** (35-расм, Б). Аспергилл ҳам тупроқтада яшайды, қандын моддаларга бой озиқ моддаларда сапрофит ҳолда яшайды. Унинг кўп ҳужайрали мицелийсининг учига ўшаб дўппайиб турадиган, битта йирик устунсимон ҳужайрадан ташкил топган. Ана шу бўртма юзасида цилиндрический калта ҳужайралар бўлиб, уларни устки қисмида шарсизмон конидиялар занжири ҳосил бўлади ва етилади.

**Альтернария — *Alternaria tenuis*** (36-расм). Табиатда кенг тарқалған, кўпчилиги турли органик қолдиқларда сапрофит, баъзилари эса турли қышлоқ хўжалик экинларида паразит ҳол-



37-расм. Вертицилл — *Verticillium*. 1 — касалланган ғўза тупи; 2 — барги; 3 — пояси; 4 — мицеллийнинг бир қисми.

да учрайди. Мицелийси кучли шохланган, конидиялари кўп ҳужайрали ва қорамтири ранги билан характерланади. Альтернария ғўза естарли озиқлантирилмагандан унинг баргларida доирасимон қора доғлар ҳосил қиласади. Ғўза ривожланишидан тўхтаганда бу замбуруғ унинг ҳали очилмаган кўсагига ўтиб уни ва пахта толасини қорайтириб юборади.

**Вертицилл** — *Verticillium* (37-расм). Конидия бандлари мутовка ҳолида шохланган, уларда якка-якка конидиялар етишади. Бу замбуруғ турли ўсимликларнинг ўтказувчи тўқималарида паразит ҳолда ҳаёт кечиради. Замбуруғ ўсимликларни ўзига хос «вилт» ёки «вертициллёз» деб аталадиган сўлиш касаллигига чалинтиради. Касалликнинг асосий белгиси, барг ҳужайраларидага тургор ҳолатнинг йўқолиши бўлиб, уларда дастлаб сарфишжигарранг, сўнгра қўнғир доғлар пайдо бўлади, бу унинг барвақт нобуд бўлишига ва тўкилишига сабаб бўлади. Мазкур замбуруғлардан *Verticillium dahliae* ғўза баргидага, тартибсиз жойлашган, аввал сариқ, сўнгра қорайиб, баргни қуритадиган доғлар кўринишида юзага келади. Касаллик ғўза ниҳолларига тупроқдан жароҳатланган илдиз орқали ўтади. Мицелий поянинг ўтказувчи тўқималарига ўтиб олиб, улар орқали ўсимликнинг бутун организми бўйлаб тарқалади. Касаллик ғўзани шо-

налаш ва гуллаш фазаларида айниқса кучли намоён бўлади, ўсимлик ҳосил тугабошлаганда уни бутунлай қуриб қолишига олиб келади. Ҳар йили вильт замбуруғи ғўза ҳосилига катта зарар келтиради. Ҳосилдорлик кескин камайиб, маҳсулот сифати бузилади. Касалликка қарши кураш чоралари хўжаликларда алмашлаб экишни жорий этиш, вильтга чидамли янги ғўза навларини яратиш ва уларни ишлаб чиқаришга тезроқ ва кенг кўламда жорий қилиш, ғўза экилган далаларни ҳосил йиғишириб олингандан кейин ўсимлик қолдиқларидан тозалаш ва ерни куздаёқ, чуқур ва сифатли шудгорлашдан иборат.

**Фузариум** — *Fusarium oxysporum*. Бу замбуруғ ҳам ғўзада сўлиш касаллигини юзага келтиради. Ғўзада дастлабки иккита барг пайдо бўлганда унинг юзасида ва томирларида қўнғир доғлар ҳосил бўлади. Бу касаллик ғўзада 4—6 та барг ҳосил бўлгунга қадар давом этади. Ғўза шоналаганда унинг бу касалликка чидамлилиги ортади, аммо баъзан у кучайиб ўсимликни бутунлай сўлиб, қуриб қолишига олиб келиши ҳам мумкин. Замбуруғ ривожланганда унинг рангсиз мицелийси кейинчалик пушти, жигар ва қўнғир рангга кириб конидияларга ажralиб кетади. Касаллик ўсимликни илдизи орқали юқиб, ўтказувчи тўқимада мицелийдан иборат тўқима ҳосил қиласи. Баъзан чигит орқали ҳам юқиши мумкин. Ғўзанинг фузариоз (сўлиш) касаллигига қарши кураш чоралари, вильт касаллигига қарши кураш билан бир хил.

### Меланкониялар тартиби — Melanconiales

Бу тартибга мансуб замбуруғларнинг конидиябандлари ясси, бироз қавариқ, ёстиқча ёки диск кўринишидаги ҳосила юзасида жойлашган бўлиб, уни ложа дейилади. Меланкониялар тартиби гифомицетлар ва сферопсидлар ўртасидаги оралиқ ўринни эгаллайди. Агар ложа бирмунча қавариқ кўринишда бўлса уни сферопсидлардаги пикнидалардан ажратиш қийин. Агарда конидиябандлар ва уларда ҳосил бўлган конидиялар ложадан ташқарига чиқсан бўлса, бундай конидия кўпроқ гифомицетларга хос.

Меланкониялар ўсимликларда сапрофит ёки паразит ҳолда ҳаёт кечириб турли шаклдаги доғларни ҳосил қиласи. Бу тартибининг характерли турлари Марсонина ва Цилиндроспорийларdir.

**Марсонина** — *Marsonina*. У икки ҳужайрали рангсиз конидия ҳосил қилиб, юқоридаги ҳужайраси бир оз қайрилган ёки йирикроқ бўлади. Марсонина теракда, толда, ёнфоқда, айниқса атиргулда кенг тарқалган. Бу ўсимликларнинг баргларида қора доғларни ҳосил қиласи. Нетижада барглар сўлийди ва барвақт тўкилади.

**Цилиндроспорий** — *Cylindrosporium*. Бошқалардан рангсиз, цилиндросимон ёки таёқча шаклидаги тўғри ёки қайрилган бир ҳужайрали конидиялар ҳосил қилиши билан фарқланади. Ци-

линдроспорий кўплаб дарахтлар, буталар ва бошқа ўтларнинг баргларида хилма-хил шаклдаги бироз қўнғир доғларни юзага келтиради. Бу замбуруғ данакли ўсимликлар: олча, тоголча ва гилосда, айниқса тутда кенг тарқалган бўлиб, баргларини ипак қурти истеъмол қилмайдиган ҳолга келтириб қўяди. Бу замбуруғга қарши турли фунгицидлар сепиш, касалланган баргларни тेरиб ёқиши ва касалга чидамли навларни етишириш билан кураш олиб борилади.

### Сферопсидлар тартиби — Sphaeropsidales

Сферопсидларнинг спора ҳосил қиладиган пикнидалари оддий кўз билан кўрса бўладиган майда шарсимон шаклда бўлиб, морфологик жиҳатдан аскомицетларнинг перитецийларига, баъзан эса апотецийларига ўхшаб кетади. Пикнидалар субстрат юзасида ёки бир оз унга ботган ҳолда ривожланади. Улар ранг сиздан то қорамтири туслача бўялган, юмшоқ ёки қаттиқ бўлиши мумкин. Вояга етган пикнидаларда конидиялар шилимшиқ модданинг ичидаги жойлашади. Улар турлича рангда ва шаклда бўлади.


Сферопсидларга мансуб замбуруғлар ўсимликларда паразит ёки сапрофит ҳаёт кечиради. Улардан фома, аскохита ва септориялар турли ўсимликларда касаллик туғдирувчи формалардир.

**Фома — Phoma.** Бу замбуруғ шарсимон, эллипс кўринишида ги субстратга бир оз ботиб турган пикнидалар ҳосил қилади. Конидиялари рангсиз, бир оз сарғиш, бир ҳужайрали, тухумсимон шаклдан цилиндрсимон кўринишгача, тўғри ёки қисман қайрилган бўлади. Бу замбуруғ нам жойдаги иморат бетонларини юмшатиш, девор бўёқларини емириш, лой шувоқларда турли доғлар ҳосил қилиш хусусиятига эга. Айрим турлари қоғоз ва картонларда ҳам ривожлана олади. Улар орасида ўсимликларнинг ер ости мевасида (сабзида, шолғомда) қора доғларни юзага келтириб чиритиб юборадиган турлари ҳам кенг тарқалган.

**Аскохита — Ascochyta.** Пикнидалари шарсимон, ўсимлик тўқималари орасида жойлашади. Конидиялари дастлаб бир, кейинчалик икки ҳужайрали, рангсиз ёки бироз рангли, тўғри ёки қайрилган бўлади.

Аскохита ўсимликнинг турли аъзоларида шакли ва ранги турлича бўлган доғлар ҳосил қилади. Аскохита кўпинча дуккакдошлар оиласига мансуб ўсимликларда паразитлик қилади. Улар орасида нўхат аскохитаси энг хавфли ҳисобланади (38-расм). Касаллик нўхат ўсимлиги баргларида ва поясида дастлаб сариқ, кейин қўнғир тусли доғлар ҳосил қилади. Заарланган аъзоларда пикнидалар юзага келади.

Аскохита келтириб чиқарадиган касалликларга қарши кураш ўсимлик қолдиқларини ёқиши, агротехника тадбирларини юқори сифатли ўтказиш ва алмашлаб экишини қўллаш билан олиб борилади.



38-расм. Аскохита — *Ascochyta*: 1 — касалланган иўхат барги ва дуккаги; 2 — конидиялари; 3 — пикнидаси.

**Септория — Septoria:** Септориянинг кўпчилик турлари бошоқдошлар, мураккабдошлар, атиргулдошлар, соябонгулдошлар оиласига мансуб ўсимликларда паразитлик қилади. Бу хилдаги ўсимликларнинг барглари ва барг қўлтиқларида жигарранг ёки қўнғир доғлар ҳосил бўлади. Касаллик кучайганда барглар сўлиб қурийди. Замбуруғ конидиялари касалланган участкаларда юзага келган пикнидалардан чиқиб шамол ёрдамида тарқалади.

Септория ҳосил қилган касалликка қарши уларнинг уруғларини дорилаш, ўсимлик қолдиқларини ёқиб юбориш, агротехник тадбирларини сифатли ўтказиш ва касалликка чидамли навларни етиштириш билан курашилади.

### Замбуруғларнинг келиб чиқиши

Замбуруғларнинг келиб чиқиши ва филогенези ҳақида ҳозирча аниқ бир фикр йўқ. Айрим олимлар замбуруғларнинг бир группаси рангсиз хивчинлилардан, бошқалари эса сувўтларнинг турли группалари — турли хивчинлилар ва маташувчилардан, хитридиомицетлар синфонлилардан, оомицетлар ва аскомицетлар қизил сувўтлардан келиб чиқсан деб ҳисоблайдилар. Аммо замбуруғларнинг сувўтлари билан алоқадорлиги эҳтимолдан анча узоқ. Замбуруғларда ранг берувчи пластидларнинг йўқлиги, хивчинилар ва зооспораларнинг жойлашиш характеристи, бошқача запас озиқ моддалари (замбуруғлардаги гликоген сувўтларда ҳосил бўлмайди) ва бошқа бир қатор хусусиятлар сувўтлар билан замбуруғларни ўзаро яқинлаштирамайди.

Замбуруғларни қандайдир рангсиз хивчинлилардан келиб чиқсан деган монофилитик фикр ҳақиқатга яқинроқ туради. Бу нуқтаи назардан энг соддаси бўлиб дастлабки мицелийга эга бўлган хитридиомицетлар ҳисобланиши мумкин. Ўз навбатида улардан оомицетлар юзага келган. Шу билан бирга бир хивчинли ва икки хивчинли споралар ҳосил қилувчи иккита эволюцион йўналиш вужудга келиб, мицелий дастлаб жуда оддий ризомицелий кўринишида, сўнгра типик ҳужайрасиз шаклдагиси пайдо бўлган.

Бир хивчинли спора ҳосил қилувчи формалар ривожланишиб кетмади ва кенг тарқалмади, булардан бирмунча ривожланишга

эга бўлганлари хитридиомицетларнинг моноблефариidlар тартибига мансуб вакиллариidир. Икки хивчинли споралар ҳосил қи-лувчилар бирмунча кўпайган, бундан ташқари мураккаб тана тузилишларни ҳосил қилган. Уларнинг ичидаги эволюцияда юксак даражага кўтарилиганлари қуруқлик шароитида яшашга мослашган переноспоралар тартибининг вакиллари ҳисобланади. Шунга қарамай бу тартибининг вакиллари ҳам замбуруглар эволюциясида боши берк тармоқни ҳосил қиласди.

Омицетларнинг примитив мицелийли зигогамия йўли билан жинсий кўпаядиган қайсиidир турларидан зигомицетлар ривожланган бўлиши мумкин. Зигомицетлардан баъзи бир бирламчи аскомицетларни чиқариш мумкин. Масалан, диподаскус, эримаскус авлодлариidаги жинсий кўпайиш зигомицетларга ўхшаб, мицелийнинг кўп ҳужайралиги, зиготанинг тиним даврини ўтмай бевосита халтачага айланиши билан фарқланади.

Аскомицетларнинг эволюцияси халтачалар сонининг ортиб боришига ва мева таналар ҳосил қилишига қараб ривожланган. Мева таналарнинг шаклланишида иккита йўналиш бўлган. Биринчисида ёпиқ шаклдаги мева тана — клейстотеций ва унда тартибсиз жойлашган халтачаларнинг юзага келиши намоён бўлган. Баъзи олимларнинг фикрича эволюцияда ёпиқ мева тана — клейстотеций ривожланиб, улардан кўзача шаклидаги кичик тешикчали халтачалари тартибли жойлашган перитецийлар вужудга келган деган фикрлар бор. Иккинчи йўналиш апотецийларни юзага келиши тамом бўлиб, уларда халтачаларнинг миқдори кўп ва улар актив ҳолда тарқалади.

Бу йўналишда ярим ёпиқ мева тана — перитецийлар ҳам ҳосил бўлган. Ривожланишнинг маълум бир босқичларида клейстотеций иккиласми ҳолда перитецийни ёпиқ кўринишга эга бўлишидан юзага келган бўлиши ҳам эҳтимол.

Туфелькалар тартиби замбуруғларининг онтогенезини ўрганиш натижасида улар эволюциянинг алоҳида тармоғи сифатида дискомицетлардан юзага келган деган тахминлар бор. Ер остида ҳаёт кечиришларига кўра уларнинг мева таналари ёпиқ шаклга айланиб, аскоспораларни актив ҳолда тарқалиши йўқолган,

Аскомицетлардаги жинсий кўпайиш дастлаб жинсий органларнинг мураккаблашуви ва дифференцияланиши — архикарп ва антеридий ҳосил қилиш томонга ривожланган. Эволюциянинг турли тармоқларида кейинчалик антеридийлар бир неча бор йўқолган. Уруғланиш спермацийлар ёки гифанинг вегетатив ҳужайраси билан, бошқа ҳолларда аскогонда жуфт жойлашган ядроларни ўзаро қўшилиши билан амалга ошган.

Аскомицетларда типик жинсий жараённинг сўниб бориши жинсий органларнинг бутунлай йўқолишига ва саматогамия, яъни мицелийнинг вегетатив ҳужайраларини ўзаро қўшилишига олиб келган.

Базидиомицетларнинг келиб чиқиши бирмунча ноаниқ. Айрим олимлар уларни зигомицетлардан, бошқалари эса аскомицетлардан, хусусан дискомицетлардан келиб чиқсан дейишади.

Базидиомицетлардаги жинсий кўпайиш морфологик жиҳатдан жуда оддий бўлиб, у мицелийнинг иккита вегетатив ҳужайрасини ўзаро қўшилишидан иборат. Махсус жинсий органлар базидиомицетларнинг ҳеч қайси вакилида учрамайди. Аммо, дикирион фаза аскомицетлардагидан узоқроқ даврда рўй бериб, замбуруғнинг ҳаёт цикли охиригача давом этади.

Базидиомицетларнинг энг примитиви, мицелийнинг яssi чигалидан ташкил топган теп-текис гименофорли бошлангич ҳолдаги мева танали холобазидиомицетларdir. Уларнинг эволюциясида йирик, хилма-хил тузилишдаги, гименофорининг юзаси кенгайган ва кўп миқдорда базидиоспоралар ҳосил қиласидиган мева таналар юзага келган.

Телиоспоромицетлар оддий тузиленган холобазидиомицетлардан эволюцияда барвақт ажралган. Ривожланишда мева тана юзага келадиган турлари телиоспоромицетлар эволюциясининг дастлабки босқичларида туради. Қоракуя ва занклар умумий аждоддан келиб чиқиб эволюцияда мустақил ривожланган. Паратизит ҳолда яшашга мослашганликлари туфайли, аждодларида бўлган мева таналарни йўқотиб морфологик кўринишдаги ҳаёт тарзида кўплаб турли-туман мосламаларни (масалан, занкларда ҳар хил спораларни) ҳосил қиласидиган.

Юксак замбуруғларнинг, айниқса аскомицетларда жинсий кўпайишнинг регресси ёки бутунлай йўқолиши конидиал формаларни морфологик жиҳатдан мустаҳкамликка олиб келди. Бу эса замбуруғлар систематикасида такомиллашмаган замбуруғларни алоҳида таксономик группа ҳолида ажралишини тақозо этди.

### Замбуруғларнинг экологияси ва аҳамияти

Замбуруғлар турли-туман органик субстратларда яшайди. Уларнинг ичида алоҳида экологик группаларга ихтисослашган сапрофитлар, масалан, сув муҳитидаги ҳайвон қолдиқларида ривожланадиган замбуруғлар (сапролегниялар) ҳам мавжуд. Копрофиль замбуруғлар ўтхўр ҳайвонларнинг экскрементларида (мукорлар, айрим аскомицетлар ва базидиомицетлар), кератинофиль замбуруғлар — хивчинлар туёқлари, шохлари, юнглари, қушларнинг патларида — таркибида оқсил моддаси — коротин кўп бўлган субстратларда тарқалган. Табиатда ва кишиларнинг ҳаёт фаолиятида ёғочларни чиритиб юборувчи замбуруғлар (пўкаклар) катта салбий аҳамиятга эга. Бу замбуруғларнинг таъсиридан юзага келган чирик ранги (оқ қизғиши, қўнғир ва ҳоказо) ва жойлашишига кўра дараҳтнинг марказий қисми ёки унинг атрофида бўлиши мумкин.

Тупроқда учрайдиган сапрофит замбуруғлар катта группани ташкил қиласиди. Улар орасида мева танаси йўқ ёки микроскопик, майда мева танали тупроқ микрофитлари ва йирик мева танали макрофитлар бор.

Тупроқ микрофитларига юзлаб турлар киради. Уларнинг энг

характерлилари аспергиллар, мукорлар, гифомицетлар, баъзи пиреномицетлар ҳисобланади. Тупроқ микрофитларига асосан гименомицетлар, қисман гастеромицетлар ва дискомицетлар киради.

Ўсимлик илдизи атрофидаги тупроқ айниқса микроорганизмларга бой. Тупроқдаги органик қолдиқларнинг минерал моддаларга айланиши, тупроқ унумдорлигининг ошиши у ердаги бактериялар билан замбуруғлар фаолиятига боғлиқ. Замбуруғлар ўсимлик илдизлари билан микориза ҳосил қиласи. Микориза — замбуруғларнинг юксак ўсимликлар илдизи билан бирга ҳамкорликда яшаб, симбиоз ҳаёт кечиришидан иборатdir. Микориза 2 хил: ташқи — эктотроф ва ички — эндотроф бўлади. Эктотроф микоризада замбуруғ мицелийси фақат илдиз учларининг сиртидан ўраб олиб ҳужайра оралиқларига кирмайди. Бу ҳодиса эман, қайнин, қарағай каби бир қанча дарахтларнинг ҳаётида муҳим роль ўйнайди, чунки улар микоризаларсиз яхши ўса олмайди. Ички — эндотроф микоризада замбуруғ гифалари ўсимлик илдизи тўқималари орасида жойлашади.

Замбуруғлар кишиларнинг хўжалик фаолиятида ҳамижобий, ҳам салбий аҳамиятга эга. Ижобий аҳамиятга эга бўлганлар орасида бижитувчи замбуруғлар алоҳида роль ўйнайди. Улардан спиртли бижкиш жараённада спирт, вино, пиво, квас тайёрлашда, ундан хамир қориб нон тайёрлашда фойдаланилади. Бижитувчи замбуруғлар таркибида оқсил моддалари, ферментлар, витаминлар кўп бўлганлиги туфайли улардан фақат озиқовқат маҳсулоти сифатида эмас, балки даволаш мақсадида қишлоқ хўжалик ҳайвонларнинг ем-хашагига қўшиб берилади. Баъзи бижитувчи замбуруғлар, масалан, торилопсис — *Togiloopsis* қимиз тайёрлашда фойдаланилади.

Қалпоқчали замбуруғларнинг озиқ-овқат сифатида ишлатиладиганлари ҳам кўп. Уларнинг таркибида инсон организми учун зарур бўлган хилма-хил фойдали моддалар бўлади. Бу замбуруғларнинг аҳоли томонидан истеъмоли бир томондан шу территорияда тарқалган турларга боғлиқ бўлса, иккинчи томондан уларнинг урф-одатларига ҳам боғлиқ.

Ейиладиган замбуруғлар таркибида ўрта ҳисоб билан 90% сув бўлиб, қолган модданинг 30—40% ини оқсил, 10—15% ини углевод ва 1—2% ини липидлар ташкил қиласи. Кўриниб турибдики, бу замбуруғнинг таркиби унчалик бой бўлмасада, улардаги экстрактив моддалар овқатнинг мазалигини оширади.

Қалпоқчали замбуруғлардан шампиньон ва оқ замбуруғ теплицада кўпайтирилиб ҳар 1 м<sup>2</sup> майдондан ўртача 5—6, илфор хўжаликларда эса 15 кг гача хушхўр замбуруғ олинади.

Пенициллнинг маҳсус турлари ёрдамида рокфор ва камамбер номли пишлоқлар тайёрланади.

Замбуруғларнинг инсон ҳаётидаги салбий томонлари ҳам бор. Экинларда паразит ҳолда ҳаёт кечиравчি турлари ҳосилни камайишига (ўртача 10—30%), баъзан уларнинг бутунлай нобуд қилишга сабаб бўлади.

Үрмөн хўжалигига катта зарар етказадиган чиритувчи замбуруғлар дарахтларни, телеграф симёочларини, ёғочли иморатларни, темир йўл шпалларини, ёғоч кўприкларни чиритиб яроқсиз ҳолга келтириб қўяди.

Омборларда сақланадиган маҳсулотлар сапрофит замбуруғлар таъсирида айрим ҳолларда бутунлай яроқсиз ҳолга келиб қолади. Айрим замбуруғлар одамлар ва ҳайвонларнинг танасида тери касалликларидан дерматомикозларни келтириб чиқаради. Замбуруғларнинг салбий фаолияти натижасида ҳар йили дунё бўйича бир неча миллиард сўм миқдорда иқтисодий зарар кўрилади.

Икки ёки бир неча тур замбуруғларнинг биргаликда ўсиши бир-бирининг ўсишини яхшилаш ёки аксинча антогонистик ҳолда тўқсинглик қилиш ҳоллари ҳам учрайди. Замбуруғларнинг ассоциатив муносабатлари яхши ўрганилган эмас. Биргаликда ўсаётган замбуруғлардан бири иккинчисини ҳосил қилмайдиган бирор ўстирувчи модда, витаминалар каби моддалар ҳосил қилса ажаб эмас.

Замбуруғлардаги антогонистик муносабатлар бирмунча яхши ўрганилган. Турли замбуруғлар ёки бошқа микроорганизмлар биргаликда озиқ муҳитида ўстирилганда антибиотиклар деб аталадиган моддалар ажралиб чиқади. Уларнинг айримлари медицинада доривор модда сифатида ишлатилади, чунки улар касаллик туғдирувчи микроорганизмларнинг ривожланишини тўхтатади.

Антибиотик моддалардан пенициллин *Penicillin notatum*, *P. chrysogenum* замбуруғларидан олинади.

Микроорганизмлардаги антогонистик муносабатларни XIX асрнинг иккинчи ярмида рус олимларидан В. А. Манассин, А. Г. Плотебнов ва И. И. Мечниковлар ўрганганлар. Иккинчи жаҳон уруши даврида пенициллин ажратиб олиниши бу борадаги илмий изланишларни кучайтириб юборди. Ҳозирги пайтда турли микроорганизмлардан ажратиб олинадиган биомицин, тетрациклин, террамицин, левомицин, нистатин каби антибиотиклар медицинада кенг қўлланилади. Уларнинг айримларидан чорвачиликда, ветеринарияда ва ўсимлик касалликларига қарши курашишда фойдаланилади.

## БАГРЯНКАЛАР КЕНЖА ОЛАМИ — — RHODOBIONTA

### ҚИЗИЛ СУВЎТЛАР БЎЛИМИ — RHODOPHYTA

Қизил сувўтларнинг кўп ҳужайрали талломи оддий ёки тармоқланган ип, пластинка ва поя ҳамда баргсимон қисмларга ўхшашиб тузилишда бўлади. Уларнинг талломи қўнғир сувўтлар сингари йирик бўлмай баъзиларида гина 2 м гача етиши мумкин. Қизил сувўтларнинг чучук сувларда учрайдиган бир неча турларидан бошқа деярли ҳаммаси денгизларда субстратларга бириккан ҳолда учрайди. Улар сувнинг 20—40 м, баъзи ҳолларда

ёруглик етарли даражада ва бирикиш учун субстрат юмшоқ бўлса 100—200 м чуқурликда ҳам ўсаверади. Қизил сувўтларнинг ҳужайра пўсти ички целлюлоза ва ташқи пектин моддасидан иборат. Бу модда кўпинча сувўти талломининг шилимшиқланишига сабаб бўлади. Цитоплазманинг бирмунча қуюқлиги ташқи муҳит шароитининг ўзгариши билан тезда талломнинг сўлиб қолишига олиб келади. Хлоропласти лентасимон ёки диск кўриннишида бўлиб, хлорофилдан ташқари каротин, ксантофилл, фикроэритрин ва фикроцианин пигментлари бу сувўтларга оч-пуштидан то қорамтири-қизғиши тусгача ранг беради. Сувўт талломи сувнинг юзароқ қисмида бўлса унинг ранги оқ-қизилроқ, чуқурликка тушиши билан фикроэритрин пигментининг миқдори кўпайиб, унинг ранги тобора ортиб боради. Фотосинтез жараёнида запас озиқ модда сифатида «қизил крахмал» деб аталувчи полисахарид ҳосил бўлади. Бу модда химиявий хусусиятига кўра амилопектин ва гликогенга яқин туради.

Қизил сувўтларнинг кўпайиши бирмунча мураккаб бўлиб, бошқа сувўтларнинг кўпайишидан фарқ қиласди. Вегетатив кўпайиши субстрат бўйлаб жойлашган талломнинг қисмларидан янги вертикал жойлашган «новда» ҳосил бўлиши билан амалга ошади. Бундай кўпайиш содда тузилишга эга бўлган бангиялар синфиға оид турларда учрайди, холос.

Жинссиз кўпайишида ҳар хил споралар етишади. Бангиялар синфиға мансуб турларда жинссиз кўпайишида моноспоралар ҳосил бўлиб, улар хивчинсиз ва пўстсиз амёбасимон ҳаракатланади. Флоридалар синфининг кўпчилик турларида одатда тетраспоралар етишади. Улар ҳосил бўладиган ҳужайралар тетраспорангий дейилади. Тетраспоралар биттадан ёки группа бўлиб жойлашади. Баъзи қизил сувўтларда спорангий бир неча марта бўлиниши натижасида полиспора ҳосил бўлади. Бу споралар бироздан сўнг пўст билан ўралади ва субстратга жойлашиб олади, ундан жинсий йўл билан кўпаядиган гаметафит етишади. Жинсий кўпайишида одатда флоридалар синфида ва юксак тузилишга эга бўлган бангиялар синфининг баъзи вакилларида учрайди. Жинсий кўпайиш оогамия тарзида ўтади. Эркак ва урғочи гаметаларда хивчин бўлмайди. Урғочи гамета уруғлангандан сўнг ташқарига чиқмай талломнинг ўзида қолади. Эркак гаметалар спермацит дейилиб, у сув оқими ёрдамида пассив ҳаракатланади. Спермацийлар махсус ҳужайра сперматангийларда биттадан етишади ва уларнинг тўплами соруслар дейилади. Урғочи жинсий орган — оогонийни қизил сувўтларда карпогон деб аталади. У ингичка, чўзиқ бўғизли колбага ўхшаш бўлиб, ости қоринча, бўйни эса трихогина деб аталади. Карпогоннинг ядрosi одатда унинг қоринча қисмида жойлашади. Етилган спермаций сув оқими билан карпогонга, ундан трихогина га унинг ички қисми орқали ядрosi билан қўшилади ва зигота ҳосил қиласди. Зигота ривожланиб карпоспорага айланади. Карпоспоралар ўсиб, янги, энди жинссиз кўпаядиган индивидга айланади. Қизил сувўтлардаги жинссиз ва жинсий кўпайиш

сувўтнинг ривожланиш даврида навбат билан рўй беради. Кўпчилик ҳолларда жинссиз ва жинсий кўпайиш органлари ҳар хил талломда ривожланади. Жинссиз кўпайишда иштирок этадиган споралар — сапрофитда; оогоний ва сперматангийлар — гаметофитда етишади. Қизил сувўтлар бўлими талломни морфологик тузилишига кўра иккита, яъни: бангиялар — *Bangiophyseae* ва Флоридея — *Florideophyceae* синфларига бўлинади.

### Бангиялар синфи — *Bangiophyceae*.

Бу синфга талломи содда тузилган, оддий ипсимон, колониал, кўп ҳужайрали, икки қават ҳужайралардан иборат пластинкасимон шаклли сувўтлар киради. Кўпайиши жинссиз моноспоралар ёрдамида амалга ошиб, жинсий кўпайиш юксак тузилишга эга бўлган турлардагина учрайди. Айрим турлари чучук сув ҳавзаларида ҳам кенг тарқалган.

Бу синф вакиллари унча кўп эмас. Лекин бу синфнинг энг характерли вакили бўлган бангиялар тартиби устида тўхталамиз.



### Бангиялар тартиби — *Bangiales*

Кўпинча улар бир қатор ҳужайралар тузилмасидан ташкил топган ипсимон ёки пластинкасимон кўринишда бўлади. Бангиялар тартибининг вакиллари чучук сув ҳавзалари ва денгизларда учрайди. Чучук сувларда учровчи бангия ва денгизларда тарқалган порфира шу тартиб вакилларидир.


**Бангия — *Bangia atropurpurea*** (39-расм). Ривожланишининг дастлабки босқичида талломи бир қатор жойлашган ҳужайралардан ташкил топган бўлиб, ўсган сари ҳужайралар бўйига бўлиниб, ипсимон кўп қаторли кўринишни ҳосил қиласди. Ҳужайралари бир ядроли, юлдузсимон хроматофори унинг марказида жойлашган. Вояга етган таллом субстратга базаль ҳужайра — товон билан бириккан ҳолда, совуқ чучук сув ҳавзаларида яшайди. Бу сувўт айниқса, Фаргона водийсининг тезоқар чучук сув ҳавзаларида кўп учрайди.

**Порфира — *Porella tenera*** (40-расм).

Унинг нозик, оч пушти рангдан то, қорамтириқизил ранггача кўринишдаги талломининг узунлиги 20—30 см келади. Талломнинг қирғоғи дастлаб текис, кейинчалик тўлқинли, овалсимон, ланцетсимон, эни 10 см гача этадиган пластинка кўринишида бўлади. Субстратга ёки бошқа



39-расм. Бангия — *Bangia atropurpurea*: А — талломнинг ризоидли қисми; Б — кўп қатор ҳужайрали талломнинг бир қисми.



40-расм. Порфира — *Porphyra tenera*: А — умумий күриниши; Б, 1 — спермато-  
гонли; 3 — карпоспорали кесмаси.

сувўтлар талломига ризоидлари орқали бирикади. Пластишка бир қатор (баъзи турларида икки қатор) ҳужайралардан ташкил топган. Жинссиз кўпайиши вегетатив ҳужайраларнинг бўлниши натижасида ҳосил бўладиган моноспоралар ёрдамида амалга ошади. Вегетатив ҳужайралардан жинсий органлар: антеридий ва карпогон ҳосил бўлади. Порфиранинг баъзи турларида карпогон калта трихогина билан таъминланган. Антеридий майда, рангсиз бўлиб, унда битта ҳаракатланмайдиган ҳужайра — спермаций ҳосил бўлади ва у сув оқими билан карпогонга келади. Уларнинг қўшилишидан ҳосил бўлган зигота бўлниб 8—16 та гаплоид карпоспора, улардан эса янги порфира ҳосил бўлади. Порфири озиқ-овқат сифатида истеъмол қиласа бўлади. Баъзи бир денгиз атрасфи мамлакатларида, масалан, Японияда порфири «қизил салат» деб юритилиб, у ўзига хос таъмга эга бўлганлиги учун маҳсус кўпайтирилади ва истеъмол қилинади. Порфира денгиз қирғоқларида субстратга бириккан ҳолда ўсади.


## Флоридеялар синфи — Florideophyceae

Бу синф қызил сувүтларнинг жуда кўп турларини ўз ичига олиб, хилма хил тузилиши, шакли ва ҳажми билан характерланади. Ҳужайра пўстида кўплаб тешикчалар бўлиб, улар орқали ён ҳужайраларни протопласти билан ўзаро боғловчи цитоплазматик тутамлар ўтади. Цитоплазмада битта ёки бир неча ядробўлади. Хроматофорлари бир неча, пиреноидлар йўқ. Жинсиз кўпайиши микроспоралар ва тетраспоралар ёрдамида амалга ошади. Изоморф жинсларнинг галланиши рўй беради. Флоридеялар синфи 6 та тартиби бўлинib, улардан энг характерлилари устида тўхталамиз.

### Немалиялар тартиби — Nemaliales


Бу тартибга тузилиши жиҳатдан содда, кўпинча чучук сувъавзаларида учрайдиган турлар киради. Бу тартибининг энг характерли вакили батрахоспермумдир.

Батрахоспермум — *Batrachospermum moniliforme* (41-расм).



41-расм. Батрахоспермум — *Batrachospermum moniliforme*: А — умумий кўриниши; Б — ассимиляторлар; В — ёш талломи.

Унинг талломи сарғиш-қўнтирик рангдаги «шохча» кўринишида бўлади. Бу «шохча»лар тўплами бирнече хроматофорли майдада ҳужайралардан иборат бўлиб, ассимиляция жараёнида асосий роль ўйнайди, шунга кўра улар ассимиляторлар деб аталади. Ҳужайра цитоплазмасида пиреноидсиз пластинкасимон хроматофори бор. Жинссиз кўпайиши моноспоралар ёрдамида, жинсий кўпайиши эса оогамия йўли билан боради. Қизил сувўтларнинг чучук сув ҳавзаларида учрайдиган турларидан ушбу вакилини йирик кўлларнинг қирғоқларида, баъзи зовурларда турили сув ости субстратларига ёпишган ҳолда учратиш мумкин.



42-расм. Анфельция — *Anfelta plicata*. Умумий кўриниши.

### Гигартиналар тартиби — Gigartinales


Морфологик ва анатомик тузилиши жиҳатидан бир-биридан жескин фарқ қиласидиган, хилма-хил кўринишга эга бўлган сувўтлар киради. Бу тартибининг типик вакили анфельциядир.

**Анфельция** — *Anfelta plicata* (42-расм). Унинг талломи 10—15 см узунликда, дихотомик шохланган, ипсисимон кўринишида. Анфельция вегетатив ва жинссиз моноспоралар ҳосил қилиш йўли билан кўпаяди. Анфельция денгизлар қирғоғида, дастлаб тошлар ва қояларга талломнинг асоси билан ёпишган ҳолда ўсиб, кейин сув юзасида қалқиб ўсади. Тинч океан ва Атлантика океани денгизлари қирғоқларида кўп учрайди.

### Церамиумлар тартиби — Ceramiales

Бу тартибга морфологик ва анатомик тузилиши жиҳатидан мураккаблашган, кўпинча юксак ўсимликларга ўхшаб «поя» ва «барг» ҳосил қиласидиган хилма-хил кўринишдаги турлар киради. Мазкур тартиб характерли турларидан бири делессериядир.

**Делессерия** — *Delesseria* (43-расм). Қизил сувўтларнинг энг мураккаб тузилган тури. Унинг талломи қизил рангнинг турли кўринишларида бўлади. Рангининг интенсивлиги сув ҳавзаларидаги яшаш шароитига — уни сув юзасида қанчалик чуқурликда ўсаётганлигига боғлиқ. Талломининг узунлиги 80 см гача



43-расм. Делессерия — *Delesserta*. Умумий күриниши.

етади. У калта бандли, шакли наштарсимон, узунлиги 10 см гача, барг пластинкаси томирлаган бир қатор ҳужайралар түлламидан ташкил топган. Кирраси текис ёки түлқинсимон. «Барг» томирлари йирик, рангсиз бир неча қатор жойлашган ҳужайралардан иборат. Улар устини хроматофорли майды ҳужайралардан иборат пўст ўраб туради. Кўпайиш органлари кўпинча маҳсус «барглар»— спорофилларда ҳосил бўлади. Делессерия денгизларнинг сублиторал қисмида, тошлар ва бошқа субстратларга ёпишган ҳолда ўсади.

Қизил сувўтлар кишиларнинг хўжалик фаолиятида кенғфойдаланилади. Улардан родимения ва порфира озиқ-овқат сифатида кўплаб ишлатилади. Қизил сувўтлар таркибидаги шилимишиқсимон моддалардан, айниқса, анфельция ва гелидиумдан агар моддаси ажратиб олинади. Агар микроорганизмлар ўстириш учун тайёрланган озиқ муҳитини қотиришда, медицина препаратлари тайёрлашда, кўпроқ озиқ-овқат саноатида ишлатилади. Қизил сувўтларни қуритиб чорва молларига озиқ сифатида берилади ва куйдирисиб минерал ўғит сифатида ишлатилади.

Қизил сувўтлар қадимги сувўтлардан бўлиб, қолдиқлари бўр даври ётқизиқларидан топилган. Олимларнинг кўпчилиги қизил сувўтлар археозой эрасида пайдо бўлган деб қарашади. Бошқа сувўтлар билан солиширганда ўзаро алоқадорлик белгилари жуда кам. Кўк-яшил сувўтларга бироз ўхшашлик томонлари бор, таркибидаги фикоэритрин ва фикоксантин пигментлари, қизил крахмали кўк-яшил сувўтлариникига ўхшаш. Ҳар иккала сувўтлар группасида ҳаракатли давр йўқ. Бангиялар синфининг вакилларида жинсий кўпайишнинг учрамаслиги уларни кўк-

яшил сувўтларга янада яқинлаштиради. Шунга қарамасдан қўк-яшил ва қизил сувўтлар келиб чиқишида мустақил ҳолда ривожланган деб қаралади (12-расм). Юқорида қайд қилинган ўхашашликлар бу сувўтлар группалари бир хил геологик даврда ривожланганлиги туфайли рўй берган деган фикр кўпроқ тарқалган.

### Ҳақиқий сувўтлар кенжা олами — Phycobionta

Сувўтлар — тубан фотоавтотроф ўсимликлар бўлиб кўпчилити сувда яшайди. Систематик жиҳатдан бир қанча бўлимлар йигиндиси, бир-биридан пигментларининг тўплами ва фотосинтез аппаратининг структураси, запас хивчинларининг тузилиши бўйича фарқланади.

**Сувўтларнинг структураси.** Сувўтлар морфологик тузилишлаги кўра қўйидаги структура кўринишларида бўлади.

1. Монад-ҳаракатли структура. Бу хивчинли тузилиш. Бир ҳужайрали, колониал хивчин билан таъминланган сувўтлар киради.

2. Ризоподиаль ёки амёбасимон структура. Қаттиқ ҳужайра пўсти бўлмаган, цитоплазматик ўсимталар ҳосил қиласидиган сувўтлар киради.

3. Пальмеллоид структура. Ҳаракатланмайдиган, ҳужайраси шилимшиқ модда билан ўралган сувўтлар киради.

4. Коккоид-шарсимон структура. Ҳаракатланмайдиган, бир ҳужайрали ва сферик колониал тузилган сувўтлар киради.

5. Ипсимон структура. Оддий ёки тармоқланган ип кўринишидаги сувўтлар киради.

6. Гетеротрихаль структура. Ипсимон шаклдаги турли хил йўғонликдаги ип тузилишга эга бўлган сувўтлар киради.


7. Пластинкасимон структура. Тағаси оддий, пластинкасимон, бир, икки ёки бир неча қават ҳужайралар тўпламидан иборат сувўтлар киради.

8. Сифонсимон структура. Ҳужайраси кўндаланг деворсиз, талломи кўпинча йирик, тармоқланган, расмий равишдаги ҳужайраси йўқ, яхлит, гўё бир ҳужайрадан иборат сувўтлар киради.

9. Ҳарасимон структура. Фақат хара сувўтларга хос, кўп ҳужайрали, «илдиз», «поя», «барг» тузилишга эга бўлган сувўтлар киради.

**Кўпайиши.** Сувўтлар вегетатив, жинсиз ва жинсий йўллар билан кўпаяди.

Вегетатив кўпайиш бир ҳужайралиларда, оддий иккига бўлинниш, колонияларда колонияни бўлиниб кетиши, она колониянинг ичida янги колония ҳосил бўлиши (вольвоксларда, кўпчилик протококкларда), ипсимон сувўтларда ипнинг бир неча бўлакларга бўлиниб кетиши ва бъязи сувўтларда вегетатив кўпайиш учун маҳсус органларни (хараларда тугунаклар) ҳосил бўлиши билан амалга ошади.



44-расм. Сувўтларда жинсий кўпайишнинг турлари.

зи сувўтларнинг жинсиз кўпайиши натижасида ҳосил қилган споралари ҳаракатсиз (хивчинсиз) бўлиб, уларни апланоспора дейилади.

Жинсий кўпайиш сувўтларда хологамия — бир ҳужайрали иккита индивиднинг бир-бири билан қўшилиши; изогамия — катталиги ва тузилиши жиҳатидан бир хил бўлган гаметаларнинг ўзаро қўшилиши; гетерогамия — ҳаракатчан, турлича катталикдаги иккита гаметаларнинг бир-бири билан ўзаро қўшилиши; оогамия — иккита ўзаро қўшиладиган гаметалардан бири йирик, ҳаракатланмайдиган тухум ҳужайра билан серҳаракат, нисбатан кичик, хивчинли сперматозоиднинг ўзаро қўшилиши орқали амалга ошади.

Жинсий кўпайишнинг яна бир формаси — коньюгацияда иккита ўзаро қўшилувчи ҳужайра бир-бирлари билан ўсимталар орқали бирлашиб, ўзларининг борлиқ қисми — цитоплазмаси билан қўшувлари канал орқали кўпайнишидир (44-расм). Гамета ҳосил қилувчи сувўт ҳужайрасига гаметангий дейилади. Оогамия жинсий жараёнида иштирок этиб тухум ҳужайраси ҳосил бўладиган ҳужайрага оогоний, сперматозоидлар ҳосил бўладиган ҳужайрага антеридий деб юритилади.

Агар ўзаро қўшилувчи гаметалар битта талломда ҳосил бўлса бундай сувўтларни гометалломли; қўшилишда иштирок этувчи гаметалар турли талломларда юзага келган бўлса, гетероталломли сувўт дейилади. Жинсий жараён маҳсулида доимозигота ҳосил бўлади. Зигота пўст билан ўралиб чучук сувўтларда тиним даврини ўтгандан сўнг денгиз сувўтларда ҳосил бўлиши биланоқ униб ўсабошлайди. Зиготанинг унишидан бевосита янги сувўт намоён бўлиши ёки дастлаб зооспора ва ундан эса янги сувўт ҳосил бўлиши мумкин.

Жинсий жараёндаги ҳужайра ядроларининг ўзаро қўшилиши

Жинсиз кўпайиш сувўтларда маҳсус она ҳужайрадан ҳужайра ажralиб чиқиши яъни спора ҳосил бўлиши билан боради. Кўпчилик споралар хивчинлар ёрдамида ҳаракатланадиган, маҳсус қобиқ билан ўралмаганлиги учун уларни зооспоралар деб аталади. Одатда кўп миқдорда, баъзан биттадан спора ҳосил бўлади. Зооспоралар маълум вақт сувўда сузиб юриб, хивчинлари ни ташлайди, пўст билан ўралиб ўсади ва янги сувўт ҳосил қилади. Баъзи сувўтларда жинсий кўпайишнинг турлари.

диплоид ядро ҳосил бўлишига олиб келади. Маълумки, диплоид сондаги хромосомадан гаплоид сонли хромосоманинг юзага келиши ҳужайранинг редукцион бўлиниши натижасида рўй беради. Ҳужайранинг редукцион бўлиниши турли систематик группанинг сувўтларида ҳаёт жараёнларининг турли даврларига тўғри келади. Кўпчилик сувўтларда зиготадаги ядро дастлаб редукцион бўлинади, шунинг учун бу сувўтнинг ҳаёти доимо гаплоид даврда ўтади. Баъзи сувўтларда эса жинссиз авлод билан жинсий авлоднинг алмашиниб туриши ва редукцион бўлиниш ҳудди юксак ўсимликлардагидек спора ҳосил қилиш билан боради.

Сувўтларнинг асосий қисми сувли муҳитда, сувнинг юзасида, бошқалари сув остида (бентосда), турли предметларга ёпишган ҳолда яшайди. Баъзи сувўтларни нам тупроқ юзасида, дарахт шўстлоқларида ҳам учратиш мумкин.

### ЯШИЛ СУВЎТЛАР БЎЛИМИ — CHLOROPHYTA

Бу бўлим бошқа сувўтлардан турларининг кўплиги, рангининг тиниқ — яшиллиги, жинсий кўпайишининг хилма-хиллиги ва табиатда кўп тарқалганлиги билан ажralиб туради. Тахминий ҳисобларга кўра яшил сувўтларнинг ҳозирги пайтда 20000 га яқин тури бор.

Улар талломининг соф яшил, юксак ўсимликларга ўхшаш ранги таркибида хлорофилл *a* ва *b*, ва  $\beta$  каротинлари, ксантофилл пигментларининг 10 га яқин турлари борлиги билан ҳам характерланади. Баъзи турлари ўз ҳаёти даврида запас озиқ модда сифатида тўпланувчи қизил пигмент — гематохром билан бўялиши ҳам мумкин. Запас озиқ модда сифатида асосан крахмал, баъзан эса мой тўпланади.

Яшил сувўтлар морфологик жиҳатдан бир ҳужайрали, ценобиал, колониал ва кўп ҳужайрали бўлиши мумкин. Структура жиҳатдан монад (ҳаракатчан), коккоид (ҳаракатсиз шарсион), пальмеллоид (шилимшиқ пўстли), ипсимон кўринишнинг турли шакллари, пластинкасимон ва сифонсимон (ҳужайрасиз) тузилишга эга. Ўлчами бирнече микрондан тортиб макроскопик бир неча ўн см га этиши мумкин. Кўпайиши вегетатив, жинссиз ва жинсий йўллар билан боради. Буларда наслларнинг галланиши яхши ифодаланган. Вегетатив даврида гаметофит насл устунлик қиласи, сапропит насл эса кўпинча зиготадан бошлиниди. Вегетатив кўпайиш бир ҳужайралиларда оддий бўлиниш: ипсимон ва колонияларда уларни бўлакларга бўлиниб кетиши ёки она колония ичida янги қиз колониялар ҳосил қилиши билан боради.

Жинссиз кўпайиши зооспоралар ёки хивчинсиз апланоспоралар вужудга келиши билан амалга ошади. Жинсий кўпайиши хологамия, изогамия, гетерогамия, оогамия йўли билан боради. Ҳосил бўлган зигота, қалин пўст билан ўралиб чучук сувларда яшовчи турларида тиним даврини ўтагандан сўнг, денгизларда

тарқалғанларида эса бу даврни ўтамай ҳосил бўлиши биланоқ унабошлайди.

Яшил сувўтлар асосан чучук сув ҳавзаларида, қисман денгизларда яшайди. Уларнинг баъзиларини нам тупроқлар ва дараҳт пўстлоқларида кўплаб учратиш мумкин. Яшил сувўтлар бўлими 5 синфга бўлинади:

1-синф. Вольвокслар — *Volvocophyceae*. Вегетатив танаси хивчинлар ёрдамида ҳаракатланадиган бир ҳужайрали ва колониал шаклли сувўтлар киради.

2-синф. Протококклар — *Protococcophyceae*. Вегетатив танаси ҳаракатсиз, қалин пўстли бир ҳужайрали ва колониал шаклли сувўтлар киради.

3-синф. Улотриклар — *Ulothrichophyceae*. Кўп ҳужайрали ипсимон ва турлича мураккаблашган пластинкасимон шаклли сувўтлар киради.

4-синф. Сифонлилар — *Siphonophyceae*. Ҳужайрасиз, бир ва кўп ядроли, ташқи кўриниши ипсимон шаклли сувўтлар киради.

5-синф. Конъюгатлар ёки маташувчилар — *Conjugatophyceae*. Бир ҳужайрали ва ипсимон шаклли симметрик тузилган, жинсий кўпайиши конъюгация йўли билан ўтадиган сувўтлар киради.

### Вольвокслар синфи — *Volvocophyceae*

Бу синфга яшил сувўтларнинг ҳаёти ҳаракатчан ўтадиган, тузилиши энг содда бўладиган вакиллари киради. Бир ҳужайрали, қисман ценобиал ва вольвоксларга мансуб вакилларигина колониал тузилган. Ҳар бир ҳужайранинг олдинги қисмida бирхил узунликда иккита хивчини бор. Ҳужайра пўсти пектин моддаси, целлюлозадан иборат бўлиб, протопластига тифиз ёпишиб туради.

Вольвокслар бир ядроли. Шарсимиён ядро ҳужайра марказида жойлашган, бироз олдинга ёки орқага силжиган бўлиши мумкин. Хроматофори битта, кўпинча косасимон, йирик пиреноидли. Фотосинтез натижасида крахмал, мой ва волютин ҳосил қиласи. Хроматофорнинг олдинги қисмida қизил рангли «кўзча» жойлашган, қисқарувчи вакуолалари бор.

Вольвокслар вегетатив, жинсиз ва жинсий йўл билан кўпаяди. Уларни кўпинча суви оқмайдиган ҳавзаларда — кўлмаклар, ҳовузлар, шолипоялар, кўллар ва нам тупроқларда учратиш мумкин.


Вольвоксларнинг табиат ва кишилар ҳаётидаги аҳамияти катта. Вольвокслардан сув ҳавзаларини биологик анализ қилиш, уларни ифлосланганлик даражасини кўрсатувчи омил сифатида фойдаланилади. Ифлосланган сувни актив тозаловчи санитарлар ва сапропель ҳосил қилувчи агентлар сифатида ҳам аҳамиятли. Баъзи турлари сувни яшил ёки қизил «гуллашини» ҳосил қилиб, улардан амалий ишда кенг фойдаланиладиган каротин олинади.

Вольвокслар синфи асосан икки — хламидомонадалар (*Chlamydomonadales*) ва вольвокслар (*Volvocales*) тартибларига бүлинади.

### Хламидомонадалар тартиби — *Chlamydomonadales*.

Бу тартибга бир ҳужайрали, күзга аниқ ташланиб турадиган пүст билан ўралган, икки ёки түрт хивчинли, шар ёки овал шаклдаги сувұтлар киради. Тартибининг ҳамма вакиллари яхши исидиган, күлмак, бироз ифлосроқ сувларда ҳамда нам тупроқтарда кенг тарқалған. Бу тартибининг әнг характерли вакили хламидомонада ҳисобланади.

**Хламидомонада — *Chlamydomonada* (45-расм).** Бир ҳужайрали ва ҳаракатчан, шакли шарсимон ёки тухумсимон, олдинги қисмида иккита тенг узунликдаги хивчини бор. Ҳужайра протопластдан аниқ ажралиб турадиган пектин моддали пүст билан ўралған. Ҳужайрада уни ички қисмини түлдириб турадиган йирик косачасимон хроматофори бор, унинг остки қисмини қалинлашган жойида шар күринишидаги пиреноид жойлашған. Хроматофорнинг юқори қисмида, аниқ күриниб турадиган қизил рангли «күзча» бор. Уни стигма деб юритилади. Хивчинлар чиқадиган жойнинг атрофика күпинча қисқарыб турадиган иккита вакуола бор. Жинсий ва жинссиз йўл билан кўпаяди. Хламидомонада изогамия йўли билан, жинсий кўпайғандан она ҳужайрада зооспораларга ўхшаш, лекин улардан кичикроқ ва кўпроқ (32—64 та гача) изогаметалар ҳосил бўлади. Уларнинг жуфтжуфт бўлиб қўшилиши натижасида ҳосил бўлган зигота кўп қаватли целялюзоздан ташкил топған парда билан ўралиб, қизил рангда бўлади. Зигота тиним даврини ўтаганидан сўнг, қулай шароит вужудга келиши билан унинг диплоид ядроси редукцион йўл билан бўлинниб түртта зооспора ҳосил қиласи ва уна



45-расм. Хламидомонада — *Chlamydomonada*:  
1 — умумий күриниши;  
2 — палмеллоид ҳолати.


Бошлайди. Хламидомонада жинссиз күпаяётганда ҳаракатдан тұхтаб, хивчинларини ташлайди. Протопласти бўйига қараб 2—4 ёки 8 га бўлинади. Бўлинган ҳар бир бўлак пўст ва хивчинлар ҳосил қилиб она ҳужайранинг шилимшиқли пўстидан ҳаракатчан хламидомонада кўринишида ташқарига чиқади. Хламиномонадани органик моддалар билан ифлосланган оқмайдиган сув ҳавзалари, кўлмакларда, ҳовузларда, шолипояларда, аквариум сувларида кўплаб учратиш мумкин. Қулай шароит яъни озиқ моддалар кўп, ҳарорат ва ёруғлик етарли бўлганда улар жуда тез кўпайиб сувни турли органик ифлосланишлардан тозалаш хусусиятига эга. Бундай сувлар кўпинча зангори ранга кириб, бу ҳолатга сувни «гуллаши» дейилади. Хламиномонадани яшил рангга кирган нам тупроқ юзасида ҳам кўплаб учратиш мумкин.

### Вольвокслар тартиби — Volvocales

Бу тартибга вольвокслар синфининг ценобиал ва колониал тузилган, ҳар бир ҳужайраси хламидомонадага ўхшашиб сувтлар жиради. Кўпайиш даврида ҳосил бўлган қиз ҳужайралар тарқалиб кетмай, улар она ҳужайра ёнида қолади. Ҳужайранинг шакли, сони ва уларнинг шилимшиқ парда ичидаги жойлашиши турлича бўлади. Вольвокслар тартибининг вакиллари ҳам ифлосланган турли кичик сув ҳавзаларида кенг тарқалган. Гониум, эндорина, пандорина ва вольвокс шу тартибининг вакиллариdir.

**Гониум** — Gonium (46-расм, 1). Танаси 16 ҳужайрадан иборат ценобийни ташкил қилади. Ценобийдаги ҳужайралар бирбiri билан умумий пўст орқали бирикиб, тугмачасимон шакл ҳосил қилади. Ташқи томондан рангиз, шилимшиқсимон парда билан ўралган. Ҳужайралар ценобийда бир қатор жойлашиб, уларнинг олдинги қисми ва хивчинлари ташқи томонга йўналтан. Гониум жинссиз кўпайганда қиз ценобийлар ҳосил қилади. Бунда она ценобийнинг ҳар бир ҳужайраси узунасига бўлиниб 16 ҳужайра ҳосил қилади. Бундай йўл билан ҳосил бўлган янги ҳужайралар иккитадан хивчин ҳосил қилиб, шилимшиқсимон парда билан ўралади ва янги қиз ценобийларни вужудга келтиради. Қиз ценобий она ценобий пўстини емириб ташқарига чиқади. Гониум жинсий изогамия йўли билан ҳам кўпаяди. Бу сувтлар таркибида азотли органик моддалар кўп бўлган кўлмак, шолипоя ва эски ҳовуз сувларида кенг тарқалган.

**Эвдорина** — Eudorina (46-расм, 2). Эллипсимон, шилимшиқсимон умумий пардага ўралган, тартиб билан жойлашган 32 ҳужайрадан иборат ценобиал сувт. Эвдоринанинг хламидомонадага ўхшашиб ҳужайралари ценобийнинг четки қисмида жойлашган. Ҳужайранинг олдинги қисмидан чиққан хивчинлар шилимшиқсимон умумий пардадаги каналчалар орқали ташқарига чиқади. Ценобийнинг ҳар бир ҳужайраси навбат билан бўлиниб, 32 ҳужайрали қиз ценобийни ҳосил қилади. Бу ерда ценобий ҳаракатдан тұхтайди. Жинсий кўпайиши гетерогамия



45-расм. Вольвокслар — *Volvocales*: 1 — гониум — *Gonium*; 2 — эвдорина — *Eudorina*; 3 — пандорина — *Pandorina*; 4 — вольвокс — *Volvox* колонияларининг кўриниши.

йўли билан амалга ошади. Эндорина гониум сингари, эски ҳовуз ва шолипоя сувларида кенг тарқалган.

**Пандорина — *Pandorina*** (46-расм, 3). Эллипссимон, ценобийси серҳаракат 16 ҳужайрадан иборат сувёт. Пандоринанинг ҳужайралари танасида тифиз жойлашганлиги ва бир-бири билан сиқилиши натижасида кўп қиррали кўринишига эга бўлган шакллар ҳосил қилиши мумкин. Пандоринанинг жинссиз кўпайиши ҳам, эвдоринага ўхшаб, қиз ценобийлар ҳосил қилиш йўли билан боради. Жинсий кўпайиши изогамия кўринишида бўлади. Пандоринани ҳам гониум ва эвдорина тарқалган сув ҳавзала-рида учратиш мумкин.

**Вольвокс — *Volvox*** (46-расм, 4). Колонияси шарсимон ёки эллипссимон шаклда бўлиб, ўлчами (диаметри бўйича) 0,5—2,5 мм келади. Колониянинг қаватида 20 мингга яқин хламидомонадага ўхаш ҳужайралар умумий шилемшиқ пўст билан қопланган ва бир-бири билан цитоплазматик боғламлар орқали бириккан. Вольвокс колониясидаги ҳужайралар сифат жиҳатидан бир-биридан фарқ қиласди.

Колонияни асосий қисмини вегетатив ҳужайралар ташкил қиласди. Улар орасида йирик, партеногенетик йўл билан кўпая-

диган ва она колония ичидә қыз колония ҳосил қиласынан репродуктив ұжайраларни ҳам күриш мүмкін.

Вольвокс жинссиз ва жинсий йўл билан күпаяди. Жинссиз күпайишиң колониясидаги партеногонидия деб аталаған репродуктив ұжайраларнинг энига ва бўйига бир неча марта бўлиниши билан боради. У жинсий оогамия йўли билан күпайганда, ооганийда, битта йирик тухум ұжайра ва антерийда 64 тадан сперматозоид ҳосил бўлади. Уларни қўшилиши натижасида қалин пўстли зигота вужудга келади. Тиним даврини ўтаган зиготадан янги вольвокс колонияси ҳосил бўлади. Вольвокс органик моддаларга бой бўлган кўлмак сувларда, ҳовузларда ва шолипояларда кўп учрайди.


### Протококклар синфи — *Protococcophyceae*

Бу синф вакиллари бир ұжайрали, ценобиал, қисман колониал ҳолда учрайди. Асосан шарсимон, баъзан ипсимон шаклда бўлади. Жуда кўпчилиги микроскопик, айрим турларигина йирик тузилиши эга. Кўпайиши оддий бўлиниш, жинссиз — турли хил споралар ҳосил қилиш ва мураккаб тузиленган турларидагина жинсий йўл билан боради. Протококклар оқмайдиган турли хил сув ҳавзаларида кенг тарқалган. Бу синфдан хлорококклар тартиби устида тўхталамиз.

### Хлорококклар тартиби — *Chlorogococcales*

Бу тартибга ҳаракатсиз, бир ұжайрали ва колонияли сув-ўтлар кириб, уларнинг вакиллари ұжайрасининг шакли, хроматофорнинг тузилиши билан бир-биридан фарқ қиласы. Хлорококклар икки, тўрт, саккиз ұжайрали, баъзан бир қанча ұжайралар йигиндисидан иборат бўлиши мүмкін. Ұжайралари турли сферик, ярим ойсимон ва бошқа шаклларда бўлиши мүмкін. Хлорококклар асосан зооспоралар ва автоспоралар ҳосил қилиш йўли билан күпаяди. Хлорококкларни оқмайдиган сув ҳавзалари юзасида, нам тупроқларда учратиш мүмкін. Бу тартибининг энг ҳарактерли ва морфологик жиҳатдан яхши фарқланадиган турлари — хлорококк, хлорелла, анкистродесмус, сценедесмус, педиаструм ва сув тўрларидан иборат.


**Хлорококк** — *Chlorogoccum* (47-расм, A). Унинг шарсимон ұжайраси целлюлозали пўст билан ўралган, бир ядроли. Хроматофори чуқур косасимон кўринишида, ёш ұжайраларда биттадан, вояга етганларида бир нечтадан пиреноиди бор. Ҳар бир ұжайрада 8 та дан 32 тагача зооспоралар ҳосил бўлиб, она ұжайра пўстининг ёрилиши натижасида ташқарига чиқади. Хлорококкнинг жинсий кўпайиши иккита изогаметаларни қўшилиши натижасида изогамия йўли билан боради. Чучук сув ҳавфзаларида, зах ерлар, дараҳт пўстлоқларида ҳамда айрим лишайниклар таркибида учрайди.



47-расм. А. Хлорокок — *Chlōgococcum*: 1 — вояга етган ҳужайра; 2 — зооспораларнинг ҳосил бўлиши; 3 — зооспора; 4 — ёш ҳужайралар. Б — Хлорелла — *Chlorella*: 1 — вояга етган ҳужайра; 2 — она ҳужайрадан автоспораларнинг ҳосил бўлиши; 3 — автоспораларнинг чи иши.

**Хлорелла — *Chlorella*** (47-расм, Б). Диаметри 2—10 микрон келадиган, шарсимон ёки овалсимон шаклдаги, қалин целялюзоза пўст билан ўралган сувўт. Хромотофори чуқур ко-сасимон кўринишда, пиреноиди бўлиши ёки бўлмаслиги ҳам мумкин. Хлорелла ўзининг ўсиш шароитига қараб фотосинтез жараёнида запас озиқ модда ҳолида крахмал мойлар ва волютин тўплайди. Хлорелла жинсиз кўпайганда, она ҳужайрада 4 тадан то 32 тагача автоспора ҳосил бўлади ва она ҳужайра пўсти ёрилган жойидан ташқарига чиқади. Турли чучук сув ҳавзаларида, нам тупроқларда кенг тарқалган. Хлорелла турли лишайниклар таркибида фикобионт ҳолида ҳам яшайди.

**Сценедесмус — *Scenedesmus*** (48-расм, 1). Сценедесмуснинг ценобийси 4—8, айрим ҳолларда 2—16, яssi пластинкасимон, чўзинчоқ ёки шарсимон, бир-бири билан ёнма-ён жойлашган ҳужайралардан ташкил топган. Ҳужайра пўсти асосан целялюзоздан иборат. Ҳужайралар ценобийда бир ёки икки қатор жойлашган бўлиши мумкин. Ценобий силлиқ ёки ғадир-бу-




48-расм. Протококклар: 1 — сценедесмус — *Scenedesmus*; 2 — анкистродесмус — *Ankistrodesmus*; 3 — гедгаструм — *Fediastrum*.

дур, турли майда ўсимталар билан қопланган. Айрим турларининг икки чеккасидаги ҳужайраларида иккитадан, рангсиз, узун, ингичка ўсимталар ҳам бор. Хроматофори ҳужайранинг ҳамма қисмини тұлиқ қоплаб олган. Унинг биттадан пиреноиди ва ядрои бор. Сценедесмус чучук сув планктонида кенг тарқалған. Айрим ҳолларда сувнинг «гуллашига» сабабчи бўлади.

**Анкистродесмус — *Ankistrodesmus*** (48-расм, 2). Анкистродесмус бир ҳужайрали, яримой ёки ўроқсимон шаклига эга бўлган сувёт. Ҳужайрасида биттадан пластинкасимон хроматофори, пиреноиди ва ядрои бор. Анкистродесмус ҳужайралари, одатда, турли тўпламлар, боғламлар кўринишидаги колония ҳосил қиласи. Кўпайиш вақтида унинг ҳар бир ҳужайрасида 2—4 та автоспора етишади, улар она ҳужайра пўстини ёмирилиши билан ташқарига чиқади ва катталашади. Сунъий қурилмаларда анкистродесмус, сценедесмус ва хлореллаларни маҳсус ўстирилади, турли мақсадларда қўлланилади. Турли чучук сув ҳавзаларидан, баъзан захкаш ерларда, дарахт пўстларида кўплаб учрайди.

**Педиаструм — *Pediastrum*** (48-расм, 3). Педиаструмнинг ценобийси тугмасимон кўринишида, унда ҳужайралар тифиз жойлашган. Айрим ҳолларда ҳужайраларо бир ёки бир неча тешикчалар ҳам бўлади. Ценобий атрофидаги ҳужайраларда битта, айрим ҳолларда иккитадан (баъзан 4 та) рангсиз узун ўсимталар бўлиши мумкин. Ҳужайра пўсти целлюзадан ташкил топган, сирти силлиқ ёки ғадир-будур. Хроматофори косасимон, бир пиреноидли, ядрои маҳсус бўёқ билан бўялангандан сўнг кўринади. Педиаструм жинссиз кўпайганда, одатда, зооспоралар ҳосил қиласи. Айрим ҳолларда зооспоралар она ҳужайра ичидаги вояга етиши ёки ценобий ҳосил қилиши мумкин. Педиаструмнинг жинсий кўпайиши изогамия йўли билан боради. Ҳосил бўлган зигота тўртта зооспора ҳосил қилиб, улардан янги педиаструм вояга етади. Турли чучук сув ҳавзаларининг планктонида кенг тарқалған.



49-расм. Сув тўри — *Hydrodictyon reticulatum*: 1 — ценобийнинг бир бўлаги; 2 — она ҳужайрадаги ёш колония; 3 — ценобийнинг бир қисми.

Фори косасимон, бир пиреноидли, ядрои маҳсус бўёқ билан бўялангандан сўнг кўринади. Педиаструм жинссиз кўпайганда, одатда, зооспоралар ҳосил қиласи. Айрим ҳолларда зооспоралар она ҳужайра ичидаги вояга етиши ёки ценобий ҳосил қилиши мумкин. Педиаструмнинг жинсий кўпайиши изогамия йўли билан боради. Ҳосил бўлган зигота тўртта зооспора ҳосил қилиб, улардан янги педиаструм вояга етади. Турли чучук сув ҳавзаларининг планктонида кенг тарқалған.

**Сув тўри — *Hydrodictyon reticulatum*** (49-расм). Сув тўри колониясининг алоҳида ҳужайраси ёпиқ цилиндрик қопчага ўхшаш. Колония ҳужайраларининг 3—4 таси учма-уч бирикиб 5—6 бурчакли тўр ҳосил қиласи. Ҳужайрада элаксимон хроматофори ва кўплаб ядро бўлади. Сув тўри

жинссиз йўл билан кўпайганда, ҳужайрадаги ядролар сони ортади, цитоплазма бир қанча бўлакларга бўлинади, ўша бўлакларнинг ҳар бирига биттадан ядро ва хроматофорнинг бир қисми ҳам ўтади. Улар зооспораларга айланади, натижада битта ҳужайрада бир неча минг зооспора ҳосил бўлади. Зооспоралар она ҳужайра ичидаги ҳаракатланиб ўша ернинг ўзида, янги, ёш сув тўрига айланади. Она ҳужайранинг пўсти ёрилиши билан ёш сув тўри ташқарига чиқиб мустақил яшай бошлайди.

Эндигина ташқарига чиққан ана шу ёш сув тўри она калонияларга ўхшаш бўлиб фақат кичиклиги билан фарқланади. Сув тўри жинсий кўпайганда, уни ҳужайраларида икки хивчинли изогаметалар ҳосил бўлади, улар жинссиз йўл билан ҳосил бўлган зооспораларга ўхшаса ҳам, лекин ҳажми кичикроқ, сони эса кўпроқ бўлади. Гаметалар ташқарига чиқиб сувда жуфт-жуфт бўлиб қўшилиши натижасида қалин пўстга ўралган зигота ҳосил бўлади. Зигота бўлиниб, тўртта зооспора ҳосил қиласи ва улар яна уна бошлайди. Бу сувўт азотли органик моддаларга бой бўлган, оқмайдиган сув ҳавзаларида, айниқса шолипояларда, секин оқар зовур сувларида кенг таралган.


### Улотрикслар синфи — *Ulothrichophyceae*

Бу синфга оддий ва шохланган ипсимон, пластинкасимон, кўпинча субстратга ёпишиб яшовчи турлар киради. Уларнинг ҳажми микроскопик ипсимон шаклдан бирнече ўн см га етувчи макроскопик кўринишда бўлади. Бу синфга улотрикслар — *Ulothrichales*, Хетофоралар — *Chaetophorales*, Эдагонийлар — *Oedagoniales*, Сфероплеялар *Sphaeropleales* тартиблари вакиллари киради.

### Улотрикслар тартиби — *Ulothrichales*

Бу тартибга кўп ҳужайрали ипсимон, кўпчилиги шохланмаган бир ядроли сувўтлар киради. Жинссиз кўпайиши тўртхивчинли зооспоралар ҳосил бўлиши билан боради. Жинсий ҳолда изогамия йўли билан кўпаяди. Бу тартибга улотрикс,ульва ва энтерморфа мисол бўлади.

**Улотрикс** — *Ulothrix* (50-расм). Улотрикснинг шохланмаган оддий или бир-бирига ўхшаш қалин пўстли ҳужайралардан иборат. Улотрикснинг характеристерилик қисми унинг хроматофоридир. У кўпинча пластинкасимон шаклда бўлиб, икки чети бир-бирига томон бир текис қайрилган ҳолда ярим ҳалқани ҳосил қиласи. Хроматофорнинг бундай тузилиши улотрикс ҳужайрасини микроскоп остида қаралгандаги хроматофорни ҳужайраси пўстига яқин қисми икки қаватдан иборат бўлганлиги учун ёруғлик нурини кўпроқ қайтариб тўқ яшил, ўрта қисми эса бир қаватли бўлгани учун оч яшилроқ рангда кўринишига сабаб бўлади. Хроматофорда бир неча пиреноидларни кўриши мумкин. Улотрикс ҳужайраси бир ядроли бўлиб, у маҳсус: бўёқ ёрдамида бўялгандан кейингина кўринади.



50-расм. Улотрикс — *Ulothrix zanata*; А — вегетатив ип; Б — жинсиз кўпайиши; В — жинсий кўпайиши.


Улотрикс ипи ҳужайраларнинг кўндалангига бўлиниши ҳисобига узая боради. Улотрикснинг баъзи ҳужайраларида 2—4 тадан зооспоралар ҳосил бўлса, макрозооспоралар кўплаб ҳосил бўлса микрозооспоралар дейилади. Ҳар бир зооспоранинг 4 тадан хивчини бор.

Зооспоралар она ҳужайрадан шилимшиқсимон пардага ўралган ҳолда ажралиб чиқиб, бироз вақтдан кейин бу парда ёрилиб улар мустақил ҳаракатлана бошлайди.

Улотрикснинг жинсий кўпайиши изогамия йўли билан боради. Бунда она ҳужайрада етилган гаметалар ташқарига чиққандан сўнг уларнинг қўшилиши содир бўлади ва зигота ҳосил қиласди.

Улотрикс тез оқадиган сув ҳавзалари, дарёлар, каналлар, ариқлар, айрим кўл қирғоқларида кенг тарқалган. Аксарият сувнинг юза қисмига яқинроқ жойда узунлиги 10 см гача етадиган яшил иплар кўринишида турли сувости предметларига ёпишган ҳолда учрайди.

**Ульва** — *Ulva* (51-расм). Бу сувётнинг талломи ипсимон бўлмай, балки икки қаватли мураккаб пластинкасимиондир. Пластинкасининг чекка қисми бурамали, узунлиги 25, эни эса 15 см гача етиши мумкин. Ульва пластинкаси субстратга калта ипсимон қисми билан бирикади. Пластинка бир хил тузил-




51-расм. Ульва — *Ulva*. 1 — умумий күриши; 2 — узунасига; 3 — күндалангига кесмаси.

шиниб туради. Мамлакатимиз шимолий шимолинг органик моддалар билан ифлосланган қирғоқларидан кенг тарқалган.

**Энтероморфа** — *Enteromorpha* (52-расм). Бошқалардан қопсимон тузилишга эга бўлганлиги билан фарқ қиласди. Дастреб, субстратга ёпишиб, кейинчалик эркин ҳолда сув бетида қалқиб ҳаёт кечиради. Энтероморфанинг қопсимон талломи аввал икки қатор ҳужайралардан ташкил топган, оддий пластинка шаклида бўлиб, кейин бир-биридан ажраблиб, ўртаси бўш қоп ёки найсимон кўринишни олади. Ҳосил бўлган бўшлиқ ҳаво билан тўлганлиги сабабли энтероморфа талломи сув юзасида кўплаб тўпланади ва қалқиб ҳаёт кечириш имкониятига эга бўлади. Оқадиган чучук сув ҳавзаларида фақат бир тур — *Enteromorpha intestinales* учрайди. Кўпчилик турлари денгизларда, захкаш ва шўрхок сувларда кенг тарқалган.

ган икки қаватли ҳужайралардан иборат. Талломнинг пастки қисмидаги айрим ҳужайраларнинг узун қопсимон ўсимтаси, икки қатор ҳужайраларнинг ўртасида жойлашади. Ульванинг ҳужайра тузилиши улотриксдаги каби фақат хроматофорлари ҳужайра пўсти яқинида жойлашади. Ульва жинсиз, тўрт хивчинли зооспоралар ҳосил қилиш йўли билан кўпаяди. Жинсий кўпайиши изогамия тарзида бўлиб, икки хивчинли гаметалар ёрдамида боради. Жинсиз ва жинсий кўпайишлар изоморф кўринишида алмашиниб туради. Мамлакатимиз шимолий ва жанубий денгизларидан кенг тарқалган.



52-расм. Энтероморфа — *Enteromorpha*. А — умумий кўриши; Б — зооспораларнинг униб ёш талломни ҳосил қилиши.


## Хетофоралар тартиби — Chaetophorales

Бу тартибга мансуб сувўтлар шохланган ипсимон кўришишда бўлиб, талломининг охирги ҳужайраси рангсиз, узун ўсимта ёки тукчалар билан тугайди. Жинссиз кўпайиши тўрт хивчинли зооспоралар ҳосил қилиш йўли билан боради. Жинсий кўпайиши копуляция (изогамия — гетерогамия ва оргамия)нинг ҳамма кўринишларини ўз ичига олади ва икки ёки тўрт хивчинли гаметалар ҳосил қилиш билан ўтади.


Хетофоралар тартиби вакилларидан — стигеоклониум, драпарнальдия, плеврококк ва трентеполияни келтириш мумкин.

**Стигеоклониум** — *Stigeoclonium* топие (53-расм). Субстратга ризоиди билан ёки субстрат бўйлаб кетган бир нечта ипларни йифиндисидан ҳосил бўлган тифиз тўплам-товон ёрдамида бирикади. Бу тўпламдан вертикал йўналишда қарама-қарши ёки дихотомик шохланган ипчалар бошланади ва улар рангсиз узун ўсимта билан тугайди. Стигеоклониумнинг ҳужайра тузилиши ва кўпайиши улотриксникига ўхшаш.

Оқар сув ҳавзаларининг чекка қисмида турли сув ости предметларига ёпишган ҳолда кенг тарқалган. Айрим вакиллари органик моддалар билан ифлосланган сув ҳавзаларида ҳам учрайди.



53-расм. Стигеоклониум — *Stigeoclonium*. Умумий кўриниши.



54-расм. Драпарнальдия — *Draparnaldia*: 1 — талломнинг бир қисми; 2 — базаль қисми; 3 — алоҳида ҳужайраси.

**Драпарнальдия** — *Draparnaldia* (54-расм). Талломи алоҳида, асосий ва ён қисмларига дифференцияланган бир хил түзлишдаги ипларнинг йигинидисидан ташкил топган «шохча» дан иборат. Асосий қисмларининг ҳужайралари йирик, аниқ, ўрта қисми эса бироз кенгроқ бўлади. Драпарнальдия ён қисмларининг иплари калтароқ, қалин «шохланган», бу «шохлар»нинг охирги қисми рангсиз узун ўсимталар билан тугайди. Бундай «шохлар»ни баъзан «ассимиляторлар» деб ҳам юритилиади.

Хроматофорлари элаксимон, четлари нотекис арассимон қўирқилган, энсиз белбоғ кўринишида, кўп пиреноидли. Улар цитоплазмани ўртасида кўндаланг ҳолда жойлашган. Драпарнальдия субстратга ризоидлари ёрдамида бирикади. Кўпайиши жинсиз бўлганда тўрт хивчинли зооспоралар ҳосил қиласди. Жинсий кўпайиши изогамия кўринишида бўлиб, икки хивчинли гаметаларнинг қўшилишидан зигота ҳосил бўлади. Баъзан қизғиши рангдаги алланоспоралар ҳам ҳосил қиласди. Драпарнальдия тез оқар чучук сув ҳавзаларида, кислород билан яхши таъминланган, тиниқ кўл ва ҳовузларнинг қирғоқларида, тўқяшил тўпламлар кўринишида, турли сув ости предметларига ёпишган ҳолда учрайди.

**Плеврококк** — *Pleurococcus* (55-расм, 1). Ҳужайраси шарсимон, биттадан ёки 3—4 таси биргаликда тўп-тўп ҳолда учрайди. Ҳужайра пўсти анча қалин, хроматофори преноидсиз. Кўпайиши ҳужайрани оддий бўлиннишдан иборат. Плеврококк яшил губорлар кўринишида нам тупроқлар юзасида, зах босган деворларда, дараҳт пўстлоқларида, айrim ҳолларда тошлар устида ҳам учрайди.


**Трентеполья** — *Trentepolia* (55-расм, 2, 3). Талломи турли йўғонликдаги ипсимон кўринишга эга. Уларнинг субстрат бўйлаб кетган иплари калта, тармоқланган, осон бўлинниб кетадиган. Кўпинча субстратга ёпишган ҳолдаги бирмунча йирик ҳужайраларини ҳам кўриш мумкин.

Ҳужайралари ясси овалсимон ёки шарсимон, қалин пўстли, айrim ҳолларда кўп қават пўстли. Цитоплазмадаги бир қанча хроматофорлар донадор, пиреноидсиз, баъзан диск шаклида ёки улар бир-бири билан бирикиб маржонсимон кўриниши ҳосил қиласди.

Субстратга ёпишган иплардан ривожланган вертикал ҳолатдаги иплар узун, эллипс ёки цилиндрисимон кўринишга эга, уларнинг учки қисмидаги ҳужайраларда овал ёки шарсимон зооспорангийлар ҳосил бўлади. Зооспорангийлар асосий ипдан осон ажralиб шамол ёрдамида тарқалади.

Жинсий кўпайиши икки хивчинли гаметаларнинг қўшилиши, вегетатив кўпайиши эса ипларнинг алоҳида қисмларини шамол ёки бошқа бирон бир механик таъсиридан узилиб кетиб янги субстратга тушиши билан боради.

Трентеполья нам тупроқда, зах босган деворларда, дараҳт пўстлоқларида қизғиши ёки сарғиш доғлар кўринишида учрайди.



55-расм. 1 — плеврококк — *Pleurococcum*; 2 — тректополья — *Trentopolia*; 3 — палмеллоид ҳолати.

### Эдагонийлар тартиби — Oedagoniales


Ипсимон шохланмаган, бир ядроли; субстратга ёпишиб ўсадиган шаклдаги сувўтлар киради. Эдагонийларнинг характерли белгиси ҳужайра бўлиниши даврида махсус қалпоқча ҳалқачалар ҳосил қилишидир. Жинссиз кўпайишидаги зооспоралари ва жинсий йўл билан кўпайишида ҳосил бўладиган сперматозоидлари кўп хивчинли. Бу тартибнинг энг характерли тури эдагонийдир.

**Эдагоний** — *Oedagonium* (56-расм). Оддий ипсимон, субстратга ризоид ёки «товон» билан ёпишиб ўсуви сувўт, хроматофори элаксимон ёки тўрсимон кўринишдаги пластинкадан иборат, кўп пиреноидли. Эдагонийни бошқа сувўтлардан ажратиб турувчи белгилари — ипнинг айрим ҳужайраларини кўндаланг пўстларида бир неча тифиз жойлашганлиги ва ҳужайра энидан йирикроқ (баъзан тенг) ҳалқачаларни мавжудлигидан

дир. Улар кўпинча цитоплазмаси бўлмаган бўш ёки жонсиз ҳужайраларда ортанийнинг устки қисмида кўндаланг чизиқлар шаклида учрайди.

Ҳалқалар фақат эдагонийга хос бўлган ҳужайра бўлинини натижасида ҳосил бўлади. Цитоплазмани бўлинини ҳужайра ички пўстини ташқарига қараб ҳалқасимон бурма ҳосил қилишига олиб келади. Бурма чўзилганда ҳужайра ташқи пўсти шу бурма таъсиридан ёрилиб айланаси бўйича ҳалқасимон ёриқ ҳосил қиласиди. Бу даврда ядро бўлинниб бурма яна чўзилади. Бўлинган ядрони биттаси чўзилган қисмга ўтгандан сўнг пастки томонида она ҳужайра пўсти ёнидан кўндаланг тўсиқ билан ажрапади. Янги ҳосил бўлган ҳужайрани ўраб олган пўст узун бўлиб, уни энг устки қисмида она ҳужайра пўстини бир қисми қалпоқча кўринишини олади. Оддий пунктир чизиқ шаклида кўринадиган бу «қалпоқча» ҳалқаларни сонига қараб, ҳужайранинг неча марта бўлинганлигини кўриш мумкин.

Доимо дастлабки ҳалқача туттган юқориги ҳужайра бўлинниб, ҳар сафар эски қалпоқча остида биттадан янги ҳужайра ҳосил бўлади. Баъзи йирик эдагоний ҳужайраларининг икки ёнида бурма ҳосил бўлганлигини ва у ҳужайра пўстидан цитоплазма томон йўналганлигини ҳам учратиш мумкин. Эдагонийнинг жинсиз кўпайиши ҳужайрада битта йирик зооспора ҳосил бўлиши билан боради. Зооспора шарсимон ёки тухумсимон бўлиб, тўқ яшил рангда, учининг ички томонида тож шаклида бир қатор жойлашган хивчинлари бор. Оогоний одатда биттадан, баъзан иккита, айрим ҳолда бир нечтаси маржонсимон кўринишда шар ёки овалсимон шаклда бўлиб, унда битта тухум ҳужайра жойлашади. Унинг пўсти кўпинча текис, баъзан бурмали ёки донадор бўлиши мумкин. Оогоний пўстидаги кичкина доирасимон тешикча бўлиб ундан



53-расм. Эдагоний — *Oedagonium*: 1 — алохода ҳужайраси; 2 — ҳужайрадаги жувасимон бурма; 3 — 4 — 5 — ҳужайранинг бўлинини; 6 — зооспоранинг чиқиши; 7 — ёш ўсимта; 8 — сперматозоидларининг чиқиши.

сперматозоид ўтади. Айрим оогонийларда доирасимон тешик ўрнида кичкина тирқиши бўлса у маҳсус қопқоқча билан очилади. Тухум ҳужайра етилганда унинг пўсти жигарранг ёки қизғиш рангда, текис ёки ғадир-будур бўлиши мумкин.

Антеридий айрим ҳужайраларни бирнеча марта бўлиниши натижасида оогонийли ипларда ҳосил бўлиши ёки алоҳида талломда юзага келиши мумкин. Оогоний ва антеридий битта талломда етилса бундай эдагоний бир уйли, алоҳида иплардан ҳосил бўлса икки уйли, деб юритилади.

Эдагонийнинг кўпчилик турларида бир ёки бирнеча ҳужайрадан иборат антеридий, оогоний яқинидаги ҳужайрада эпифит ҳолда кичкина ўсимта — ноннандрий етилади. Сперматозоидлар зооспораларга ўхшаш тузилишда бўлиб, кичикроқ андороспораларда (андроэркак) ҳосил бўлади. Андроспоралар ўз навбатида хроматофорлари энсиз, дисксимон ҳужайраларда — андроспорангийларда етилади. Эдагоний турли сув ҳавзалари қирғоғидаги юксак ўсимликлар ва йирик сувўтлар орасида кенг тарқалган.


### Сфероплеялар тартиби — Sphaeropleales

Бу тартибга кирувчи сувўтлар табиатда кўп тарқалган эмас, лекин улар ўзига ҳос тузилишга эга. Шу сфероплеялар тартибининг энг характерли тури сфероплеядир.

**Сфероплея — Sphaeroplea annulina** (57-расм). Талломи оддий, ипсимон, шохланмаган оч-яшил рангда, ҳужайраси цилиндрисимон шаклда. Унинг узунлиги эндан 3—5 марта катта. Сувда эркин, муаллақ ҳолда яшайди. Хроматофорининг қирраси арра тишли, иккитаси бир-бiri билан ингичка ўсимта ёрдамида бириккан. Ҳар бир ҳалқасимон хроматофорада бир нечтадан пиреноид ва крахмал доначалари бор.

Жинсий кўпайиш натижасида сфероплеяниг узун тўқ яшил талломи гемотохром билан тўлган ооспора ва антеридийлардан иборат қизғиш рангга киради.

Оогонийда тўқ-яшил рангга бўялган тухум ҳужайралар ҳосил бўладиган ипларда хроматофорлар сарғайиб,



57-расм. Сфероплея — *Sphaeropla*. 1 — алоҳида ипи; 2 — антеридийли ипи; 3 — оогонийли ипла уруғланиш; 4 — алоҳида антеридий.

улар ўрнида икки хивчинли урчуқсимон сперматозоидлар етишади. Улар актив ҳаракат қилиб антеридий ён пўстларида ҳосил бўлган кичик тирқишилардан ташқарига чиқади. Худди шундай тешикчалар оғоний ён пўстларида ҳам ҳосил бўлиб, улар орқали сперматозоидлар ичкарига киради ва оғонийдаги тухум ҳужайра билан қўшилади. Натижада ооспора ҳосил бўлади. Ооспора, дастлаб, юпқа ва силлиқ парда билан ўралади, бу парда остида янги, қирраси юлдузсимон, нотекис иккинчи пўст ҳосил бўлади. Янги пўст таъсирида эски парда тушиб кетади. Ёш ооспоралар тезда қизил рангли гематохромдан иборат мой билан тўлади.

Сфероплея оқмайдиган, кўпинча, азотли органик бирикмалар кўп сув хавзаларида, одатда эрта баҳордан ёзинг ўрталари гача учрайди. Вегетация даври тугагандан кейин уни учратиш қийин.

### Сифонлилар синфи — *Siphonophyceae*

Бу синфга ўзининг алоҳида ҳужайраларга дифференциялашмаган тузилиши билан фарқ қиласидиган яшил сувўтлар киради. Аксарият йирик, мураккаб тузилган, баъзан гигант ҳужайрасида ядро бўлингани билан цитоплазма шундайлигича қолиши натижасида сифонсимон тузилиш ҳосил бўлади. Бу синфдан сифонлилар ва сифонокладиялар тартиби энг характерлидир.


### Сифонлилар тартиби — *Siphonales*

Бу тартибга сифонсимон тузилишга эга бўлган, алоҳида ҳужайраларга бўлинмаган, унинг кўндаланг пўсти фақат таллом узилганда ёки жинссиз кўпайиш учун талломни бир қисмида зооспоралар юзага келгандагина ҳосил бўладиган сувўтлар киради.

Цитоплазмадаги кўплаб диск шаклидаги хроматофорларда хлорофилл доначаларидан ташқари қсантофилл пигментининг маҳсус икки тури: сифонин ва сифоноксантин ҳам бўлади. Цитоплазманинг турли қисмларида кўплаб донасимон ядро-вакуолалар жойлашган.

Бу тартибининг кўпчилик вакиллари тропик ва суви илиқ денизларда тарқалган. Сифонлиларга Қора дениз ва Азов дентизида кўп учрайдиган каулерпа ва кодиум типик мисол бўлади.


**Каулерпа** — *Caulerpa prolifera* (58-расм). Узунлиги 50 см ва бундан ҳам ортиқроқ келадиган йирик, яшил рангли сувўт бўлиб, талломи горизонтал равишда ётадиган цилиндрик танадан ва уни субстратга мустаҳкамлаб турувчи ризоидлар ва юқорига қараб ўсан, баргга ўхшаш ясси қисмлардан иборат. Каулерпа узилган таллом қисмлари ёрдамида вегетатив йўл билан кўпаяди. Ризоидлари ёрдамида қаттиқ субстратлар,



58-расм. Каулерпа  
— *Caulerpa prolifera* нинг умумий-  
кўриниши.

тошлар, сув ости қояларига ва қумли балчиққа ёпишган ҳолда денгиз қирғоқларида кенг тарқалган.

**Кодиум** — *Codium tomentosum* (59-расм). Тааси тиълик сифонсимон тузилишга эга. Кўндаланг ҳужайра девори йўқ. Қора денгизда учрайдиган *Codium tomentosum* субстратга ўзи-



59-расм. Кодиум — *Codium tomentosum*: А — умумий кўриниши; Б — бир қисмининг узунасига кесмаси.

нинг дисксимон базаль қисми билан бирикиб, кучли шохланган, йўғонлиги 8 мм ва узунлиги 50 см келадиган тўқ-яшил иплардан иборат. Унинг талломида ингичка, узунасига жойлашган иплардан ҳосил бўлган марказий қисми ва ундан ҳосил бўлган тўғнағисимон пуфакчали ўсимталари бор.


Кодиумнинг кўпайиши вегетатив ва жинсий гетерогамия йўли билан боради. Гаметалар пуфакчаларнинг икки четида кўндаланг тўсиқ билан ажралган махсус гаметангийларда ҳосил бўлади. Гаметаларни қўшилишидан ҳосил бўлган зигота тиним даврини ўтамай, бевосита ўсиб, янги талломни ҳосил қиласди.

### Сифонокладиялар тартиби — Siphonocladiales

Бу тартибга оддий ипсимон ёки кучли шохланган ипсимон кўринишдаги кўп ядроли сувўтлар киради. Жинссиз кўпайиши тўрт хивчинли зооспоралар ҳосил қилиш, жинсий кўпайиши эса — изогамия, гетерогамия ва оогамия йўли билан боради. Гаметалари икки ёки тўрт хивчинли. Кладофора ва ризоклониум сувўтлари мазкур тартиб вакиллариридир.

**Кладофора** — *Cladophora glomerata* (60-расм). Кладофоранинг шохланган талломи кўп қаватли целлюлозадан иборат, шилимшиқ парда ҳосил қилмайдиган пўст ва йирик цилиндрсимон ҳужайралардан ташкил топган (60-расм, А). Унинг хроматофорини ҳали крахмал доналари билан қопланмаган ёш ҳужайраларда кўриш мумкин. Хроматофори йирик, элаксимон пластинка кўринишда бўлиб, кўп пиреноидли. Цитоплазмада махсус бўёқ билан бўялгандагина кўрина-диган, нисбатан йирик, бир қанча ядролар бор (66-расм, В).

Кладофоранинг жинссиз кўпайиши, талломнинг охирги ҳужайраларида тўқ яшил ранги билан ажралиб турувчи зооспорангийларда ҳосил бўладиган тўрт хивчинли зооспоралар ёрдамида амалга ошади (60-расм, Б). Жинсий кўпайиши изогам бўлиб, икки хивчинли гаметаларнинг қўшилиши билан рўй беради. Баъзи турларида изоморф жинсий алмашинув ҳам учрайди. Кладофоранинг кўпчилик турлари дентлизларда учраб;



60-расм. Кладофора — *Cladophora glomerata*: А — зооспорангийли талломнинг бир қисми; Б — зооспорангийлар, В — алоҳида ҳужайраси.

чучук сув ҳавзаларида ҳам кенг тарқалган. Чучук сув кладофораси тез оқадиган, кислородга бой каналлар, ариқлар, зовурлар, баъзи булоқлар, бетон шлюзлар қирғоқларида, узунлигиг 0,5 дан 3—5 м гача борадиган соч тутамлари кўринишида субстратга ёпишиб ўсади.

**Ризоклоний** — *Rhizoclonium*. Тајломи кам шохланган, баъзи турлари деярли шохланмаган бир ҳужайрали ризоиди билан субстратга ёпишган. Ризоклоний ҳужайралари цилиндросимон, узун, 2 дан 8 тагача ядроси бор. Цитоплазманинг бошқа қисмлари кладофорага ўхшаш тузилган. Кладофора тарқалган жойларда учрайди.

### Конъюгатлар ёки маташувчилар синфи — *Conjugatophyceae*.


Бу синфга бир ҳужайрали ва оддий ипсимон, шохланмаган сувтлар киради. Уларнинг характерли белгиси жинсиз кўпайниш стадиясининг йўқлигидир, яъни вегетация, даврида ҳаракатчан хивчинли зооспоралар ҳосил қилмайди. Жинсий кўпайиши иккни вегетатив ҳужайрани ўзаро маташиши ва улардан бирининг протопластини иккинчисига қўшилиши воситасида амалга ошади. Бу жараён конъюгация ёки «маташиш» деб аталади ва у қўйидаги йўллар билан боради.

1. Маташадиган сувт ипларининг ёнма-ён турган вегетатив ҳужайралари бир-бирига яқин жойлашади. Бу ҳужайралар бир-бирига қарама-қарши йўналган бўртма ҳосил қилиб, уларнинг бир нечаси қўшилганда нарвонсимон кўринишини олади. Маташишнинг бу усулига нарвонсиман конъюгация деб аталади (61-расм, 1, 2). Сувт ипидаги ён ҳужайраларнинг цитоплазмаси канал ёрдамида ўзаро қўшилиб зигота ҳосил қилишга ёнбош конъюгация дейидади (61-расм, 3).

2. Яқинлашган ҳужайралар бўртмалари орасида найсимон кўприкча (қўшилиш канали) ҳосил бўлгандан кейин ҳар иккала ҳужайра протопластларининг бурчак қисмлари қисқариб, плазмолиздаги каби шарсимиш шаклни ҳосил қила бошлайди. Агар бундай ўзгаришлар ҳодир бўлаётган протопластга диққат билан қаралеа, айрим ҳужайраларда бу жараён тезроқ, баъзиларида эса секинроқ, рўй берастагини кўриш мумкин. Бу вақтда цитоплазмадаги хроматофорлар ўз шаклини ўзgartиралиди ва ҳужайра шираси билан қўшилиб кетади.

3. Ўзгаришлар тез рўй берган ҳужайра протопласти қўшилиш канали орқали оқиб иккинчи ҳужайрага ўтади ва унинг протопласти билан қўшилади.

4. Қўшилиш натижасида ҳосил бўлган шар ёки эллипс шаклидаги зигота, дастлаб яшил, кейинроқ турли мойлар ва гематохром билан тўлиб қўнғир рангла киради. Бу синфнинг деярли ҳамма вакиллари чучук сув ҳавзаларида кенг тарқалган. Маташувчилар синфи зигнемалар, (*Zyg nematales*), десмидиялар (*Desmidiales*) ва мезотениялар (*Mesoteniales*) тартибларига бўлинади.



61-расм. Маташувчиларда конъюгация: 1 — 2 — нарвонсимон, 3 — ёнбуш.


### Зигнемалар тартиби — Zygnematales

Бу тартибга оддий ипсимон, шохланмаган, одатда оқмайдын сув ҳавзаларида муаллақ ҳолда яшайдын сувүтлар киради. Талломи шилимшиқ парда билан қопланган, цилиндр шаклидаги бир ядроли ҳужайралардан иборат. Хроматофорининг тузилиши ва унинг цитоплазмада жойлашиши асосий систематик белгиларидан бири ҳисобланади. Вегетатив кўпайиши талломни алоҳида қисмларга бўлиниши ёрдамида, жинсий кўпайиши эса, нарвонсимон ёки ёнбуш конъюгация йўли билан боради. Зигнемалар тартибининг энг характерли вакиллари бўлган мужоция, зигнема ва спирогиралардир.

**Мужоция** — *Mougeotia* (62-расм, 1). Ҳужайраси цилидриксимон, эни узунлигидан бирнечча марта катта, йирик пластинкасимон хроматофори кўп, пиреноидли сувёт. Хроматофор цитоплазмада пластинка ёки ҳужайра ўртасида яшил таёқча шаклида кўриниши мумкин. Тирик мужоция ҳужайрасига кучли ёруғлик таъсир эттирилса, бироз вақтдан кейин унинг хроматофори ўз ўқи бўйлаб  $90^{\circ}$  га бурилади. Натижада пластинкасимон хроматофор таёқча шаклини олади. Ядроси цитоплазманинг марказий қисмида жойлашади.

Мужоция турли сув ҳавзаларида — ариқлар, кўлмак сувлар, ҳовузлар, кичик кўллар ва зовурларда сарғиш-яшил рангдаги «бақа тўнлариз» ҳосил қилган ҳолда учрайди.

**Зигнема** — *Zygnema* (62-расм, 2). Зигнеманинг иплари тиниқ яшил бўлмай, сарғишроқ-яшил рангда бўлади. Ҳужайра



62-расм. 1 — мужоция — *Mougeotia*; 2 — зигнема — *Zygnema*, 3 — спирогира — *Spiroguga*, юқорида уларнинг кўндаланг кесмалари.

нинг ўрта қисми икки чеккасидан бирмунча энлироқ, қалин шилимшиқ пўст билан қопланган бўлади. Цитоплазмада ҳужайранинг четидан спиралга ўхшаш ўралган лентасимон бир неча хроматофорлар ётади. Хроматофорларда атрофини крахмал доначалари билан ўраган талайгина пиреноидлар бўлади. Цитоплазманинг ўрта қисмини ҳужайра шираси билан тўлган вакуола эгаллайди. Унинг марказида плазматик ипларга осилган ҳолда ядро жойлашади. Ядро спирогиранинг турли вакилларида турлича, кўпинча шар ёки линза шаклида бўлиб, ҳужайранинг марказий қисмидаги узунасига жойлашади. Спирогиранинг баъзи турлари ҳужайра ширасида гипс кристаллари ҳам учрайди.

Спирогира турли сув ҳавзаларида — кўлмак сувларда, ариқларда, каналлар ва дарёларнинг қирғоқларида, ҳовуз ва кўлларда бўлади.

### Десмидиялар тартиби — Desmidiales

Бу тартибга бир ҳужайрали, баъзи вакиллари ипсимон тузилишга эга бўлган сувётлар киради. Уларнинг ҳужайраси иккита симметрик, бир-бирига ўхшаш ва тенг ярим қисмлардан иборат, марказий «белбоғ» ёрдамида бир-бири билан қўшилгандек кўринишда тузилган. Ҳужайра пўсти силлиқ ёки фадир будур, рангли ва рангиз бўлиши мумкин.

Вегетатив кўпайиш, ҳужайра ўртасидаги кўндаланг «белбоғ» дан бўлинниш ҳисобига бўлади. Пайдо бўлган яримтаки ҳужайралар иккинчи қисмини сувдаги турли моддалар ҳисобига ҳосил қиласи.

пўсти қалин, шилимшиқ пўст билан қопланган. Ҳар бир ҳужайра цитоплазмасида иккитадан йирик юлдузсимон шакли, марказида биттадан пиреноидли бўлган хроматофор жойлашган. Ҳар бир хроматофор бир-бири билан эндоплазматик тўр орқали боғланган бўлиб, улар орасида аниқ кўринадиган ядро жойлашади. Зигнема спирогира билан бирга турли оқмайдиган сув ҳавзаларида кенг тарқалган.

**Спирогира — *Spiroguga***


(62-расм, 3) Талломи оддий ипсимон, цилиндрсимон, баъзан ҳужайра-

ди. Ҳосил бўлган зиготадан иккита ўсимта ривожланади. Бу ўсимтлар кейинчалик ҳужайранинг иккита симметрик қисмларига айланади. Бу тартибга мансуб сувўтлар нордон муҳитли, таркибида темир тузлари кўп, аммо кальций тузи камроқ сув ҳавзаларида кенг тарқалган. Шунинг учун десмидиялар боткоқликларда, суви эскириб қолган ҳовузларда, оқмайдиган кўлмак сувли зовурларда ва шолипояларда кенг тарқалган. Сув юзасида ва унинг остидаги балчиқ сатҳида кўп учрайди. Бу тартибининг характерли вакиллари клостериум, космарийум, стаураструм, эуаструм ва микростериаслардир.


**Клостериум** — *Closterium* (63-расм, 1). Ҳужайраси урчуқсизмон, бироз ёки кенг яримойсимон шаклда. Ҳужайра марказида «белбоғ» қисми йўқ. Пўсти силлиқ ёки ғадир-будур, рангсиз ёки бироз жигарранг бўлиши мумкин. Ҳужайра қутбларида тешикчалар бўлиб, улардан ташқарига шилимшиқсизмон моддалар ажralиб туради. Ҳар бир яримтаки ҳужайра цитоплазмасида икки ёки ундан ортиқ лентасимон симметрик жойлашган кўп пиреноидли хроматофорлар бор. Ҳужайра маркази рангсиз бўлиб, бу жой яримтаки қисмлар ва улардаги хроматофорлар учун цитоплазматик кўприк ролини ўйнайди. Унинг марказида йирик ядро жойлашган. Ҳужайра қутбларидаги бўшлиқларда гипс кристаллари тўпланиши мумкин.

**Космарийум** — *Cosmarium* (63-расм, 2). Унинг ҳужайраси тенг ўртасидан қисқарган, бу жой уни икки симметрик бўлакка бўлувчи марказий «белбоғ» га ўхшайди. Яримтаки қисмлар думалоқ, пирамидасимон, кўп бурчакли шаклда, ҳужайранинг умумий кўриниши эса 8 рақамига ўхшайди. Ҳужайрани устидан қаралса, у овалсимон шаклда кўринади. Ҳужайра пўсти текис, баъзида ғадир-будур, майда тешикчали, ундан шилимшиқсизмон моддалар ажralиб туради. Ҳужайра ширасида гипс кристаллари учрайди.

**Стаураструм** — *Staurastrum* (63-расм, 3). Хилма-хил шаклдаги ҳужайра тузилишига эга. Кўпчилик турлари ҳужайраларининг яримтаки қисмларида турли кўринишдаги учли ўсимтлар ҳосил қиласди. Ҳужайра пўсти нақшдор бўртмалар билан



63-расм. 1 — клостриум — *Closterium*; 2 — космариум — *Cosmarium*; 3 — стаураструм — *Staurastrum*.




64-расм. 1 — микрастериас — *Micrasterias*; 2 — эуаструм — *Euastrum*

қопланган. Бу бўртмалар устки томонидан уч-беш бурчакли; айримлари радиал шаклда кўринади. Хроматофори ҳужайра шаклига ўхшаш бўлиб, унинг марказида битта пиреноид жойлашади. Гипс кристаллари ҳосил бўлмайди.

**Микрастериас — *Micrasterias*** (64-расм, 1). Ҳужайра хипча «белбоғли» бўлиб, унинг ҳар бир яримтаки қисми бир неча ёнбош ва марказий бўлаклардан иборат. Ёнбош бўлаклар чуқур ўймали, баъзи турларининг марказий бўлаги устки қисмida калта ўсимталар ҳам учрайди. Ҳужайрани устки томонидан қарабалса, у урчуқсимон шаклда кўринади. Ҳужайра пўсти текис, баъзан нақшли ёки майда қаттиқ тукчалар билан қопланган. Ҳужайрада биттадан пластинкасимон, бир ёки бир неча пиреноидли хроматофори бор. Ядро ҳужайра марказида жойлашган.

**Еуаструм — *Euastrum*** (64-расм, 2). Унинг ҳужайраси чўзиқроқ, «белбоғли», ботиқ жойлашган. Ҳужайранинг яримтаки қисмлари кенг қайрилган бир неча бўлаклардан иборат. Уртадаги бўлак кичкина чуқурчали. Ҳужайрани юқори қисмидан қараганда бироз эллипс шаклида кўриниб, баъзан рангсиз ўсимталар ҳам кўзга ташланади. Ҳужайра пўсти тартибли жойлашган майда думалоқ бўртмалар билан қопланган. Улар силлиқ ёки майда тукчалар билан қопланган бўлиши мумкин. Хроматофори яримтаки ҳужайраларда биттадан, бир ёки бир неча пиреноидли ядроси эса «белбоғ» ўртасида жойлашган. Ҳужайра таркибида гипс кристаллари ҳам учрайди.

**Десмидиум — *Desmidium*** (65-расм). Талломи спиралсимон қайрилган из кўринишида, уни устки томонидан қараганда уч-



65-расм. Десмидиум — *Desmidium*: А — ипсимон талломи; Б — алоҳида ҳужайраси.


тўрт бурчакли ҳужайралар тузилмасидан иборат. Ҳар бир ҳужайра бўлингандан кейин ажralиб кетмайди, бўлинган бўлакларининг бирикишидан ипсимон кўриниш ҳосил бўлади. Янги ҳосил бўлган ҳужайра она ҳужайрага нисбатан бироз ёнбош бирикканлиги туфайли бутун ип спиралсимон тузилишни ҳосил қиласди. Сув ҳавзаларда кўлинча *Desmidium schwartzii* — учрайди. Уни устки томонидан қаралганда учбурчак шаклда кўриниб, бутун ип узун призмани эслатади.

### Мезотениялар тартиби — Mesateniales

Бу тартиб сувўтлар бир ҳужайрали, марказ «белбоғсиз», цилиндр ёки эллипс шаклда бўлади. Хроматофорларининг тузилиши лентасимон, спирал, марказий пластинка юлдузсимон шаклда бўлиб, бир ёки бир неча пиреноидли. Жинсий кўпайиши натижасида ҳосил бўлган зигота тўртта ўсимта ҳосил қилиб ўсади.

Мезотениялар десмидиялар учрайдиган сув ҳавзаларида кенг тарқалган. Баъзи турлари сувдан ташқари муҳитда ҳам учрайди. Бу тартиб сувўтлари ичida хроматофорларини тузилиши бўйича эътиборга моликлари йирик ҳужайрали нетриум ва спиротениялардир.

**Нетриум — *Netrium*** (66-расм, 1). Ҳужайраси кенг таёқча шаклда, унинг икки учи сўйри қайрилган кўринишида, пўсти силлиқ, тешиклари бўлмайди. Цитоплазмасининг марказида йирик ядро жойлашган. Ядродан ҳужайра қутблари томон



66-расм. 1 — нетриум — *Netrium*; 2 — спиротения — *Spirotenia*.

марказий қисмни эгалловчи ва ундан ўнгга ва чапга радиал тармоқланган, четлари ўйма бўлакли хроматофор бор. Хроматофорнинг марказий қисмida таёқчасимон пиреноид бўлади. Ҳужайра шираси баъзан сарғиш ёки жигарранг кўринишида. Шолипоялар ва захкаш ҳавзаларда учрайди.

**Спиротения** — *Spirotenia* (66-расм, 2). Ҳужайраси деярли таёқчасимон, қутблари кенг қайрилган, пўсти қалин шилимшиқсимон модда билан қопланган. Цитоплазмасидаги битта энли спирал ҳолда жойлашган хроматофори кўп пиреноидли. Шолипояларда, захкаш ва кўлмак сувларда учрайди.

## ЯШИЛ СУВЎТЛАРНИНГ ФИЛОГЕНЕТИК АЛОҚАЛАРИ

Яшил сувўтларнинг ривожланиш жараёнида зооспораларнинг мавжудлиги уларни монанд структурали организмлардан келиб чиқсанлигини кўрсатади. Яшил сувўтларнинг узоқ ўтмишдаги аждодлари оддий бўлинниб ва хологамия кўринишида жинсий кўпайган, цитоплазмаси ва ҳужайра пўсти примитив тузилган вольвосклар бўлиши мумкин. Вольвокслар эса эволюцияда ҳақиқий пўст, таблеткасимон ёки шар кўринишидаги колониялар жинсий оогамия йўли билан кўпая оладиган махсус ҳужайралар ҳосил қилиб, ҳаракатланмайдиган формаларни ривожланишига йўл очганлар (12-расм).

Содда тузилишга эга бўлган хламидомонада каби бир ҳужайрали вольвокслар хивчинларини йўқотиб, ҳаракатсиз хлорококкнинг юзага келишига сабаб бўлган. Хлорококкларнинг баъзиларидан ипсимон тузилган улотрикслар келиб чиқсан. Улотриксларнинг эволюциясида талломни тармоқланниши, уни субстрат бўйлаб ва вертикал йўналадиган табақаланиши, ниҳоят ҳужайрани фақат кўндалангига эмас, узунасига ҳам бўлиниши пластинка шаклидаги талломнинг ҳосил бўлишига олиб келган.

Улотрикслардаги кўп ядроли ҳужайралар кладофорларнинг юзага келишига сабаб бўлган.

Кўп ядроли оддий тузилишдаги хлорококкларнинг пайдобўлиши билан бирга бошқа яшил сувўтлардан фарқланадиган сифонлилар ҳам ривожланган бўлиши мумкин.

Содда тузилишдаги хлорококклардан бир ҳужайрали маташувчилар — мезотениялар юзага келган бўлиши ажаб эмас. Эдагонияларнинг қариндошлиқ алоқалари ҳозиргача аниқ эмас.

Яшил сувўтлардан ҳозирги юксак ўсимликлар келиб чиқсан деб айтиш қийин. Яшил сувўтларнинг сифонлилар, эдагонийлар, кладофоралар ва маташувчиларнинг эволюцияси шакшубҳасиз боши берк тармоқ билан якунланган. Баъзи олимларнинг фикрича ҳозирги юксак яшил ўсимликлар улотрикс каби, хусусан талломи субстрат бўйлаб ва вертикал жойлашган хетофоралардан ривожланиб юзага келган.

Маташувчиларнинг келиб чиқшига келганда улар бир ҳужайрали оддий тузилган хлорококклар эволюциясининг ёнбош


тармоғи бўлиши мумкин. Баъзи хламидомонадаларнинг пўст билан ўралган гаметаларини ўзаро қўшилиш жараёнида худди қўшилув каналига ўхшаш нарса ҳосил бўлиши ҳам кузатилади.

### ХАРАЛАР БЎЛИМИ — CHAROPHYTA

Харалар талломининг юксак даражада тузилганлиги билан бошқа сувўтлардан кескин фарқ қиласди. Бир қарашда уларни шохбарг ёки қирқбўғимга ўхшатиш мумкин. Харалар йирик, баландлиги 20—50, хатто 80 см гача етадиган, фақат чучук сув ҳавзаларининг остида ўсадиган сувўтлар. Улар мутовка шаклида шохланган, асосий танаси поя, бўғин ва бўғин оралиқларига эга. Уларнинг устки қисми бир қават ҳужайралардан иборат пўстлоқ билан қопланган. Пўстлоқ ён шохчаларнинг базаль «баргчалар» ҳосил бўладиган қисмидан бошланади. «Барг»ларнинг қўлтиқ қисмидан асосий тана тузилишига ўхшаган ён «шохча» ҳосил бўлади. Субстратга «поя»нинг ости қисмидан чиқкан бирқанча ризоидлар ёрдамида бирикади. Хараларда жинсиз кўпайиш бўлмайди. Вегетатив кўпайиши ризоидларда тугунаклар ҳосил бўлиши билан ва бўғинлардан чиқкан «шохча»ларни ризоидлар ҳосил қилиши билан амалга ошади. Жинсий кўпайиши оогамия йўли билан боради. Хараларнинг оогоний ва антеридийлари кўп ҳужайрали, уларнинг иккаласи ҳам ҳалқа ҳолда жойлаган ён шохчаларнинг қўлтиғида туради. Уларни оддий кўз билан кўриш ҳам мумкин. Одатда, оогоний билан антеридий бирга, «барг» қўлтиғининг устки томонида, оогоний ости томонида эса антеридий жойлашади. Тухум ҳужайра сиртидан ипсимон спирал ҳужайралар билан ўралиб, устки қисмida 5 та ҳужайрадан иборат «тож»ни ҳосил қиласди. Антеридий шарсимон, дастлаб яшил, етилганда қизифиши, 8 та ясси «қалқон» деб аталувчи ҳужайра парда билан ўралган. Антеридийда бир неча минглаб сперматозоидлар етилиб, улар «қалқон» ҳужайраларининг бир-биридан ажралиши натижасида ташқарига чиқади. Тухум ҳужайра уруғлангандан сўнг тиним даврини ўтаб, сўнгра редукцион бўлинади ва янги ҳарани ҳосил қиласди.

Харалар таги балчиқли, суви тиниқ шолипоялар, булоқлар, ҳовузлар, кўллар, ариқлар, зовурлар, сойлар ва каналларнинг қирғоқларида, дарёларнинг саёз жойларида тўп-тўп ҳолда, баъзан яшил гиламлар ҳосил қилган ҳолда фақат текисликлардагина эмас, тоғлик районларда ҳам учрайди. Харалар сувнинг биологик режимини яхшилашда катта аҳамиятга эга. Сувда сузувлар паррандалар, балиқлар хараларнинг крахмал ва мойга бой антеридий ва оогонийларини хуш кўриб ейишиади. Хараларнинг ҳамма вакиллари битта синф, битта тартиб ва иккита оиласа бириккан. Уларнинг типик вакили чучук сув ҳарасидир.

**Хара** — Chara (67-расм). Танаси 10 дан 50 см гача етадиган, ташқи кўриниши жиҳатидан барг-пояли ўсимликлардан қирқбўғимга ўхшаш сувўт. Бўғим ҳамда бўғим оралиқларига



67-расм. Хара — *Chara foetida*: А — талломнинг умумий кўриниши; Б — ўсиш нуқтасининг узунасига кесмаси; В — жинсий органларнинг «поя» жойлашуви; Г — ооспора-ва унинг униши.

бўлинган. «Поя» қисмида худди «барглар»ни эслатувчи, бўғимда жойлашган, калта-калта, цилиндрический, 5—10 тача шохчалари бор. Ҳар бир мутовка (ҳалқа) даги «барг»лардан бирининг қўлтиғида асосий пояга ўхшаш ён «поя» жойлашади. Ҳар бир «поя»нинг учидаги бир тўда ёш «барг»чалардан ташкил топған ўсиш нуқтаси (конуси) бўлади. Поянинг ўсиш нуқтаси, ярим шарсимон кўринишдаги ҳужайрадан иборат, уни бўлиниши ҳисобига бутун ўсимлик юзага келади ва ўсади. Дастрлаб ўсиш нуқтасидаги ҳужайра ўзининг асос қисмига қараб, параллел жойлашган сегмент — ҳужайра ҳосил қиласи. У ўз навбатида, асос қисмига қараб, қўшботиқ ва қўшқавариқ шаклдаги ҳужайраларни ажратади. Қўшқавариқ ҳужайра бошқа бўлинмай, узайиб, бўғим оралиғига айланади. Бу вақтда бўғим ҳосил қилувчи қўшботиқ ҳужайра кўндаланг тўсиқ билан ажратиб, кейинчалик улардан «барг»лар ҳосил бўлади. Харанинг ҳужайралари кўпинча кальций тузлари билан тўйинган целлюлозали пўст билан ўралган бўлади. Шарсимон хроматофорлари спиреноидсиз, цитоплазманинг устки қисмида узунасига ёки бир-

оз сирил шаклидаги қаторлар күринишида жойлашади. Хара талломининг субстратга бириккан қисми рангсиз бўлиб, тармоқланган ризоидни ҳосил қиласди. Хара вегетатив ва жинсий йўл билан кўпаяди. Вегетатив йўл билан кўпайишида, унинг ризоидларида тугунаклар ёки «поя» бўғимларида юлдузсимон тўплам ҳосил бўлади ва улар ўсиб янги талломни ҳосил қиласди. Жинсий кўпайиши эса оғогмия йўли билан боради.

Харалар энг қадимги ўсимликлар ҳисобланади. Уларнинг қолдиқлари девон даврига оид чўкиндилардан топилган. Пигментларининг таркиби, «поя»нинг тузилиши ҳозирги замон яшил сувўтларнинг хетафоралар тартибига мансуб драпарнальдия, драпарнальдиопсис турларининг аждодларига яқин туради.

### ЭВГЛЕНА СУВЎТЛАР БЎЛИМИ — EUGLENOPHYTA

Эвгленалар бир ҳужайрали, битта узун хивчини ёрдамида соғ яшил хроматофорлари билан актив характерланади. Ҳужайрасининг шакли кўпинча чўзиқ эллипс, дуксимон, унда цеплюлозали пўст бўлмайди. Унинг вазифасини цитоплазманинг ташқи қобиғи қалинлашуви натижасида ҳосил бўладиган перипласт ёки пелликула деб аталувчи устки қатлам бажаради. Пелликула мулоим, эгилувчан бўлганлиги туфайли ҳужайра ўз танаси шаклини ўзгартириши мумкин. Эвгленаларнинг баъзиларини ҳужайра сиртида қаттиқ советдан иборат «уйча» бўлиб, у пелликуладан ажралиб туради.

Цитоплазмада битта ёки бир қанча хроматофорлар бўлади, унда юксак ўсимликлар хлоропластидаги каби хлорофилл *a* ва *b*, каротин ва ксантофилл бор. Булардан ташқари баъзи бир эвгленаларда қизил рангли астаксантин ҳам учрайди. Фотосинтез маҳсулоти сифатида крахмал тўпланмай, унга ўхшаш йод таъсирида бироз сарғиш тусга кирадиган парамилон ҳосил бўлади. Парамилон ялтироқ доначалар кўринишида хроматофорда ёки унинг атрофида тўпланади. Хроматофор кўпинча юлдуз лента, йирик пластинка ва майда диксисимон доналар шаклида бўлиб, ҳужайра пўсти яқинида жойлашади. Хроматофорлар пиреноидли ва пиреноидсиз бўлиши мумкин.

Эвгленалар ҳужайрасининг олдинги қисмida воронкасимон кўринишида ботиқлик ва ундан битта, баъзиларида иккита узун хивчин чиқиб туради. Тирик эвгленалар ҳужайрасининг олдинги қисмida қизил нуқта — стигма жойлашиб, у фототаксис — ёруғликдан таъсиrlаниш хусусиятига эга. Кўпайиши ҳужайрасининг бўйига қараб иккига бўлиниш йўли билан амалга ошади. Бўлиниш олдидан хивчинларини ташлайди, ядро, стигма ва хроматофорлар бўлинганидан сўнг, ҳужайранинг олдинги қисмida ёриқ ҳосил бўлади ва у катталашиб иккита қиз ҳужайра юзага келади. Хивчинлар ҳосил бўлганидан сўнг актив ҳарашатлана бошлайди. Эвгленалар табиатда кенг тарқалган. Уларни оқмайдиган турли хил экологик шароитли сув ҳавзаларда учратиш мумкин. Эвгленалар миксотроф ва ҳатто сапрофит

ҳолда озиқлана олиши туфайли, органик моддалар билан ифлосланган сув ҳавзаларини биологик тозаланишида катта роль ййнайды. Баъзи эвгленалар сувнинг ифлосланганлигини кўрсатувчи биологик индикаторлар бўлиб ҳам хизмат қиласди.

Эвгленаларнинг табиатда 400 га яқин тури учрайди, улар иккита тартибга бириккан. Бу бўлимнинг характерли вакилларидан эвглена ва трахеломонаасдир.

**Эвглена** — *Euglena virides*. Ҳужайраси урчуқсимон, бирхивчинли, цитоплазматик пўст-перипласт билан ўралган. Ҳужайранинг олдинги қисмida воронкасимон бўғма бўлиб, у цитоплазмадаги қисқарувчи вакуола билан боғланади. Бўғизнинг ён қисмida қизил гематохром пигменти билан тўлган «кўз»ча жойлашган. Цитоплазмада битта ядро ва ям-яшил ранги бирқанча юлдузсимон, донадор ёки лентасимон шаклда пиреноидсиз хроматофорлар бўлади. Запас озиқ моддалар сифатида карбон сув — парамилон доналари ҳосил бўлади.

Эвглена танаси узунасига оддий бўлинниш йўли билан кўпаяди. Кўлмак сувларда азотли органик моддаларга бой кичик сув ҳавзаларида учраб, баъзан уларни «гуллашига» сабаб бўлади.

**Трахеломонаас** — *Trachelomonas*. Унинг бир хивчинли серҳаракат ҳужайраси думалоқ ёки кенг эллипссимон «уйча» ичидаги жойлашган. Битта хивчини «уйча»даги бўғиз орқали ташқарига чиқади. Темир бирикмаларига бой кичик сув ҳавзаларида учрайди. Эвгленалар бир ҳужайрали формалар ичидаги цитоплазмасининг тузилиши, хивчинининг битталиги, крахмал ўрнига парамилон ҳосил қилиши билан бошқа сувўтлардан кескин фарқ қиласди. Буларнинг қазилма ҳолдаги қолдиқлари деярли учрамайди. Эвгленаларнинг бошқа бўлим сувўтлар билан ҳеч қандай қариндошлиқ алоқалари йўқ, шунинг учун уларни ўсимликлар дунёси эволюциясининг боши берк тармоғи деб қаралади.

### САРИҚ-ЯШИЛ ЁКИ ҲАР ХИЛ ХИВЧИНЛИ СУВЎТЛАР БЎЛИМИ — ХАНТОРНУТА

Бу бўлимга хроматофорлари тўқ-сариқ, баъзан яшил рангдаги сувўтлар киради. Сувўтларнинг ранги хлоропластдаги асосий пигментлар-картоптин, хлорофилл ва ксантофилларнинг турлича миқдорда тўпланиши ҳамда уларнинг биргаликда товланиши натижасида вужудга келади. Кўпинча хроматофорларида асосан каротининг кўп бўлиши, уларни сарғиш рангга бўялишига сабаб бўлади. Фотосинтез туфайли сариқ-яшил сувўтларда крахмал билан бирга мой томчилари, баъзан лейкоzin ва волютин ҳосил бўлади. Бу бўлим вакиллари зооспораларида иккита хивчиннинг тенг бўлмаслиги ва жойлашиши билан характерланади. Хивчинлари зооспоранинг ёнбошидан чиқади. Улардан бири узун, патсимон ва олдинга йўналган бўлса, иккинчиси калта ва орқага йўналган. Ҳужайра пўсти

лектиң моддали иккита палладан иборат ва бўлинганда Н—симон кўриниши ҳосил қиласи.

Сариқ-яшил сувўтлар морфологик жиҳатдан хилма-хил бўлиб, уларда бошқа сувўтлардаги ҳамма асосий структура: амёбоид, монад, палмеллоид, коккоид, ипсисимон, тармоқланган ип, пластинкасимон, сифонсимон кўринишидаги шаклларни учратиш мумкин. Вегетатив равишда кўпайиши колония ёки иккни бўлакларга бўлинниб кетиши билан бўлса, жинссиз кўпайишида зооспоралар ёки автоспоралар ҳосил қиласи. Жинсий кўпайиш баъзи турларидагина учраб, асосан изогамия, вошерияда (*Vaucleria*) эса оогамия кўринишида амалга ошади.

Сариқ-яшил сувўтларни асосан тоза, чучук сув ҳавзаларида, денгизларда, қисман нам тупроқларнинг юзасида учратиш мумкин. Сариқ-яшил сувўтларнинг систематикаси тенг хивчини яшил сувўтлар бўлими систематикасига параллел ҳолда ўхшайди. Улар олтига синфга бўлинади: қсантоподиялар — *Xantopodophyseae*, қсантомонадлар — *Xanthomonadophyseae*, қсантокапсалар — *Xanthocapsophyseae*, қсантококклар — *Xanthococcophyseae*, қсантотрихиялар — *Xanthotrichophyseae* ва қсанто-сифонлар — *Xanthosiphonophyseae*. Булардан энг характерлиги иккита синф — қсантотрихиялар ва қсанто-сифонлардир.


### **Қсантотрихиялар синфи — *Xanthotrichophyseae***

Бу синфга кўп ҳужайрали, ипсисимон ва пластинкасимон шаклли сариқ-яшил сувўтлар киради. Талломи оддий ип ёки тармоқланган ип, бир қатор ёки кўп қаторли ҳужайралардан ташкил топган пластинка кўринишида бўлади. Бу синфга ташқи кўринишидан яшил сувўтларининг улотрикслар синfigа мансуб формаларга ўхшаш вакиллари ҳам киради. Характерли турларидан бири трибонемадир.

**Трибонема — *Tribonema*.** Сарғишил рангдаги оддий ип кўринишида бўлиб, дастлаб субстратга ёпишган, кейинчалик сув юзасида ёки остида эркин ҳолда ўсади. Микроскоп остида трибонемани бошқа ипсисимон формалардан, унинг узилган қисмида иккита рангсиз ўсимта борлиги билан осон фарқ қилиш мумкин. Трибонеманинг ҳужайра пўсти мустаҳкам Н кўринишида, ип узилганда ўсимталар оралиғидаги цитоплазма йўқолади ва пўстнинг бир қисми очилиб қолади. Цитоплазмада донасимон хроматофор ва мой томчиларини кўриш мумкин. Оқмайдиган ва секин оқадиган сув ҳавзаларида учрайди.

### **Қсанто-сифонлар синфи — *Xanthosiphonophyseae***


Бу синфга сифонсимон, ҳужайрасиз талломли, сариқ-яшил тусли сувўтлар киради. Улар ташқи кўринишидан мураккаб, тирик ёки микроскопик тузилган кўп ядроли бўлади. Кўпчилиги нам субстратга рангсиз ризоидлари билан бириккан ҳолда ўсади. Бу синф вакилларидан ботридиум билан вошерияни кўрсатиш мумкин.



68-расм. Ботридиум — *Botrydium granulatum*: 1 — субстратдаги ўсмиталар; 2 — алоҳид талломи.

**Ботридиум** — *Botrydium gravulatum* (68-расм). Талломи яшил рангли шарсимон қисмдан ва субстратга бирекувчи рангсиз ризоидлардан иборат. Шарсимон қисми субстрат юзасида бўлиб, унда жуда кўплаб хроматофорлар ва йирик воқуола бўлади. Ботридиум нам субстратларда, кўлмаклар атрофика, зах ерларда, турли экин майдонларида, шу жумладан пахта майдонларида кенг тарқалган бўлиб, қорамтириши губорларни ташкил қиласди.

**Вошерия** — *Vaucheria* (69-расм). Талломи шохланган, сарғиш-яшил рангли, узунлиги бирнечча см га етадиган йирик хуҗайрадан иборат. Вошерия субстратга рангсиз, тармоқланган



69-расм. Вощерия — *Vaucheria*: А — ризидли талломи; Б — зооспорангийдан зооспоралари; В — антериум (чапда) ва оогоний.

ризоиди билан бирекади. Цитоплазмада донасимон ёки урчук-симон, пиреноидсиз күплөк хроматофорлар ва күринмайдиган рангиз бир неча ядролар бўлади. Вошерия кўпинча зооспоралар ёрдамида жинссиз кўпаяди. Зооспоралар ён шохчаларниң тўсиқ билан ажралган қисмида ҳосил бўлади. Вошерияда зооспора, кўпинча бироз ноқулай шароит, яъни ёруғлик, озиқ моддалар ва сув етишмагандагина ҳосил бўлади. Лаборатория шароитида ёруғлик ва қоронгиликда, озиқ моддаларни дистилланган сув билан тез-тез алмаштириб туриш билан вошерияда зооспора ҳосил бўлишини тезлаштириш ва кузатиш мумкин. Зооспора йирик, овал шаклида бўлиб кўп хивчинли. Ҳар бир жуфт хивчин остидаги цитоплазмада битта ядро бор. Унинг пастида донадор хроматофорлар жойлашган. У сувда бироз вақт сузгандан сўнг, хивчинларини ташлайди ва униб ипсимон таллом ҳосил қиласди. Вошериянинг баъзи вакиллари зооспора ўрнига йирик ҳаракатланмайдиган аплоноспоралар ҳам ҳосиль қиласди.

Жинсий кўпайиши оогамия йўли билан боради. Антеридий қайрилган цилиндрический ён ўсимта кўринишида юзага келиб асосий танадан кўндаланг тўсиқ билан ажралади. Протопласт овал ёки ноксимон кўринищдаги сперматозоидларга айланиб, антеридийнинг юқори қисмида ҳосил бўлган тирқишдан ташқарига чиқади. Битта ёки бир неча қийшиқ, овал шаклидаги кўп ядроли, кўп хроматофорли ва мой томчилари билан тўлган оогоний антеридий билан ёнма-ён жойлашади. Оогонийнинг вояга етиш даврида унда бир ядроли асосий танадан кўндаланг тўсиқ билан ажралган йирик битта тухум ҳужайра ҳосиль бўлади.

Оогонийдаги тўсиқ емирилиб у ердан ўтган сперматозоидлар уни уруғлантиради. Ҳосил бўлган зооспора қалин пўст билан ўралиб мой томчилари ва гаматохром билан тўлади. Тиним даврини ўтаб бўлгандан сўнг, униб, янги вошерия талломини ҳосил қиласди. Вошерия чучук сув ҳавзаларида кенг тарқалган сув ўтлардан биридир. Унинг талломини, баъзан заҳ жойларда ҳам учратиш мумкин. Сариқ яшил сувўтларни амёбасимон тузилган организмлардан келиб чиқсан мустақил систематик группа деб қаралади. Цитоплазмаси таркибидағи пигментлари, запас озиқ моддалари, ҳужайра пўстининг тузилиши ва циста ҳосил қилиши билан сариқ-яшил сувўтлар тилларнг, диатом ва қисман қўнғир тусли сувўтларга яқин туради.

#### ПИРРОФИТ СУВЎТЛАР БЎЛИМИ — PYRROPHUTA

Бу бўлимга мансуб сувўтлар микроскопик, асосан бир ҳужайрали, кўпинча икки хивчинли, сувда эркин сузиб юради. Ҳужайраси дорзовентрал тузилган. Унинг сиртидан бўйига ва энига қараб кетган эгатчаларнинг бир-бирини кесишган жойидан ҳар хил узунликда 2 тадан хивчин чиқади. Ҳужайраси пўстсиз ёки целлюлозали пўст билан, кўпчилигига эса сувўтга ўхшаш нақшдор қумтош моддалар билан қопланган.


Хроматофори ҳужайранинг четларида жойлашган, таркиби-даги хлорофилл, каротин ва ксантофил пигментлари ҳужайра-та оч жигарранг, қўнғир, баъзан сарғиш, тилларанг қизғиши тус беради. Запас озиқ моддалар сифатида крахмал ва май ҳосил бўлади. Оддий бўлиниш йўли билан кўпаяди. Нақшдор совутли формаларда бўлиниш натижасида ҳосил бўлган қиз ҳужайра-лар совутли пўстни яримтадан бўлиб олишади ва етишмаган қисмини кейинчалик ҳосил қилишади. Пиррофит сувўтларда жинсиз кўпайиш ҳам учраб, бунда икки хивчинли зооспора ёки ҳаракатланмайдиган апланспоралар юзага келади. Ноқу-лай шароитда цистага айланиши мумкин. Жинсий кўпайиш рўй бермайди. Пиррофитлар турли экологик шароитли сув ҳав-заларида кенг тарқалган. Уларни чучук сувларда, сув тиндири-гичларда учратиш мумкин. Улар сув ҳавзаларида сапропель ҳосил бўлишида иштирок этади. Пиррофит сувўтлардан сув-нинг биологик анализида унинг ифлосланганлик даражасини аниқлашда ҳам фойдаланилади. Пиррофит сувўтлар системати-ка жиҳатдан 1100 дан ортиқроқ турини ўз ичига олган: 2 та критофитлар (*Cryptophyceae*) ва динофитлар (*Dinophyceae*) синфларига бўлиниди.

Пиррофит сувўтларнинг динофитлар синфидан церациум ва перидинумни келтириш мумкин.

Церациум — *Ceratium hirundinella* (70-расм, А). Ҳужайра-си бўйига томон чўзилган тузилишга эга. Ҳужайрани кенг қис-мида кўндаланг каналча бўлиб, уни икки қисмга бўлади. Ол-

динги битта, узун, тўғри ўсимтани апикал томон, ик-кита ёки учта ҳар хил узун-ликдаги шоҳсизмон қайрилган ўсимтали қисмини эса аниапикал томон деб юри-тилади. Икки хивчиндан биттаси олдинги томонга йўналиб, иккинчиси танани каналча бўйлаб ўраб олади. Протопласт қалин қалқон билан қопланган. Кўпайиши ҳужайрани оддий йўл билан иккига бўлиниши орқали бо-ради ва ҳосил бўлгам қиз ҳужайра она ҳужайрадан яримта қалқон олади. Маъ-лум вақтдан кейин ҳужайра етишмайдиган қалқонни ўзи ҳосил қиласи. Йирик кўл ва сув ҳавзалари планктонида кўп учрайди.

Перидинум — *Peridinium* (70-расм, Б). Ҳужайраси



70-расм. А — церациум — *Ceratium hirun-dinella*; Б — перидинум — *Peridinium*.  
1 — қорин; 2 — елка томонидан кўрини-ши.

шарсимон ёки тухумсимон кўринишда. Ҳужайра пўсти қумтош моддалари билан тўйинган қалқон кўринишда бўлиб, уни бундай тузилиши систематик жиҳатдан аҳамиятга эга. Протопластда йирик битта ядро бор. Хроматофори, одатда, қўнғир рангда, пиреноидлари йўқ. Фотосинтез натижасида крахмал ва мой томчилари ҳосил бўлади. Ҳужайраларининг тенг икки қисмга оддий бўлинеш ўйли билан кўпаяди. Кўпинча денгизларда, қисман йирик, оқмайдиган сув ҳавзаларининг планктонида ҳаёт кечиради.


Пиррофит сувўтларнинг келиб чиқиши жиҳатдан дастлабки содда амёбасимон организмлар ва тилларанг сувўтлар билан қариндошлиги бор, деб ҳисобланади.

### ТИЛЛАРАНГ СУВЎТЛАР БЎЛИМИ — CHRYSOPHYTA

Бу бўлимга асосан микроскопик тузилишга эга бўлган, монад структурали, ҳужайраси радиал симметрияли, тилларанг сарғиш, сарғиш-яшил, ҳатто қўнғир тусдаги сувўтлар киради. Тилларанг сувўтлар аксарият бир ҳужайраги, хивчинлари туфайли ҳаракатчан бўлиб, баъзи коккоид ва ипсимон тузилгандар ҳаракатланмайди. Уларнинг ранги цитоплазманинг ташқи қаватида жойлашган, кўпинча иккита диск кўринишидаги хроматофорга боғлиқ. Уларда хлорофилл, каротин, ксантофилл ва фикоксантин пигментлари бўлади. Бу пигментларнинг цитоплазмадаги миқдорий нисбатларига кўра, тилларанг сувўтлар сарғиш-яшил рангдан, яшил-қўнғир тусгача бўлиши мумкин. Хроматофорларда фотосинтез жараёнида крахмал ҳосил бўлмай, бир ёки бирнече томчи кўринишида махсус углевод — лейкозин ҳосил бўлади.

Тилларанг сувўтлар ҳужайраларининг баъзилари яланғоч — пўстсиз, шунга кўра ўз тана шаклини ўзгартира олиши мумкин, айримлари пектин моддалари ва целлюлоза билан ўралган бўлади. Аксарият турларида ҳужайра пўстининг устки қисми оҳактошли ёки қумтошли, нинасимон ўсимтали ва пластинкасимон моддалар билан қопланган. Ҳужайра битта ёки иккита турли хил узунликдаги хивчинлар ёрдамида ҳаракатланади.

Ҳужайра ҳаракатини тўхтатмаган ҳолда узунасига бўлинеш ўйли билан кўпаяди. Бундан ташқари бир-икки хивчинли зооспоралар ҳам ҳосил бўлади. Колониал тузилгандар колонияни бир неча майда қисмларга бўлинниб кетиши билан кўпаяди. Қўпчилик тилларанг сувўтлар ноқулай шароит пайдо бўлиши билан эндоген циста ҳосил қиласи. Цистанинг пўсти одатда қалин, рангли ва нақшдор бўлади. Тиним даврини ўтагандан сўнг униб зооспоралар ҳосил қиласи. Тилларанг сувўтлар табиатда турли-туман экологик шароитда, кўпинча чучук сув ҳавзаларида, баъзилари шўр кўллар ва денгизларда, айримлари эса нам тупроқларда тарқалган. Қўпчилигини йилнинг совуқ фасллари — эрта баҳор, кеч куз ва қишида учратиш мумкин.



71-расм. А — синура — *Sypiga* колониясининг умумий кўриниши; Б — динобрион — *Dinobryon* колонияси ва алоҳида ҳужайраси.

ташқи томондаги икки хивчини ташқарига йўналган. Цитоплазманинг марказида битта ядро жойлашган. Сарғиш тилларанг пластинкасимон иккита хроматофори ҳужайранинг икки чеккасини эгаллади. Қисқарувчи вакуола, ялтираб кўринувчи лейкозин ва мойлар ҳам учрайди. Ҳужайрада «кўзча» бўлмайди. Колония таркибига кирувчи ҳужайралар оддий йўл билан бўлинниб кўпайганлиги учун катталаша боради. Йирик колониялар майда бўлакчаларга парчаланиши натижасида янги ёш колониялар ҳосил бўлиб туради.


**Динобрион** — *Dinobryon* (71-расм, Б). Динобрионнинг кўпчилик турлари эркин сузуб юрувчи колониядан иборат. Ҳар бир ҳужайра калта ўсимтада ёрдамида қўнғироқ ёки қадаҳга ўхшаш маҳсус «уйча»да жойлашади. Ҳужайрасининг тузилиши синурага ўхшаш, ядро, қисқарувчи вакуола, лейкозин, мой, битта ёки иккита тилларанг сарғиш хроматофори, баъзи вакилларида эса «кўзчаси» ҳам бўлади.

Кўпайганда цитоплазма узунасига бўлиниб ҳосил бўлган қиз ҳужайрадан биттаси «уйча» да қолади, иккинчиси эса ташқарига чиқиб узоққа сузуб кетмай, уйча четининг ички қисмига бирикади ва сувдаги турли моддалардан ўзига янги «уйча»

Тилларанг сувўтлар фототроф организмлар сифатида сув ҳавзала-ридаги гидробионтлар ва балиқлар учун озиқ модда ҳисобланади.

Баъзилар сувнинг «гуллашига» сабаб бўлади. Тилларанг сувўтлар бўлими 5 та: хризоподалар (*Chrysopodophyceae*), хризомонадалар (*Chrysomonadophyceae*), хризокапсалар (*Chrysocapsophyceae*), хризосфералар (*Chrysosphaerophyceae*) ва хризотрихиялар (*Chrysothrichophyceae*) синфларига бўлинади. Бу синфлар ичидаги талломи монад, ризоподиаль, палмеллоид, коккоид ва ипсимон тузилган шакллари учрайди. Монанд структурали, бир ёки бир неча хивчинлар ёрдамида ҳара-катланадиган тузилишига эга бўлган формалар бошқаларига нисба-тан кўпроқ тарқалган. Улардан оқ-майдиган сув ҳавзаларида яшайдиганлари синура ва динобриондир.

**Синура** — *Sypiga* (71-расм, А): Эркин сузуб юрувчи, шарсимон, умумий шилимшиқ пардаси йўқ колониал сувўти. Ҳужайраси тескари тухумсимон, чўзиқ, орқа қисми билан колониянинг ўртасига бирикib,



72-расм. Гидрирус — *Hydrurus foetidus*: 1 — колониянинг умумий кўриниши; 2 — бир қисмининг катталаштирилгани; 3 — зооспораси; 4 — циста.

ҳосил қилиб олади. Айрим ҳолларда ҳар иккала қиз ҳужайра ҳам «уйча» дан ташқарига чиқиши мумкин. Бундай кўпайиши натижасида турли кўринишга эга бўлган динобрион колония ҳосил бўлади. Синура ва динобрион шолипоялар, ҳовузларнинг юзасида учрайди.

Тилларанг сувўтлар ичидаги палмеллоид — шилимшиқсимон тузилган формаларнинг типик вакили бўлиб гидрирус ҳисобланади.

**Гидрирус — *Hydrurus foetidus*** (72-расм). Тез оқадиган, кислород ва минерал моддаларга бой совуқ сув ҳавзаларида учрайди. Гидрирус кўпинча тоғли районларнинг сой ва булоқларида, субстратга «товон» қисми билан ёпишган ҳолда, 20—50 см узунликдаги кучли шохланган шилимшиқсимон колония ҳолида яшайди. Унинг ҳужайралари шилимшиқ танани четки қисмida зич, ўрта қисмida эса сийракроқ жойлашган. Цитоплазмада йирик, қўнғир рангга бўялган битта хроматофор бор. Гидрируснинг талломи учки қисмидан ўсади. Шилимшиқнинг четидаги ҳужайраларгина бўлинади. Узунасига бўлинish натижасида ҳосил бўлган иккита ҳужайрадан биттаси ўсуви сифатида шилимшиқни чеккасида, иккинчиси эса ичкарида қолади. Гидрирус талломидаги ёнбош «шохча»ларнинг ҳужайралари танадан ажралиб чиқиб бир хивчинли тетраэдр (тўрт ўсимтали) шаклга ўхшаш зооспораларга айланади.

Зооспора униб янги гидрирус колониясини ҳосил қиласи. Тилларанг сувўтлар қадимгилардан бўлиб, уларнинг қолдиги кембрий даври чўкмаларида ҳам учрайди. Қелиб чиқишига кўра улар билан диатомсимон ва ҳар хил хивчинли — сариқ-яшил сувўтлар ўртасида маълум даражада қариндошлик алоқалари бор деб ҳисобланади.

### ДИАТОМ СУВЎТЛАР БЎЛИМИ — BACILLARIOPHYTA

Бу сувўтлар бошқалардан ҳужайра пўстининг тузилиши билан ажralиб туради. Пўст қумтош моддалар билан синган бўлиб уни совут дейилади. Совут ташқи кўринишидан хилма-хил шаклга эга. У икки палладан иборат қопқоқли қутичага ўхшаш бўлиб, бири иккинчисини ёпиб туради. Остки кичик палла гипотека, уни ўраб турган усткисини эса эпитека дейилади. Эпитека ва гипотекани агар палласи томондан қаралса, у кўпинча чўзиқ, қисман доирасимон ва нақшдор кўринади. Ён томондан қараганда тўрт бурчакли чўзиқ қутичага ўхшайди. Паллада цитоплазманинг ташқи муҳит билан алоқасини таъминлайдиган коваклар бўлиб, улар совутда алоҳида кўринишини ҳосил қиласи. Сувутнинг ташқи кўринишига кўра диатом сувўтлар иккиси радиаль симметрик — центриклар ва икки томонлама симметрик совути — патсимонлар группаларига бўлинади.

Диатом сувўтлар хроматофорларининг шакли, катталиги ва уларнинг цитоплазмадаги миқдори турличадир.

Центриклар группасига мансуб турларида хроматофор донасимон ёки диск кўринишида бўлиб пиреноидсиз ва кўп миқдорда бўлади. Айрим ҳолларда битта ёки бир нечта, йирик, пиреноидли бўлиши мумкин. Патсимонларда эса хроматофор пластинка шаклида, йирик, цитоплазмани деярли қоплаб туради. Уларнинг ранги таркибидаги каротин, ксантофилл ва диатомин пигментлари туфайли чучук сув ҳавзаларида учрайдиган турларда тилларанг-сарғишдан, денгизлардагиси қўнғир тусгача бўлиши мумкин.

Фотосинтез маҳсулоти сифатида цитоплазмада майдо томчи кўринишида мой тўпланади. Запас озиқ модда ҳолида волютиң ва лейкоzin ҳам ҳосил бўлади. Вегетатив ва жинсий ауксоспора, яъни ўсувчи спора ҳосил қилиш билан кўпаяди.

Вегетатив кўпайиши ҳужайранинг узунасига бўйлаб иккита бўлиниши орқали амалга ошади. Ҳосил бўлган қиз ҳужайра она ҳужайра пўстининг бир палласини олади ва иккинчи палласини ўзи янгидан ҳосил қиласи. Ҳосил бўлган иккинчи янги палла, эски палла ичига кириб туради. Палла чўзилмайдиган бўлгани учун қиз ҳужайралар катта-кичик бўлади. Уларнинг бири она ҳужайрадан эпитека (устки палла) олган қиз ҳужайра бўлиб, унинг бўйи билан баровардир. Шунинг учун унинг ҳажми катта бўлади. Она ҳужайранинг гипотека (ички) палласини олган иккинчи қиз ҳужайра эса кичикроқ ҳажмда бўлади. Бундай бўлиниш бир неча марта такрорлангандан кейин қиз ҳу-

жайралар шу тариқа майдалаша боради. Бўлиниш натижасида ҳужайраларнинг кичрайиб бориши, ауксоспоралар — ўсиш споралари ҳосил бўлгандан кейин йўқолиб, ҳужайранинг катталиги аслига келади. Жинсий кўпайганда иккита ҳужайра бирбирига яқинлашиб, паллаларни бир томони очилади ва протопластлари қўшилиб ауксоспора (ўсуви спора) ҳосил қиласди.

Диатом сувўтлар вакиллари чучук сувлар ва денгизларнинг турли қисмларида эркин ёки субстратга шилимшиқсимон модда ёрдамида ёпишган ҳолда кенг тарқалган. Баъзи турлари нам тупроқларнинг юзасида ҳам учрайди. Диатом сувўтлар бўлими икки синфга: 1. Паллалари радиал тузилган центриклар — Centrophysae; 2. Паллалари икки томонлама симметрик тузилган патсимонлар — Pennatophyseae га бўлинади.

### Центриклар синфи — Centrophysae


Паллалари шаклан доирага ўхшаб, ҳужайра палласи дисксимон, цилиндричесимон, нақшлари радиал ёки концентрик тузилган. Чок ва тугунлар бўлмайди. Вегетатив кўпайиши оддий йўл билан, яъни ҳужайраларнинг тенг иккига бўлиниши билан боради. Жинссиз кўпайганда ҳужайра цитоплазмасидан зооспоралар ҳосил бўлади ва улар ялангоч ҳужайралар кўринишида ташқарига чиқади. Улар бир қанча вақт ҳаракатланиб юргандан кейин хивчинларини ташлайди ва қумтош совутли пўст ҳосил қилиб, янги индивидга айланади. Центриклар синфига бир ҳужайрали ҳамда колонияли тузилган вакиллар киради. Бу синфнинг вакиллари асосан денгизларда кўплаб учрайди. Чучук сув ҳавзаларида бирмунча камроқ тарқалган. Центриклар 5 та тартибга бўлинган бўлиб, улардан бу синф учун энг характерлиси косцинодисклар тартибидир.

### Косцинодисклар тартиби — Coscinodiscales

Бу тартибга алоҳида биттадан ёки ипсимон ва занжирсимон колониал ҳолда яшовчи сувўтлар киради. Совутларининг кўриниши линзасимон, эллипссимон, шарсимон ва цилиндричесимон шаклда бўлади. Бу тартиб сувўтлардан циклотелла, косцинодискус ва мелозираларни келтириш мумкин.

**Циклотелла** — *Cyclotella* (73-расм, 1). Ҳужайраси юмалоқ доирасимон қутига ўхшаш. Совутнинг чекка қисмида унинг пўстига томон радиал жойлашган қобирғалар бор. Ўрта қисми бирор қавариқ. Ҳужайрада майда пластинка шаклида хроматофорлари бўлади. Турли сув ҳавзаларининг юзасида кенг тарқалган.

**Косцинодискус** — *Coscinodiscus* (73-расм, 2). Ҳужайраси энсиз, доирасимон қутичага ўхшаш. Совутда радиал, баъзан тартибсиз жойлашган нуқтасимон қобирғалар бўлади. Хроматофорлари майда донадор ёки пластинка кўринишида. Турли сув ҳавзаларининг юзида ипсимон колониялар ҳосил қиласди ҳолда учрайди.



73-расм. 1 — циклоделла — *Cyclotella*; 2 — косцинодискус — *Coseinodiscus*; 3 — мелозира — *Melosira*.

**Мелозира — *Melosira*** (73-расм, 3). Доира шаклидаги ҳужайра паллада нүқталар күринишида, күпинча, радиал йўналган қобирғалари бўлади. Колонияси цилиндр шаклидаги ҳужайралардан иборат бўлиб, оддий ипсимон ёки занжирсимон күринишдадир. Мелозиранинг иплар күринишидаги колонияларида ўсувчи споралар — ауксоспораларни учратиш мумкин. Тури сув ҳавзаларида кенг тарқалган.

### Патсимонлар синфи — *Pennatophyceae*

Талломи бир ҳужайрали ёки турли кўринишдаги колонияларни ҳосил қиласди. Ҳужайра пўстининг палла томонидаги ўрта чизиқда учта ялтироқ доирacha бор. Уларнинг бири ўртада, иккитаси эса ҳужайранинг икки учига яқин жойидадир. Бу ялтироқ доирачаларга тугунчалар дейилади. Икки чеккадаги тугунчалардан марказий тугунчага қараб чизик тортилган, уни чок деб аталади. Чокнинг икки томонидаги кўндаланг чизиқларни қобирғалар дейилади. Цитоплазмада битта ядро ва иккита пластинкасимон хроматофор бор. Хроматофорлар ҳужайранинг икки ён томонида жойлашган. Ҳужайра симметрик, баъзан асимметрик ва S шаклда қайрилган бўлади. Палланинг устки томонидан кўриниши таёқласимон, ланцетсимон, эллипссимон шаклда бўлади. Патсимонлар синфи 4 та тартибга: палласида чоклари бўлмаган (чоксизлар) *Araphinales*, паллаларнинг биттасида чоки бўлган — *Monographinales*; ҳар икки палласида чок бўлган — *Digraphinales* ва ҳар икки паллада каналсимон кўринишдаги чок бўлган — *Aulanographinales* тартибларига бўлинади.

Патсимонлар чучук сув ҳавзалари ва денгизларда, асосан бентосда турли субстратларда кенг тарқалган.

## Арафиналар ёки чоксизлар тартиби — *Araphinales*.

Биттадан юлдуз ва зиг-заг кўринишда колониялар ҳолида учрайди. Ҳужайра палласи таёқчасимон ёки эллипссимон, чоклари бўлмайди. Чоксизлар тартибининг вакиллари сув ҳавзалирида кенг тарқалган. Улар сувнинг юзасида турли шаклдаги колониялар ҳосил қилиб яшайди. Характерли тузилишга эга бўлган сувўтлардан синедра, фрагилария, табелария, диатома ва астерионеллалардир.

**Синедра** — *Synedra* (74-расм, 1). Ҳужайраси таёқчасимон, икки учи бироз ингичкалашган, қобирғалари калта, параллел жойлашган. Пластинкасимон хроматофори палла томонда жойлашганлиги учун ҳужайра рангли кўринади. Турли сув ҳавзалирида кенг тарқалган турлардан бири.

**Фрагилария** — *Fragillaria* (74-расм, 2). Тузилиши синедрага ўхшаёт, аммо унинг ҳужайралари бир-бири билан бирикеб лентасимон колония ҳосил қиласиди. Колониянинг ён қисми билан бириккан, тўғри тўрт бурчак шаклдаги ҳужайралардан ташкил топганлигини ҳам кўриш мумкин. Турли сув ҳавзалари юзасида кенг тарқалган.

**Табеллария** — *Tabellaria* (74-расм, 3). Ҳужайралари зиг-заг, баъзан юлдузсимон кўринишдаги колонияларни ҳосил қиласиди. Колониянинг ҳар бир ҳужайраси таблетка шаклида, бир-бири билан шилимшиқсимон модда ёрдамида бириккан. Хроматофорлари донадор шаклда. Турли сув ҳавзалари планктонида тарқалган.


**Диатома** — *Diatoma* (74-расм, 4). Колониал, ҳар бир ҳужайра бир-бири билан зиг-заг кўринишда бириккан, алоҳида ҳужайрасининг икки учи текис қайрилган қайиқча кўринишда бўлади. Чучук сув ҳавзаларида кенг тарқалган турлардан бири.

**Астерионелла** — *Asterionella* (74-расм, 5). Колонияси юлдузсимон кўринишда, ҳар бир ҳужайрани икки учи бироз қавариқ таёқча шаклида. Қовирғалар параллел жойлашган. Хроматофорлари донадор ёки пластинкасимон бўлиши мумкин. Турли сув ҳавзалари юзасида учрайди.


## Монографиналар ёки бир чоклилар тартиби — *Monographinales*

Бу тартиб сувўтлар алоҳида ҳужайра ёки лентасимон колония кўринишида, шилимшиқ модда билан субстратга ёпишган ҳолда турли сув ҳавзаларида учрайди. Ҳужайра палласи тўғри ёки қайрилган таёқчасимон шаклдан, эллипс кўринишигача бўлиши мумкин. Ҳужайра палласида чок фақат унинг бир томонидагина бўлади. Бу тартибининг характерли вакили кокконеисдир.

**Кокконеис** — *Cocconeis* (75-расм, 1). Кокконеисни кўпинча яшил сувўтлардан кладофоранинг талломига ёпишган ҳолда учратиш мумкин. Эллипссимон шаклдаги ҳужайра палласи билан кладофорага ёпишади. Қобирғалари паллани марказий қисмida параллел, икки четига томон эллипс шаклда жойлашади.



74-расм. 1 — синедра — *Synechocystis*; 2 — фрагилария — *Fragilaria*; 3 — табелария — *Tabellaria*; 4 — диатома — *Diatoma*; 5 — актерионелла — *Asterionella*.



75-расм. 1 — кокконейс — *Cocconeis*; 2 — пиннулария — *Pinnularia*; 3 — навикула — *Navicula*.

## Дирафиналар ёки чоклилар тартиби — Diraphinales

Кўпинча бир ҳужайрали, баъзан лентасимон шохланган кўринишда колониялар ҳосил қиласди. Палланинг шакли таёқчилик, эллипссимон ва S кўринишида қайрилган, ҳар иккала томонида эса чок бўлади. Бу тартибдан пиннулария, навикула, гиросигма, гомфонема ва цимбеллаларни келтириш мумкин.

**Пиннулария** — *Pinnularia* (75-расм, 2). Йирик, бир ҳужайрали сувёти бўлиб, шаклан эллипсга, ён томондан қаралганда эса чўзиқ тўғри тўрт бурчакка ўхшаш. Палланинг икки чеккаси текис қайрилган, қобирғалари патсимон, тугунлар аниқ кўринади. Ипсимон тўғри йўналган чок, паллани узунасига иккига бўлиб туради. Турли сув ҳавзаларида кенг тарқалган.

**Навикула** — *Navicula* (75-расм, 3). Бир ҳужайрали турли сув ҳавзаларининг хилма-хил жойларида кўп тарқалган. Ҳужайранинг шакли кўпинча қайиқча кўринишида. Баъзи турлари пиннуларияга ҳам ўхшаб кетади. Навикуланинг ҳужайра палласидаги қобирғалар пункттир ёки нуқта шаклида. Улар парал-

лел ёки радиал, баъзиларининг марказий қисмida радиал, икки чеккаси эса қутбларга томон йўналган бўлиши мумкин.

**Гиросигма** — Gyrosigma (76-расм, 1). Ҳужайраси *S* шаклида тузилганлиги билан бошқалардан фарқ қиласди. Паллада жуда нозик, бир-бирига параллел ва перпендикуляр йўналган қобиргалар жойлашган. Чок палланинг ўрта қисмидан ўтади. Пластинкасимон иккита хроматофор ҳужайранинг икки ён томонида жойлашган. Турли сув ҳавзалари учрайди.

**Гомфонема** — Gomphonema (76-расм, 2). Ҳужайраси ён томондан ассиметрик — бир томони энли, иккинчиси эса энсиз кўринишда, қобиргалар нуқтасимон радиал жойлашган. Чок ҳужайра марказидан ўтади. Иккита хроматофори ҳужайранинг ён томонларида жойлашган. Турли сув ҳавзалари тубида шилимиқсимон узун «оёқчалар» ёрдамида субстратга бириккан ҳолда учрайди.

**Цимбелла** — Cymbella (76-расм, 3). Ўзининг ярим ойсимон, текис ёки ботиқ қорин қисми ва қабариқ елка қисми тузилиши билан бошқа турлардан фарқ қиласди. Чок қорин қисмiga яқинроқ жойлашган. Битта пластинкасимон хроматофори қобирға томонида. Цимбелла чучук сув ҳавзаларининг турли қисмларида, кўпинча бирор субстратга бирикб шилимиқсимон парда ичига ўралган ҳолда яшайди.

### Ауланорафиналар ёки канал чоклилар тартиби — Aulanogarniales

Бу тартиб сувўтлари ҳаракатчан, баъзан ўтроқ ҳолда яшайди. Лентасимон колониялар ҳосил қиласди. Ҳужайра палласи энига ва бўйига симметрик тузилган. Палла таёқчасимон, эллипссимон, доирасимон ва ярим ой шаклида бўлиши мумкин. Тартибнинг характеристери вакили нитццияидир.

**Нитцция** — Nitzschia (76-расм, 4). Ҳужайраси таёқчасимон, баъзан икки учи ингичкалашган цилиндрисимон шаклда. Ҳар бир палланинг бир ёнбошидан узун бўртма — қирра ўтиб, у ерда чок жойлашган. Иккала палланинг қирраси бир-бирига диагональ ҳолда йўналган. Ҳужайрани ён томонидан қаралса қирра ва чок биргаликда узунасига жойлашган чизиқча ҳолда кўринади. Пластинка шаклидаги хроматофори кўпинча ҳужайрани ён қисми бўйлаб жойлашади. Палладаги қобиргалар кўндаланг параллел чизиқчалар ҳолида бўлади. Нитцция турли сув ҳавзаларида кўп учрайди.

**Диатом сувўтлар** табиатда моддаларнинг алмашинувида ва сув муҳитидаги турли организмларнинг озиқ занжирида катта роль ўйнайди. Улар билан кўпчилик ўтхўр балиқлар озиқланади, чунки бу сувўтларнинг таркибидаги оқсил ва майнинг миқдори буғдој ва картошканинг таркибидагидан ҳам кўпроқ. Диатом сувўтлар денгиз бўғозлари ва кўрфазларидағи органик ифлосланишларни табиий йўл билан тозалашда ҳам муҳим рол ўйнайди, сувнинг ифлосланганлик даражасини билдирадиган ин-

дикатор вазифасини бажаради. Сувўтлар денгизлар ва чучук сувъ ҳавзаларида балчиқлар ҳосил қиласди. Мамлакатимиз территориясидаги шифобахш балчиқларнинг таркибида ҳам кўплаб миқдорда диатом сувўтлар учрайди. Диатомит деб аталадиган оқиш ёки кулранг тусли жинснинг 50—80% и диатом сувўтларнинг совутидан иборат. Бу жинс ғоваклилиги ва кучли даражада сўриб олиш хусусиятига кўра озиқ-овқат, химия, медицина саноатида ҳамда қурилишда кўплаб ишлатилади.

Диатом сувўтлар бўр даври ётқизиқларидан маълум. Уларнинг ривожланиш эволюцияси ҳужайранинг ташқи муҳитга мослашишида мураккаблаша борган. Бу сувўтлар алоҳида бўлим сифатида бошқалари билан бевосита алоқадор эмас. Ҳужайра тузилишининг бაъзи белгилари, пигментлари, запас озиқ моддалари ва қумтош моддали пўстнинг мавжудлигига кўра улар тилларанг сувўтларга яқин туради.

## ҚЎНФИР СУВЎТЛАР БЎЛИМИ — РНАЕОРНУТА

Қўнфир сувўтларга асосан макроскопик тузилишга эга бўлган сарғиш-қўнфир тусли, хилма-хил шаклли, тузилиши жиҳатидан бирмунча юксак ўсимликларга ўхшаш сувўтлар киради.


Ҳужайра пўсти ички целялюзали, ташқи пектин моддали қаватлардан иборат ва шилимшиқ модда билан ўралган. Қўнфир сувўтлардаги целялюзоза ўз хоссаларига кўра юксак ўсимликлардаги целялюзозадан фарқ қиласди ва уни альгулоза дейилади. Хлоропластларида хлорофиллдан ташқари каротин, ксантофилл пигментлари бўлиб, фотосинтез натижасида запас озиқ модда сифатида полисахарид ламинарин ва маннит, баъзан эса ёф ҳосил бўлади. Қўнфир сувўтларнинг талломи бир неча мм дан тортиб бир неча м гача, баъзи вакилларида эса ҳатто 50 м узунликгача етади. Соддароқ тузилганларида талломи оддий ёки шохланган ип кўринишида бўлса, мураккаб тузилганларида турли-туман, ҳатто юксак ўсимликларга ўхшаш бўлиб, талломда дастлабки паренхима тузилишларни ҳосил қиласди. Ҳужайра пўстидан углевод тузилишга эга бўлган фукоидин моддаси ажралиб чиқиб, у таллом атрофидаги шилимшиқ модда билан қўшилиб денгизнинг қуйилиши натижасида қуриқликка чиқиб қолган сувўтни қуриб қолишдан сақлайди. Қўнфир сувўтларнинг ҳаёт даври баъзиларида бир йил, бошқаларида эса кўп йилликдир. Талломнинг ўсиши учлари билан, у ерда жойлашган ва доимо бўлиниш хусусиятига эга бўлган ҳужайралар воситасида ва интеркаляр — ўсиш «шохчалари» орасидаги ҳужайралар ёрдамида бўлади.

Улар вегетатив, жинссиз ва жинсий йўл билан кўпаяди. Вегетатив кўпайиши талломни тасодифан узилиши билан, сфацептерия турида эса фақат шу турга мансуб бўлган куртаклар ёрдамида амалга ошади. Жинссиз кўпайгандага зооспоралар, диктиоталар тартибининг вакиллари эса ҳаракатсиз тетраспоралар


ҳосил қилиб күпаяди. Жинсий күпайиши изогамия, гетерогамия ва оогамия йўли билан бориб, гетерогамия камроқ рўй беради.

Изогамета ва гетерогаметалар кўп ҳужайрали гаментангийларда ҳосил бўлади. Қўнғир сувўтларда изоморф ва гетероморф равишда наслларнинг галланиши рўй беради. Гетероморф галланишда биттаси микроскопик тузилган, кўпинча гаметофит бўлади. Макроскопик таллом юзага келишида дастлаб субстрат бўйлаб жойлашган ип ҳосил бўлади ва ундан вертикал йўналишдаги тирик таллом ривожланади.

Бирмунча оддий тузилган қўнғир сувўтларда (хордариялилар, эктокарпалар) бир-биридан кескин фарқланадиган ривожланиш учрамайди. Спорафитдан ҳосил бўлган спорадан гаметофитли ёки спорафитли таллом етишиши мумкин. Қўнғир сувўтлар изогамия йўли билан кўпайганда, гаметофитда юзага



76-расм. 1 — гиросигма — *Gyrosigma*; 2 — гомонема — *Gomphonema*; 3 — цимбелла — *Cymbella*; 4 — ницзия — *Nitzschia*.



77-расм. Эктокарпус — *Ectocarpus*; А — талломининг умумий кўриниши; Б — алоҳида ҳужайраси.

келган изогаметалар ўзаро қўшилиб зигота ва ундан спорофит таллом етилиши ёки гаметалар зооспораларга ўхшаб уни яна гаметофитли талломни ҳосил қилиши мумкин.

Спорофит ва гаметофит даминариялар ва циклоспоралар тартиблари вакиллари морфологик жиҳатдан бир-биридан кескин ажralиб туради. Бу тартиб вакилларида ҳосил бўлган зигота спорофит талломини оғонийнинг пўстига ёпиширган ҳолда ривожланади.

Кўнғир сувўтлар асосан денгизларда, кўпинча «ўтлоқлар» ҳосил қилиб 40—100 м чуқурликгача тарқалган. Улар 6—15 м чуқурликда денгиз сувининг қуйилиши ва қайтиши натижасида юзага келадиган оқимли жойларда айниқса кўплаб учрайди.

Кўнғир сувўтларга 240 туркум ва 1500 га яқин тур киради. Улар иккита синфга: 1. Фэозооспоралар — *Phaeozoospophyseae* ва 2. Циклоспоралар — *Cyclospophyseae* га бўлинади.

### Фэозооспоралар синфи — *Phaeozoospophyseae*

Кўпайишида жинсий галланиш рўй берадиган, спорофит ва гаметофит шакли ҳамда катта-кичиклиги жиҳатидан бир-биридан фарқ қилмайдиган сувўтлар киради. Спорофит ва гаметофит мустақил ўсиб ривожланади. Бу синфга эктокарпалар, диктиоталар ва ламинариялар тартиблари киради.

### Эктокарпалар тартиби — *Ectocarpales*


Бир қатор жойлашган ҳужайралардан иборат оддий ипсизмон ёки шохланган ипсизмон талломли сувўтлардан иборат. Бу тартиб вакилларидан энг характерлиси эктокарпусдир.

Эктокарпус — *Ectocarpus* (77-расм). Тузилиши бўйича бир қатор жойлашган ҳужайралардан иборат, шохланиб кетган ва шу шохларнинг асосидан интеркаляр ҳолда ўсади. Жинсиз кўпайиши зооспоралар ҳосил қилиш йўли билан боради. Зооспоралар ён шохчаларнинг учida энг охирги ҳужайрадаги зооспорангийда етишади. Жинсий жараён тузилиши жиҳатидан зооспораларга ўхшаёт, ҳаракатчан, изогаметаларнинг қўшилишидан содир бўлади. Ҳосил бўлган зигота тиним даврини ўтамай ўсиб, янги индивидга айланади. Эктокарпус денгиз қирғоқларида субстратга ёпишган ҳолда яшайди.

### Диктиоталар тартиби — *Dictyotales*.

Бу тартибга йирик, катталиги 5—50 см га етадиган пластинкасизмон ёки шохланган талломли сувўтлар киради. Тартибининг характерлери вакили диктиотадир.

Диктиота — *Dictyota* (78-расм). Талломи дихотомик шохланган пластинка кўринишида бўлиб, унда тетраспорангий деб аталувчи кўпайиш органлари ҳосил бўлади. Тетраспорангийларда хивчинизз тўрттадан спора (тетраспора) етишиб, ташқи кўринишида диктиотадан фарқ қилмайдиган, аммо энди жинсий органлар ҳосил қиладиган индивидга айланади. Жинсий кў-



78-расм. Диктиота — *Dictyota*: 1 — умумий кўриниши; 2 — тетраспорангийли талломининг кесмаси; 3 — оогонийли талломининг кесмаси; 4 — антеридийли талломининг кесмаси.

пайганда антеридий ва оогоний бошқа-бошқа индивидларда ҳосил бўлади.

Антеридийларда бир қанча сперматозоидлар етишса, оогонийда биттә тухум ҳужайра ҳосил бўлади. Уруғланган тухум ҳужайра ривожланиб янги, аммо энди яна тетраспорангийлар ҳосил қиласиган индивидга айланади. Шундай қилиб, бу ерда насллар антитетик равишда алмашинади, лекин улар ташки кўринишидан фарқ қилмаса ҳам, физиологик ва цитологик жиҳатдан бир-биридан бошқача бўлади. Тетраспорангийлар ҳосил қилувчи индивид жинсиз насл, сперматозоидлар ва тухум ҳужайра ҳосил қилувчи индивидлар жинсий насл деб аталади. Диктиота Азов ва Қора денгиз қирғоқларида субстратга ризоиди ёрдамида бириккан ҳолда учрайди.

## Ламинариялар тартиби — Laminariales

Бу тартиб вакиллари жинсларнинг алмашинуви, спорафит ва гаметофитни бир-биридан ўзининг шакли, катталиги, тузилишидаги фарқи ва ҳаёт даврининг турлича бўлишилиги билан ажралиб туради. Спорафит — жинссиз равишда кўпаювчи индивид, кўп йиллик, муракқаб тузилиши бўлиб, гаметофит — жинсий равишда кўпаювчи индивид, кўпчилик турларда микроскопик, оддий ипсимон ёки кам шохланган ипсимон тузилишга эга. Бу тартибининг энг характерли тури ламинариядир.


**Ламинария** — *Laminaria saccharina* (79-расм). Морфологик тузилиши жиҳатидан лентасимон ва панжасимон тармоқланган кўринишида. Унинг лентасимон пластинкаси билан ризоиди орасида ўсуви зона бўлиб, у бутун танани икки томонга ўсишини таъминлайди ва бунинг натижасида, ламинарияниң йирик талломи етишади. Ламинария талломи кўп йиллик бўлгани учун ризоиди ва ўсуви қисми қишлиб, ҳар йили баҳорда янги пластика ҳосил қиласверади ва эскиси юқорига сурилиб, кейинчалик узилиб кетади.

Ламинария жинссиз ва жинсий йўл билан кўпаяди. Жинсиз кўпайиш органлари — зооспорангийлар барг пластинкасининг икки томонида группа-сорус ҳолида тўпланади. Зооспорангийдан зооспоралар чиқиб, микроскопик тузилган чангчи ва уруғчи ўсимталарга айланади. Чангчи ўсимталари ён шохчалар кўринишида тармоқланган иплардан иборат бўлиб, уларда бир ҳужайрли антеридийлар шаклланади. Уруғчи ўсимталари калтароқ, бир неча ҳужайрадан иборат, ҳар бири битта тухум ҳужайрали оогонийга айланади. Вояга етган тухум ҳужайра, оогонийдан ташқарига чиқиб уни теппасига ёпишади ва сперматозоидлар билан уруғланади. Ҳосил бўлган ооспора, тиним даврини ўтамай ўсиб, янги кўп йиллик, йирик ламинария талломини ҳосил қиласади.

Ламинария денгиз қирғоқларида кўп учрайди. Унинг тарқалиш зонаси, қирғоқдан 40 м чўқурликкача боради. Шимолий Муз океани денгизларида асосан панжасимон ламинария — *Laminaria digitata* кенг тарқалган. Мамлакатимизнинг шарқидаги Ихота, Япон денгизларининг соҳилга яқин сувларида эса лентасимон ламинария — *Laminaria saccharina* кўплаб ўсади. Денгиз атрофи мамлакатлари аҳолиси ламинарияни озиқ-овқат сифатида ва медицина мақсадларида кенг ишлатади.

## Циклоспоралар синфи — Cyclosporophyceae

Бу синфга ҳаёт даврида жинслари галланмайдиган сувўтлар киради. Уларнинг диплоид талломида фақат жинсий органлар бўлиб жинссиз йўл билан кўпаймайди. Фэзооспоралардан фарқланган ҳолда бу синф вакиллари йирик талломга эга. Уларнинг асосий фарқли белгилари ривожланиши ва кўпайишидир. Ривожланиш жараёнида иккита мустақил индивид ҳосил қил-



79-расм. Ламинария — *Laminaria*: А. 1 — лентасимон талломи; 2 — панжасимон талломи. Б. Ривожланиш цикли; 1 — спора ҳосил қилувчи таллом; 2 — зооспоралари; 3 — 4 — субстратга биринчиши; 5 — спораларнинг униши; 7 — 8 — гаметофитлар; 9 — 10 — 11 — спорофитли талломининг ривожланиши.

майди. Гаметангийлар шарсимон тузилган концентакула ёки проспора деб аталадиган жойда етишади. Бу синфдан фокуслар тартибини келтириш мумкин.

### Фукуслар тартиби — Fucales

Бу тартиб вакилларининг талломи шохланган, ясси, пластинкасимон кўринишда бўлиб, субстратга ризоидлари ёрдамида бириккан ҳолда яшайди. Бу тартибнинг энг характерли вакилларидан фокусни келтириш мумкин.

**Фукус** — *Fucus* (80-расм). Фукуснинг вакиллари орасида пуфакчали, фукус — *Fucus vesiculosus* бошқа турларга нисбатан анча кўп учрайди. Унинг ясси, ингичка қайишсимон талломининг узунлиги 50 см гача етади. Фукуснинг жинсий органлари концептакулада ҳосил бўлади. Концептакула думалоқ «уйча» ичидаги кўплаб зич жойлашган ўсимталар билан тўлган бўлади. Ҳар бир ўсимта ташқи муҳит билан боғланиб турувчи тешикча билан таъминланган. Концептакула устидан ташқарига кўп ҳужайрали толасимон, кокил шаклидаги ўсимталар ўсиб чиқади. Айрим жинсли фукусларда чангчи ва уруғчи концептакулалар алоҳида индивидларда ҳосил бўлади.

Уруғчи концептакулалардаги оогоний овал шаклида, тўқ рангли бўлади. Оогонийда саккизта тухум ҳужайра ҳосил бўлиб, улар оогонийнинг ташқи пўсти ёрилиши билан ташқарига чиқади. Антеридий, чангчи концептакулаларда вояга етиб, уларнинг ҳар бирида 64 тадан шилимшиқ модда билан ўралган сперматозоидлар етилиб ташқарига чиққач, тухум ҳужайрани уруғлантиради. Фукус Кора ва Азов денгизларининг қирғоқларида турли субстратларга ёпишган ҳолда кенг тарқалган.


Қўнғир сувўтлар, денгизларнинг қирғоқларида 1 м<sup>2</sup> майдонда бир неча ўнлаб кг биомассани ташкил қилганлиги туфайли асосий органик модда манбаи бўлиб ҳисобланади. Улар ҳосил қилган «ўтлоқлар» қирғоқ бўйида яшовчи сув ҳайвонлари учун пана жой ҳисобланади. Йирик талломли турлари кўпинча чорва моллари учун ем-хашак ва таркибида калий тузлари кўплиги туфайли ўғит сифатида фойдаланилади. Ламинария ва алатрияниң баъзи турларини денгиз атрофи мамлакатлари халқлари озиқ-овқат сифатида ишлатадилар. Ламинарияга мансуб йирик талломли сувўтлардан елимлаш хусусиятига эга бўлган, саноатнинг турли соҳаларида кенг фойдаланиладиган алъгин кислота олинади. Қўнғир сувўтлардан ажратиб олинадиган олти атомли спирт-маннит фармацевтика саноатида, синтетик смола, бўёқ, қофоз олийшда, тери ошлашда ва медицинада кенг фойдаланилади. Ламинариялар талломининг таркибида 0,3% гача йод моддаси бўлганлиги туфайли улардан саноат миқёсида йод ажратиб олинади.

Қўнғир сувўтлар қадимги сувўтлар гуруҳидан бўлиб, уларнинг вакиллари қазилма ҳолда палеозой ётқизиқларидан топилган. Хлоропластлардаги пигментларнинг ва запас озиқ модда-

ларнинг ўхшашлиги уларни тилларанг сувўтлардан келиб чиқсаң деган фикрга олиб келади. Қўнғир сувўтларда бир ҳужайрали формаларнинг йўқлиги, талломнинг мураккаб тузилганлиги тилларанг сувўтлар билан алоқадорлигини камайтиради.

## СУВЎТЛАРНИ ТАРҶАЛИШИ ВА ЭКОЛОГИК ГРУППАЛАРИ

Сувўтларнинг ташқи мухит шароитларига осон мослашиши уларнинг табиатда кенг тарҷалишига олиб келган. Улар сувмуҳитида, қуруқликда, қорда ва муз тагида, илиқ булоқларда Шимолий Муз океанидан тортиб, тропик мамлакатларгача, тақир ерлардан то баланд тоғ чўққилариғача учрайди. Сувўтлар талломининг микроскопик тузилганлиги ва ҳаётчанлиги уларни турили узоқ масофаларга тарҷалишига имкон беради. Денгиз



80-расм. Фукус — *Fucus*: А — умумий кўриниши; 1 — ҳаво пупырччалари; 2 — концептакуллар; Б — оогонийли скағидий; В — сперматозоидли скағидий; Г — антиридийли талломнинг бир қисми; Д — оогоний.

юқими билан бир денгиздан иккинчисига, ундан океанга, дарәларда эса бир қитъадан иккинчи қитъага тарқалади. Сувўтлар маълум бир экологик шароитга мослашиб ҳам ўсади. Масалан, илиқ денгизларда яшил сувўтлар кўп бўлса қўнғир сувўтлар озроқ, совуқ денгиз сувида аксинча, қўнғир сувўтлар кўп яшиллар озроқ. Чучук сув ҳавзаларида ҳам ўзига хос турлар алоҳида экологик шароитларда учрайди. Тез оқадиган сувларда алоҳида, юқмайдиган сувларда бошқа турлар кўпроқ ўсади.

Сувўтлар табиатда муҳим роль ўйнайди. Улар бир қараашда оз кўрингандай бўлади-ю, аслида бутун планетамиз миқёсида катта миқдорни ташкил этади. Рақамларга мурожаат қиласлил. Агар 1 см<sup>3</sup> сувда 3 дона сувўт ҳужайраси бўлса, 1 м<sup>3</sup> миқдорда эса у 1 миллионни ташкил қиласди. Баҳорда сувнинг илиши билан улар кўпайиб ёзда ва кузда уни «гулашига» олиб келади яъни шу сувнинг ранги сувўт рангига бўялиб кетади. Бундай ҳолат кичик сув ҳавзаларига хос бўлиб қолмай, ҳатто денгиз қўлтиқлари ва кўрфазлари ҳам жуда катта майдонларда «гуллайди». Ёзниг иссиқ кунларида Азов ва Балтика денгизи тўқяшил тусли ўтлоқларга ўхшаб кетади. Бундай ҳолларда 1 см<sup>3</sup> сувда 1 млн дан ортиқроқ, яъни 1 м<sup>3</sup> сувда 1000 млн дан кўпроқ миқдорда сувўт ҳужайраси бўлади. Шунга кўра сувўтларнинг ҳосил қилган органик массаси — биомассаси 1 м<sup>3</sup> сувда 270 г гача етиши мумкин. Баренц денгизида субстратга ёпишиб ўсуви сувўтлардан ламинария 1 м<sup>2</sup> майдонда 15—30 кг гача, фикуснинг биомассаси 8—10 кг гача этади. Бу сувўтлар ўзи ўсаётган сув ҳавзасининг шу сатҳида ўрта ҳисобда 26—34 кг биомасса ҳосил қиласди.

Чучук сувларда ўсадиган сувўтларнинг биомассаси анча оз. Масалан, кладофоранинг 1 м<sup>3</sup> ҳажмдаги биомассаси 3 кг га боради, холос.

Денгиз планктонидаги сувўтлар бир йилда 1 га майдонда 30—50 т, бентос формалар 100—170 т гача ҳўл биомасса ҳосил қиласди. Сувўтларнинг маҳсулдорлиги дунё океани бўйича кеийнги маълумотларга кўра 1 га майдонда 1,3—2,0 т қуруқ биомассани ташкил қиласди. Бу планетамизда бир йилда ҳосил бўладиган органик модданинг тўртдан бир қисмига тўғри келади.

Сувўтларнинг тарқалиши улар ўсаётган маҳаллий шароитга маълум даражада боғлиқ ва улар сув ҳавзасининг планктонида, бентосда, тупроқда, иссиқ булоқларда, қор ва муз остида ҳамда бошқа организмлар билан ҳамкорликда ўсади.

**Фитопланктон.** Планктон деб, микроскопик ва кичик макроскопик тузилган, ҳаракатланмайдиган ёки сувнинг ҳаракатига қаршилик кўрсата олмайдиган, сувда муаллақ ҳолда яшайдиган организмлар йиғиндисига айтилади. Хивчинга эга бўлган баргли кўк-яшил сувўтлар, кўпчилик диатомсимонлар ва протококклар ҳамда баъзи десмидиялар планктонда яшайди. Уларнинг катталиги одатда микрон ёки баъзилари эса миллиметр билан ўлчаниб, массалари мг нинг бир неча улушкини ташкил қиласди. Булардан ташқари планктонда яшаш учун ўзларининг солиштирма

оғирлигини камайтириш мақсадида, масалан, диатомсимонлар-фотосинтезда крахмал ўрнига мой, күк-яшил сувўтлар эса газли. Вокуолалар ҳосил қилганлар. Бошқа мосламалар ҳам учрайди.

Тиниқ сувли денгизлар планктонида 100 м гача чуқурликда асосан диатомсимон ва пиррофил сувўтлар кўплаб учрайди.

Чучук сув планктони кўпи билан 5 метр чуқурликгача боради. Бу ерда бир ҳужайрали ва колониал тузилган яшил сувўтлардан вольвокслар ва протококклар, күк-яшил ва диатомсимонлар, эвгленасимонлар ва тилларанг сувўтлар кўп учрайди. Чучук сув планктонида вақтинча сув юзасида яшайдиган турлар ҳам кўп. Планктонда яшайдиган сувўтларнинг шаклланишига комплекс факторлар таъсири кўрсатади. Биринчи навбатда сув ҳавзасининг ёруғлик режими ва сувнинг температураси таъсири этади. Химиявий факторлардан сувда эриган тузларнинг миқдори — унинг шўрлиги аҳамиятлидир.

**Фитобентос.** Бентос сувўтларга сув ҳавзасининг остида ёки бошқа субстратларга ёпишган ҳолда бирикиб ўсуви сувўтлар киради. Денгизларнинг бентоси асосан қизил ва қўнғир, қисман яшил сувўтлардан иборат. Баъзан күк-яшил сувўтлар ҳам учрайди. Улар балчиққа, тошларга, қирғоқда қумга ва бошқа субстратларга ёпишган ҳолда ўсади. Чучук сув ҳавзаларининг бентосида турли-туман яшил сувўтлар: улотрисслар, кладофоралар, хараплар, диатомсимонлар ва күк-яшил сувўтлар кўплаб учрайди. Улар субстратга бириккан ҳолда ёки бевосита уни юзасида муаллақ яшайди.

Денгиз фитобентосида сувўтларнинг тарқалишига асосан сув ҳавзасининг чуқурлиги ва ёритилганлик даражаси асосий факторлардан ҳисобланади. Сув ҳавзаларининг чеккасида сувўтларнинг ривожланишига қараб у 3 минтақага бўлинади.

1. **Литораль минтақа** — денгиз сувининг қўйилишини юқори нуқтасидан, қўйи чегарасигача бўлган зона. Мамлакатимизнинг Шимолий Муз океани денгизлари, бу зонада асосан қўнғир сувўтлардан фукус кўплаб учрайди.

2. **Сублитораль минтақа** — денгиз сувининг қўйилишини қўйи чегарасидан 40 метр чуқурликкача бўлган зона. Бу зонада сувўтлар жуда хилма-хил ва кўп миқдорда ўсади. Совуқ ва илиқ денгизларнинг сублитораль минтақасида ламинариялар энг кўп тарқалган бўлиб, улар сувости ўтлоқларини ҳосил қиласади. Ламинариялардан чуқурроқда қизил сувўтлар учрайди.

3. **Элитораль минтақа** — денгизларнинг 40 метрдан 100 метр чуқурликкача (баъзан бундан ҳам чуқурроқ) бўлган қисми. Бу минтақа сувўтларга унчалик бой эмас, мазкур зонада кўпроқ қизил сувўтлар учрайди.

Илиқ денгизларнинг фитобентаси совуқ сувли денгизларга қараганда сувўтларга бирмунча бой.

**Тупроқ сувўтлари.** Сувдан ташқари мұхитда: тупроқ юзасида, зах босган деворларда, лой томларда ва дараҳтларнинг нампўстлоқларида ўсади. Улар ёмғир суви ёки шудринг нами ҳисобига яшайверади. Бу сувўтлар ўзининг асосий ҳаёт даврини ана-

биозга яқин ҳолатда ўтказади. Бундай турларга күк яшил сув- ўтлардан *Noctoc commune* мисол бўлади. Унинг 3—4 см узун- ликдаги бужмайган пластинка шаклидаги талломини респуб- ликамизнинг турли областларида тупроқ юзасида учратиш мумкин. Унинг ҳўл биомассаси баъзи ҳолларда 1 гектар бошига 36,4 кг гача етади. Пахта далаларининг эгатлари юзасида са-риқ-яшил сувўтлардан *Botrydium granulatum*, кўк-яшил сувўт- ларнинг шилимшиқ қобиқли ипсимон тузилган вакиллари, бир ҳужайрали протококклар яшил «гиламларни» ҳосил қиласди. Сувўтлар тупроқ ичига сув билан ҳатто 70 см гача кириб бори- ши мумкин. Бу ерда кўпинча бир ҳужайрали ва колониал прото- кокклар кўк-яшил, диатомсимон ва сариқ-яшил сувўтлар вакил- лари учрайди. Ҳозиргача республикамизнинг турли областлари тупроқларида 200 дан ортиқ тур сувўтлар мавжудлиги аниқ- ланган.

Иссиқ булоқ сувларида ҳам сувўтларнинг турли вакилларини учратамиз. Бундай сувўтлар ичидаги кўк-яшиллар кўпчиликни ташкил қиласди. Баъзи сувўтлар ҳаёти учун энг юқори темпера- тура 52°C бўлса, бошқалари бундан ҳам юқори 75°—80°, ҳатто 84°C да ҳам ўсаверади. Бундай сувўтлар термофиллар дейилади. Қамчатканинг 75, 7°C ли булоқларидан бирда 52 турдаги сувўт бўлиб, улардан 28 тури кўк-яшилларга, 17 тури диатомсимон- ларга, 7 тури яшил сувўтларга мансублиги аниқланган.

Қор ва муз остида ҳам сувўтларни учратиш мумкин. Мамла- катимизнинг баланд тоғли зоналаридан Қавказда, Шимолий Уралда, Қамчаткада баъзан қизил қор ёқсанлиги матбуот ор- қали маълум. Қорнинг қизил раңгга киришига *Ghlyamydomonas pivalis* сувўти сабабчи бўлади. Қизил гематохром пигментли бу бир ҳужайрали сувўт қорнинг юзаси бироз эриши билан жуда тез кўпайиб, ҳаракатланмайдиган ва ҳаракатланадиган кўрини- шини ҳосил қиласди ҳамда қорнинг қизил тусга киришига олиб келади. Бундай ҳолатни Чотқол тоғ тизмасининг юқори зонала- рида ҳам учратиш мумкин ва уни қорнинг «гуллаши» дейилади. Қор баъзан яшил, сариқ, ҳатто қора рангда «гуллаши» ҳам мум- кин. Олимлар томонидан Қавказнинг рангли қорлари таркибида 55 тур сувўти борлиги аниқланган. Арктика ва Антарктида муз- ликлари остида ҳам сувўтлари, жумладаң диатомсимон сувўт- ларнинг энг кўп миқдорда учратиш мумкин. Улар музнинг «гул- лашига» олиб келади. Бу қорнинг «гуллашидан» тубдан фарқ қилиб, диатомсимон сувўтлар 1 м<sup>2</sup> муз остида 1 кг яқин ҳўл био- масса ҳосил қиласди ва музга алоҳида тус беради. Олимларимиз томонидан Арктика музликлари остидан 80 турдан ортиқ ди- атомсимон сувўтлар топилган.

## СУВЎТЛАРНИ АҲАМИЯТИ ВА УЛАРНИ КЎПАЙТИРИШ

Сувўтларнинг табиатда кенг тарқалганлиги ва кўплаб био- масса ҳосил қилиши улардан турли соҳаларда фойдаланиши- тақозо қиласди. Бир қараашда сувўтлар билан тўқимачилик са-

ноати, қандолатчилик ва қоғоз тайёрлаш орасида ҳеч қандай алоқадорлик йўқдай. Космосга парвоз билан-чи? Сувўтларнинг амалий аҳамияти балиқ ва қишлоқ хўжалигида, коммунал хўжалигида, сув транспорти қатновида, бевосита одамларнинг озиқ-овқатида, саноатда эса маҳсулот олишда хомашё сифатида аҳамияти катта. Сувўтлар дengiz атрофи мамлакатлари ҳалқларининг севимли овқати ҳисобланади. Бизнинг мамлакатимизда Қамчатка ва Узоқ Шарқнинг дengiz атрофида яшовчи аҳолиси дengiz сувўтларидан кўплаб турли-туман озиқ-овқат тайёрлаб истеъмол қиласилар. Денгиз қарами деб аталадиган Ламинария ва унга ўхшаш алария, ундария, дengiz қизил салати-порфира, родимения турли овқатларга солинади. Сувўтлардан тайёрланган ундан печеньелар пиширилади. Чучук сувларда ўсадиган кўк-яшил *Spirulina platensis* ва *Nostoc commune* сув ўтларини хитойликлар ва Жанубий Африка мамлакати аҳолиси озиқ-овқат учун кўплаб ишлатишади.

Сувўтлар талломи биологик актив моддалардан витаминларга ҳам бой. Денгиз сувўтлари таркибида йод, бром каби шифобаҳш хусусиятга эга бўлган элементлар ҳам кўплаб учрайди. Шунга кўра улар дорихоналарда доривор препаратлар қаторида сотилади.

Денгиз сувўтлар: анфельция, гелидиум ва грациляриядан ажратиб олинадиган углевод — агар озиқ-овқат саноатида мармелад, мураббо, музқаймоқ каби кондитер маҳсулотлари тайёрлашда ишлатилади. Қоғоз ишлаб чиқаришда унга ялтироқлик ва тифизлик беришда, худди шундай мақсадларда тўқимачилик саноатида ҳам қўлланилади. Микроорганизмларни ўстириш учун тайёрланган озиқни қаттиқ ҳолга келтиришда, елим тайёрлашда ҳам ишлатилади. Ҳозирги пайтда сувўтлардан спирт, сирка, сут кислотаси, ацетон ва турли эфир моддалари олинмоқда. Яшил сувўти — кладофорадан юқори сифатли қоғоз олиш мўлжалланмоқда. Космик изланишлар обьекти сифатида бир ҳужайрали хлорелладан фойдаланилади. Сувўтлар табиатда кенгтарқалганлигига қарамай, уларнинг баъзи турларини маҳсус қурилмаларда биологик, физиологик аҳамиятини ўрганиш учун маҳсус кўпайтирилади.

Бундай мақсадлар учун яшил сувўтлардан хлорелла, сценедесмус, анкистродесмус, дуналиелла, хламидомонада; кўк-яшил сувўтлардан спирулина, анабена, афанизоменон, носток каби турлардан фойдаланилади.

Бу сувўтлардан қишлоқ хўжалигида қўшимча оқсил ва витаминлар манбаи; оқова сувларни тозалашда; космосни ўрганишда — ёпиқ экологик системалар звеноси; медицина ва микробиология саноати учун метаболит ва хомашё олиш; атмосферадаги молекуляр азотни биологик йўл билан ўзлаштириш ва илмий текшириш ишларида фундаменталь масалаларни ўрганишда қулагай обьект сифатида фойдаланилади.

Яшил ўсимликлар каби сувўтлар ҳам фотосинтез натижасида карбонат ангидрид ва сувдан органик моддалар — оқсил, ёғ.

углевод, витамин ва бошқа физиологик актив моддалар ҳосил қиласи. Махсус қурилмада ўстирилган хлорелланинг ҳар 1 л суспензиясидан бир суткада 30—40 г ёки 1 м<sup>2</sup> майдондан 80—100 г қуруқ масса олиш мумкин. Бу борада Ўзбекистон ССР Фанлар Академияси ҳузуридан микробиология институти олимпариининг илмий изланишлари катта назарий ва амалий аҳамияттеги эга.

## СИМБИОТИК ТУБАН ЎСИМЛИКЛАР

### ЛИШАЙНИКЛАР БЎЛИМИ — LICHENOPHYTA

Лишайниклар тубан ўсимликларнинг ўзига хос группаси бўлиб, замбуруғлар ва сувўтларнинг симбиотик ҳаёт кечиришидан юзага келган ўсимликлардир. Улар ўзларининг морфологик, физиологик ва экологик хусусиятларига кўра бошқа ўсимликлардан фарқ қиласи. Лишайниклар бўлимига мансуб бўлган барча ўсимликлар учта группага бўлинган турларни ўз ичига олади. 1. Таркибидаги замбуруғлари аскомицетлар синфининг вакиллари бўлган лишайниклар. 2. Турлар сони жиҳатидан бирмунча кичик бўлган, замбуруғлари базидиомицетлардан ташкил топган лишайниклар. 3. Мева таналари йўқ ва шунга кўра систематикадаги ўрни ҳали аниқ бўлмаган лишайниклар.


Лишайникларнинг танасини ҳам бошқа тубан ўсимликлар каби таллом ёки қаттана деб аталади. Лишайниклар таркибидаги замбуруғни микобионт, сувўти эса фикобионт деб аталади. Фикобионт кўк-яшил, сарғищ-яшил, яшил ва қўнғир сувўтлар бўлимларига мансуб турлардан иборат.

Лишайниклар таркибини ташкил қилган сувўт турлари уларни географик жиҳатдан тарқалиши борасида ўзаро алоқадорлик бор. Ер шарининг мўътадил иқлимли зоналаридаги лишайникларнинг 8% талломи кўк-яшил сувўтлардан, 9% иш ёки пластикасимон, талломи треотеполияли турлардан 83% и яшил сувўтларнинг хлорококклар синфига мансуб вакилларидан иборат.

Тропикларда тарқалган лишайникларнинг 5—10% талломи кўк-яшил сувўт вакиллари бўлса, 45—48% лишайникларда яшил сувўтлар учрайди.

Лишайник танасидаги сувўт замбуруғ мицелийси билан ўраб олингани учун у ташқи муҳитдан ажралиб қолган, шунга кўра яшashi учун зарур бўлган, ассимиляция жараёнида синтезлайдиган органик моддалардан ташқари ҳамма ҳаётий зарур озиқларни микобионтдан олади. Бу ҳаётий зарур озиқларга биринчи навбатда сув, минерал тузлар, азотли моддалар ва баъзи анорганик бирикмалар киради. Шунга кўра сувўт лишайник талломида паразитдек яшайди. Аммо бу унинг умумий озиқланниш характеристери — автотрофликка қарама-қаршилик, қилмайди. Микобионт сувўт танасида паразит ва сапрофит озиқланади.

Лишайниклар кўп йиллик ўсимлик билан, жуда секин ўсиши билан характерланади. Ўрмон дарахтлари танасидаги лишайник



81-расм. Лишайниклар: 1 — калоплака — *Caloplaca* (ёпишқоқ лишайник); 2 — пелтигера — *Peltigera* (аргсимон лишайник); 3 — кладония — *Cladonia* (бутасимон лишайник).

талломи 20—50 йилда вояга етади. Тундранинг шимолидаги бутасимон кладония авлодига мансуб лишайникларнинг ёши 300-йилга боради.

Лишайниклар талломи ранги, шакли, ўлчами ва тузилишига кўра хилма-хилдир. Лишайниклар ташқи кўрининшига кўра учта морфологик типга бўлинади: 1) ёпишқоқ ёки қобиқсимон; 2) баргсимон ва 3) бутасимон.

I. Ёпишқоқ лишайникларнинг талломи субстратга бутун та-наси билан ёпишиб қобиқ пўстлоқсимон ёки порошоксимон қат-лам кўрининшида бўлади. Одатда улар учта унчалик катта бўлмаган, диаметри бир неча мм ёки см ли, айрим ҳоллардагина 20—30 см ли талломларни ҳосил қиласди. Уларни субстратдан бутуница ажратиб олиб бўлмайди. Ёпишқоқ лишайниклар та-биатда жуда кенг тарқалган. Уларни қояларда, тошларда, да-рахт пўстлоқларида, тупроқ юзасида учратиш мумкин (81-расм, 1, 2).

II. Баргсимон лишайникларнинг талломи барг пластинкаси шаклида бўлиб, субстратга нисбатан горизонтал жойлашган. Пластинка одатда юмалоқ яssi шаклда, диаметри 10—20 см ли бўлади. Субстратга марказий ўсимта орқали бирикади. Плас-тинканинг юза ва остки қисми турлича ранглиги билан фарқла-нади. Субстратдан уни бутуница ажратиб олса бўлади. Баргси-мон лишайникларга тоғларда ўсадиган пармелия (*Parmelia*), пельтигера (*Peltigera*) мисол бўла олади (81-расм, 2).

III. Бутасимон лишайниклар тик ўсувчи ёки кучли шохланиб-даражат шохларига ўхшаш, баъзан тармоқланмаган ўсимталар-

жүринишида бўлади. Бу лишайниклар субстратга талломнинг остики кичик қисми билан бирикади. Тупроқ юзасида учрайдиган тик ўсувчилари субстратга ипсимон ризоиди билан бирикади.


Бутасимон лишайниклар талломи ҳар хил катталикда, бўйи бир неча мм дан 30—50 см гача, дараҳтларда осилиб ўсадиган турлари, масалан, усненянинг узунлиги 7—8 м гача етиши мумкин. Бутасимон лишайникларга кладония (*Cladonia*) мисол бўлади (81-расм, 3).

**Лишайникларнинг анатомик тузилиши.** Лишайникларнинг талломи икки типда тузилган. 1. Гомеомер таллом. Бунда сувўтларнинг ҳужайралари талломнинг ҳамма қисми бўйлаб бир хил тарқалган. 2. Гетеромер таллом. Сувўтлар талломда алоҳида қатлам бўлиб жойлашган.

Гомеомер таллом, тузилиши жиҳатидан оддий ҳисобланиб кўндаланг кесимини микроскоп остида қаралса, мицелий чигалини ва улар орасида тартибсиз жойлашган сувўтнинг алоҳида ҳужайраларини ёки ипларини кўриш мумкин (82-расм).

Лишайникларнинг бундай анатомик тузилиши, таркибидаги фикобионт кўк яшил сувўтларидан — носток, глеокапса каби турлар тутган вакиллар учун характерлидир. Фикобионти яшил сувўт бўлган лишайниклар камдан-кам гомеомер тузилишли бўлади.

Анатомик жиҳатдан гетеромер структурали таллом алоҳида қатламларга дифференциялашган бўлади. Талломнинг морфологик тузилиши мураккаблашиб борган сари унинг анатомик структураси ҳам мураккаблашади. Примитив тузилишга эга бўлтан ёпишқоқ лишайникларнинг кўндаланг кесимида учта анатомик қатламни кўриш мумкин. Бу пўстлоқ қатлам, сувўт қатлами ва ўзак қисми. Баргимон лишайникларнинг базилари ҳам худди шундай тузилишга эга. Субстратдан кўтарилиб турадиган баргимон лишайникларда эса, талломнинг пастки томонида яна бир пўстлоқ қатлам ҳосил бўлади. Бундай талломда тўртта: юқориги пўстлоқ, сувўт қатлами, ўзак ва пастки қатламни кўриш мумкин. Бутасимон лишайникларда талломнинг пастки томонида яна битта анатомик қатлам — сувўт қатлам ҳосил бўлади. Бу лишайникларда энди бешта анатомик қатлам: талломнинг юқориги ва пастки қисмидаги иккита пўстлоқ қатлам, юқорироқ ва пастки қисмдаги иккита сувўт қатлам ва ўзак ҳосил бўлади. Бундай анатомик тузилишлар лишайник талломида у ёки бу муҳим функцияларни бажаради. Пўстлоқ қатлам лишайник ҳаётида ташқи муҳит таъсиридан муҳофаза қилиш ва талломни мустаҳкамлигини таъминлайди. Сувўт қатламида карбонат ангидрид ассомиляцияси ва органик моддаларни тўпланиши боради. Ўзак, сувўт ва пўстлоқ қатламларга нисбатан бирмунча қалин бўлиб, унинг асоси, функцияси сувўт ҳужайрасига ҳаво олиб келишдир. Талломи бирмунча йирик бўлган лишайникларда ўзак қатлам мустаҳкамлаш вазифасини ҳам бажаради.



82-расм Лишайникларнинг кўндаталг кесмалари: 1 — гомеомерли татломи; 2 — гетеромерли татломи; а — юқоридаги пўстлоқ қисми; б — сувўт қатлами; в — ўзак; г — пастки пўстлоқ қисми.


Лишайникларнинг кўпайиши микобионтнинг жинсий, жинссиз кўпайишидан юзага келган споралар билан ёки вегетатив талломнинг қисмлари — соридий ва изидиялар воситасида амалга ошади.

Жинсий кўпайиш мева таналарда юзага келадиган споралар ёрдамида рўй беради. Мева таналар апотеций ва перитеций шаклида бўлиб, қопсимон кўринишдаги халтачаларда споралар ётишади (83-расм). Бундай мева танали лишайниклар халтачали лишайниклар (*Ascolichenes*) группасига бирлаштирилади.

Лишайникларнинг баъзиларида споралар халтача ичиде етишмай, экзоген, бироз узууроқ тўғнағиҳисимон гифалар — базидияларда юзага келади. Споралари базидияларда юзага келадиган лишайниклар базидияли лишайниклар (*Basidiolichenes*) группасига бирлаштирилади. Жинссиз кўпайиши пикноконидиялар ҳосил қилиш билан боради. Улар талломнинг сатҳида ҳосил бўладиган пикнидияларда юзага келади.

Вегетатив кўпайиши талломда соридий ва изидиялар юзага келиши ва уларнинг қулай шароитга тушиб ривожланиши билан боради. Соридий фикобионт қатламда ҳосил бўлади. У замбуруғ гифалари билан ўралган бўлиб, бир ёки бир неча сувўт ҳужайрасидан иборат баргсимон ва бутасимон лишайникларда юзага келади (83-расм, 1).

Изидий талломнинг юзасида сферик ўсимталар кўринишида бўлиб, пўстлоқ қисми билан ўралган замбуруғ мицелийси ва сувўт ҳужайраларидан иборат бўлади.




✓ 83-расм. Лишайникларнинг меватаналари. А — атотеций, Б — перитеций.  
1 — ташки кўриниши; 2 — кесмаси.

Лишайниклар таркибидаги замбуруғларнинг қайси синфга мансублигига қараб, халтачали лишайниклар (*Ascolichenes*) ва базидияли лишайниклар (*Basidiolichenes*) синфларига бўлинади.

### **Халтачали лишайниклар синфи — *Ascolichenes***

Лишайникларнинг деярли ҳаммаси яъни 20—26 минг турга яқини шу синфга мансуб. Уларни умумий белги — спораларнинг халтачаларда етишиши бирлаштиради.

Халтачали лишайниклар мева танасининг шаклига кўра пиренокарплар (*Pycnopeltigerae*) ва гимнокарплар (*Gymnopeltigerae*) кенжা синфларига бўлинади.



84-расм. Лишайникларнинг вегетатив кўпайиши; 1 — соредиј; 2 — изидий ҳосил бўлиши: а — сувўт ҳужайраси, б — замбуруғ ҳужайраси.

Пиренокарпларга кўпинча ёпишқоқ, қисман баргсимон лишайниклар киради. Фикобионти яшил, сариқ-яшил, ҳатто қўнғир сувўтлардан иборат. Улар тошларда, қояларда, тупроқ юзасида ва қисман дараҳт пўстлоқларида тарқалган.

Пиренокарплардан кулранг ёки бироз жигарранг тусли, диаметри 3—5 см келадиган, тармоқланган пластинка тузилишидаги дермато карпонни республикамиз тоф қояларида учратиш мумкин. Гимнокарплар синфига мева танаси апотеций кўринишида бўлган ёпишқоқ, баргсимон ва бутасимон шаклдаги лишайниклар киради. Уларнинг фикобионти яшил ва кўк-яшил сувўтлардан ташкил топган. Гимнокарпларнинг характерли авлодларига пельтигера (*Peltigera*), графис (*Graphis*), лецидея (*Licidea*), кладония (*Cladonia*), леканора (*Lecanora*), пармелия (*Parmelia*), уснея (*Usnea*) мисол бўла олади.

### Базидияли лишайниклар синфи — Basidiolichenes

Бу синф вакилларининг микобионти базидиямицетларнинг афиллофоралар ва қалпоқчалилар тартибига мансуб замбуруғлардан иборат. Фикобионти эса айрим яшил ва кўк-яшил сувўтлардан ташкил топган. Базидияли лишайникларнинг мева тана-

си бир йиллик, халтачали лишайникларда эса кўп йиллик. Бу синф вакиллари ҳали ҳақиқий лишайник даражасидаги морфологик ва анатомик тузилишга эга эмас. Уларнинг таркибида халтачали лишайниклардагидек специфик моддалар ҳам йўқ.

Базидияли лишайникларнинг систематикаси ҳали яратилган эмас.

## ЛИШАЙНИКЛАРНИ КЕЛИБ ЧИҚИШИ ВА АҲАМИЯТИ

Лишайникларнинг келиб чиқиши ҳақида илмий адабиётларда аниқ бир маълумот ҳозирча йўқ. Қазилма лишайникларнинг қолдиқлари мезозой, кўпроқ кайнозой эраси ётқизиқларидан то-пилган. Бу топилмалар ўша даврларда, бундан 200 млн йил илгари улар юксак даражадаги баргсимон ва бутасимон тузилишларга эга бўлган. Даствлабки оддий лишайниклар қачон юзага келганлиги ҳозиргacha номаълум. Сувўт ва замбуруғдан иборат бундай «тўпламни» нима сабабдан эволюцияда вужудга келгани ҳали ҳам мӯаммо. Бу борада олимлар турлича сабаб кўрсатадилар. Улардан бири замбуруғнинг «оч қолиши» деб ҳисоблади. Озиқ моддалар камчил шароитда замбуруғ (биринчи навбатда халтачалилар) органик моддалар билан таъминловчи шерик сифатида сувўтни топган. Яшаш муҳитининг қуруқлиги ҳам сувўт ва замбуруғни ўзаро ҳамкорликка, яшаш учун курашга тезлаштирган.

Сувўт ва замбуруғнинг бир организмда комплекс ҳолда биргаликдаги ҳаёти эволюцияда ғоят самарали бўлиб чиқсан. Бу эса уларнинг турлари кўплигидан далолат беради. Ҳозиргача 26000 турдаги лишайник фанга маълум. Бу миқдор 40000 гача этиши мумкин. Агар замбуруғлар 60000, сувўтлар 40000 турдан иборат бўлса, лишайниклар ҳам ўсимликларнинг йирик группасини ташкил қиласди. Улар табиатда жуда кенг тарқалган. Тундра ва баланд тоғларда асосий ўсимлик сифатида ўсиб ўзига хос ландшафт ҳосил қиласди.

Лишайникларнинг дарахт пўстлоқларида, тупроқ юзасида, тошларда, қояларда хилма-хил рангдаги ёпишқоқ, баргсимон ва бутасимон тузилган турларини учратиш мумкин.

Лишайникларнинг химиявий таркиби ҳам бирмунча мураккаб. Уларда хитин моддаси, лишайник крахмали деб аталадиган лихенин, дисахаридлардан сахароза, турли ферментлар — инвертаза, амилаза, каталаза, лимаза, лихеназа, кўплаб аминокислоталар, витаминлардан аскорбин кислота, биотин (Н), коболамин ( $B_{12}$ ), никотин кислота (РР) ва бошқалар учрайди. Лишайниклар субстратдан ва атроф-муҳитдан турли химиявий элементларни, шу жумладан радиоактив моддаларни ҳам тўплаш хусусиятига эга. Шунга кўра лишайниклардан атмосфера ҳавосининг ифлосланганлик даражасини аниқлашда индикатор сифатида фойдаланилади. Саноати ривожланган шаҳарларда лишайниклар камроқ ва улар оз миқдорда учрайди. Атмосфера ҳавоси ифлосланишининг ортиши билан дастлаб бутасимон, сўнг-

фа баргсимон, кейин эса ёпишқоқ лишайниклар йўқола бошлайди. Бунга асосий сабаб атмосфера ҳавосида  $\text{SO}_2$  миқдорининг ортиб кетиши ҳисобланади. 1  $\text{m}^3$  ҳаводаги  $\text{SO}_2$  миқдори 0,08—1,10 мг дан ортиши лишайникларга заҳарли таъсир кўрсатади.

Лишайникларнинг кишилар ҳаётидаги аҳамияти ҳам катта. Улар биринчи навбатда шимол буғулари учун ем-хашак сифатида Узоқ Шимол ҳалқлари ҳаётида муҳим роль ўйнайди. Буғулар ва бошқа ҳайвонлар калдония ҳамда уснея билан озиқланади. Исландия, Чехословакия ва Японияда айрим лишайниклар озиқ-овқат сифатида ҳам ишлатилади.

Уснеядан ажратиб олинган уснин кислотасининг натрий тузидан иборат «бинан» препаратидан медицинада кенг фойдаланилади. Лишайниклардан ажратиб олинган экстрактлар парфюмерия маҳсулотларидан «бахчасарой фонтани», «кристалл», «кармен», «шипр» каби атиrlарга, косметика маҳсулотларидан кремлар, упалар, совунларга ўзига хос хид бериш учун фойдаланилади. Шунингдек, лишайниклар ипак ва жун матоларни тўқкўк рангга бўяшда ҳам ишлатилиади.

## АДАБИЁТ

- В. В. Буригин, Ф. Х. Жонгуразов. Ботаника, «Үрта ва олий мактаб», Т., 1977.
- Л. Д. Великанов, Л. В. Гарифова, Н. П. Горбунова, М. В. Горленко ва бошқалар. Курс низших растений. М. В. Горленко таҳрири остида, «Высшая школа», М., 1981.
- М. М. Голлербах. Водоросли, их строение, жизни и значение. «Пищевателей природы», М., 1951.
- Н. Н. Горбунова, Е. С. Клюшинкова, Н. А. Комарницкий ва бошқалар. Малый практикум по низшим растениям. Учебное пособие для студентов биологов университетов. 2-нашри. «Высшая школа», М., 1976.
- Қ. З. Зокиров. Үрта Осиё үсимлик оиласарини аниқлагич. «Үрта ва олий мактаб», Т., 1963.
- Қ. З. Зокиров, Ҳ. А. Жамолхонов. Ботаникадан русча-ўзбекча энциклопедик лугат. 1-том, «Ўқитувчи», Т., 1973.
- Жизны растений. 1-том. Введение. Бактерии и актиномицеты. СССР ФА мухбир аъзоси, проф. Н. А. Калашников таҳрири остида. «Просвещение», М., 1974.
- Жизны растений, 2-том. Грибы. Проф. М. В. Горленко таҳрири остида. «Просвещение», М., 1976.
- Жизны растений. 3-том. Водоросли. Лишайники. Проф. М. М. Горленко таҳрири остида. «Просвещение», М., 1977.
- Н. А. Комарницкий, Л. В. Кудряшов, А. А. Уранов. Ботаника. Систематика растений. «Просвещение», М., 1975.
- С. С. Саҳобиддинов. Үсимликлар систематикаси. «Үрта ва олий мактаб», Т., 1963, 1976.
- С. М. Худойқулов, Л. Н. Назаренко. Үсимликлар систематикасидан амалий машғулотлар. «Ўқитувчи», Т., 1984.

## МУНДАРИЖА

<b>Сүз боши</b>	3
Тубан ўсмиллар систематикасининг қисқача тарихи	4
Таксономик категориялар	7
<b>Ядроси шаклланмаган организмлар катта олами</b>	12
Вируслар	12
<b>Бактериялар кенжә олами</b>	13
Цианалар олами	20
Күк-яшил сувўтлар бўлими	20
Ядроли организмлар катта олами	26
Замбуруғлар олами	26
Шилимшиқлар бўлими	26
<b>Замбуруғлар кенжә олами</b>	29
Хитридиомицетлар синфи	32
Оомицетлар синфи	33
Зигомицетлар синфи	38
Халтачали замбуруғлар ёки авкомицетлар синфи	38
Базидиомицетлар синфи	48
Дейтеромицетлар ёки такомицетлар замбуруғлар синфи	60
<b>Багрянкалар кенжә олами</b>	70
Қизил сувўтлар бўлими	70
<b>Ҳақиқий сувўтлар кенжә олами</b>	70
Яшил сувўтлар бўлими	79
Вольвоклар синфи	80
Протококлар синфи	84
Улотрикслар синфи	87
Сифонилилар синфи	95
Коньюатлар ёки маташувчилар синфи	98
<b>Яшил сувўтларнинг филогенетик алоқаларини</b>	104
Харалар бўлими	105
Эвглена сувўтлар бўлими	107
Сариқ-яшил ёки ҳар хил хивчинли сувўтлар бўлими	108
Пиррофит сувўтлар бўлими	111
Тилларанг сувўтлар бўлими	113
Диатом сувўтлар бўлими	116
Центриксимонлар синфи	117
Патсимонлар синфи	118
Кўнгир сувўтлар бўлими	122
Фэозооспоралар синфи	123
Циклоспорасимонлар синфи	126
<b>Сувўтларни тарқалиши ва экологик группалари</b>	129
<b>Сувўтларни аҳамияти ва уларни кўпайтириш</b>	132
<b>Симбиотик тубан ўсмиллар</b>	134
Лишайниклар бўлими	134
Лишайникларни келиб чиқиши ва аҳамияти	140
<b>Адабиёт</b>	142

*На узбекском языке.*

ТАДЖИБАЕВ ШАРАВИТДИН ДЖАМАЛОВИЧ

**СИСТЕМАТИКА РАСТЕНИЙ**

**(нижние растения)**

Пособие для студентов биологических  
факультетов педагогических институтов

Ташкент «Ўқитувчи» 1990

*Мұхаррір Р. Аевазов*

*Бадий мұхаррір И. Митирев*

*Мұқова рассомы В. Лунев*

*Техмухаррір Т. Грешников*

*Мусақхана М. Махсудова*

ИБ № 5238

Теришга берилди 3. 01. 90. Босишга рухсат этилди 19. 11. 90. Формати  
60×90/16. Тип. қоғозы № 2. Литературная гаря. Көгель 10 шпонисиз.  
Юқори босма усулида босилди. Шартли б. л. 9,0. Шартни кр.-отт.  
9,31. Нашр. л. 9,43. Тиражи 5000. Зак. 2276. Баҳоси 50 т.

«Ўқитувчи» нашириети. Тошкент, 129. Навоий кӯчаси, 30. Шартнома  
19—87—89.

Ўзбекистон ССР Матбуот давлат комитети «Матбуот» полиграфия  
ишлаб чиқариш Бирлашмасининг 1-босмахонаси. Тошкент, Ҳамза  
кӯчаси, 21. 1990.

Типография № 1 ТППО «Матбуот» Государственного комитета  
УзССР по печати. Ташкент, ул. Ҳамзы, 21.

50т.

■ҮНИТУВЧИ■